М. ҒУЛОМОВ

ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М. ҒУЛОМОВ

ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тўрт йиллик бошланғич мактаб ўқитувчилари учун қўлланма

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1992

Тақризчилар:

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, профессор К. Қосимова, Тошкент шаҳридаги 24- мактаб ўқитувчиси Х. Қодирова.

Ғ 79

Ғуломов М.
Чиройли ёзув малакасини шакллантириш: Тўрт йиллик бошланғич мактаб ўқитувчилари учун қўлл.— Т.: Ўқитувчи, 1992.—152 б.

Гулямов М. Формирование навыков каллиграфии: Пособие для учителей четырехлетней школы.

ББК 74.261.4

Ғ $\frac{4306010200-116}{353\ (04)-90}$ 234—90

© *«Ўқитувчи» нашриёти, 1992.*

ISBN 5—645—00729—8

ҲУСНИХАТ МЕТОДИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.

Ўзбек халқи узоқ асрлик тарихида яратиб қолдирган маданий меросида хаттотлик санъати алоҳида ўрин эгаллайди.

Араб истилосидан сўнг Ўрта Осиё халқлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши муносабати билан араб ёзуви ҳам кириб келади.

Ўрта асрларда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб китоб қилинган. Нафис китоб кўчириш катта ҳунар ва санъат ҳисобланган. Бу ҳунар эгалари тарихда хаттот номи билан машҳур бўлганлар. Хаттотларнинг кўчирган китоблари кишиларни ҳаяжонга солиб, уларни завқлантирган. Шунинг учун ҳам хаттотлик билан ном чиқарган шахслар оддий кўчирувчи эмас, балки ўша даврнинг илм-маърифат ва йирик маданият арбоби ҳисобланган. Қўлда кўчирилган ҳар бир асар санъат мўъжизаси каби нодир асар ҳисобланган.

XIV—XVI асрларда бир қанча истеъдодли санъаткорлар — нафис китобларнинг ижодчилари етишди. Муҳаммад бин Ҳусайин ат-Тибий, Мир Али Табризий, Хоразмий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Қилқалам, Мунислар шулар жумласидандир. Булардан ташқари, ўрта асрларда яшаган бир қанча олим ва фозил кишилар ёшликдан хаттотлик санъатини эгаллаб, кейинчалик котибликда ҳам ном чиқарганлар. Улар фақат ўз асарларинигина эмас, балки бошқа муаллифларнинг асарларини ҳам кўчирганлар. Масалан, Ҳофиз Шерозий Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сини кўчирган. Алишер Навоийнинг моҳир хаттот эканлиги тарихий манбалардан маълум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур араб графикасида туркий халқларга мослаб «Хатти Бобурий» деб аталган алифбе яратди. Мунис Хоразмий хаттотлик санъати ҳақида «Саводи таълим» номли рисола ёзди ва Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ниҳоятда нафис хат билан кўчирди. Муқимий ҳам жуда майда *настаълиқ* ва *шикаста хати* услубида баёз кўчирган. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда нафис китоб яратиш техникаси ихтиро этилмаган бир даврда котибликка

талаб ниҳоятда кучли бўлган. Қўл ёмаларни китоб ҳолига келтиришда бир неча мутахассислар иштирок этганлар. Бу жараёнда қоғозрез (қоғоз қуювчи), хаттот (каллиграф), музаҳҳиб (олтин суви билан безак берувчи), лаввоҳ (лавҳа чизувчи), мусаввир (рассом) ва саҳҳоф (муқовачи) иштирок этади. Шу йўсинда тайёрланган нафис китоблар шоҳлар, буюк олимлар ва шоирлар кутубхоналарида сақланар эди.

Ўрта Осиё усталари, айниқса, Самарқанд ва Бухоро усталари қоғоз ишлашда катта шуҳрат қозонган эдилар. Уларнинг қоғозлари пишиқ ва силлиқ эди. Хаттот учун эса ана шундай сифатли қоғозлар керак бўлар эди. Қоғозлар кустар ҳолда турли усулларда тайёрланган.

Хаттотнинг асар кўчириш қуроллари: «сиёҳ», «қамиш қалам», «мистар» (транспорант), қаламнинг учини чиқариб туриш учун «қаламтарош», қамиш қаламнинг учини кесиш учун ясалган махсус суяк пластинка «қаламқат»дан иборат бўлган. Қамиш қалам хаттотнинг асосий ёзув қуроли ҳисобланган. Уни тайёрлаш ҳам алоҳида санъат талаб этган. Қамиш қаламдаи қоғозга сиёҳ томмаслик учун ҳамда қаламда доим етарли даражада сиёҳ бўлиши учун сиёҳдон (довот)га тўлгунча ипак лос солинган. Сиёҳга бўктирилган ипак лослар қаламнинг етарли миқдорда сиёҳ билан таъминланишига ёрдам берган.

Хаттотлар техник вазифалардан ташқари ўз ёзув услубларини ҳам ишлаб чиқаришга интилганлар. Масалан, XII асрдан бошлаб хаттотлар ҳаётида кўфий хати услуби кенг ўрин олди. Бу услуб асосида араб ёзувининг қуйидаги олти хил асосий услублари майдонга келади:

1. **Сулс хати** — бу хатнинг тўрт баҳраси текис, икки баҳраси юмалоқ шаклда ёзилади.

2. **Насх хати** — бу хатнинг ихтирочиси машҳур хаттот Ибн Муқлаъ ҳисобланади.

3. **Муҳаққақ хати** — бир бўлак қисми текис бўлиб, қолган бўлаклари юмалоқ шаклда ёзилади.

4. **Райҳоний хати** — муҳаққақдан келиб чиққан бўлиб унинг ихтирочиси Ибн Баввобдир.

5. **Тавқеъ хати** — ярим текис, ярим юмалоқ чизиқдан ташкил топган.

6. **Риқоъ хати** — кўпчилик ҳарфлар бир-бирига қурама қилиб ёзилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хатларнинг ҳар бири ўз ўрнида қўлланиб келинган. Муҳаққақ — қасида ва шеърлар ёзишда, сулс — илмий асарлар ва хат йўл-йўриқларида, райҳоний ва насх — қисса ва хабарларда, тавқеъ — буйруқ ва фармонларда, риқоъ — мактубларда ишлатилган. Ундан ташқари, бу олти асосий усулнинг ҳар бири ингичка ва йўғон қаламларда ёзилиши натижасида яна ўн икки хил хатни ташкил қилган. Шунинг учун ҳам эски мактабларда ёзув малакасини ҳамма ўқувчилар ҳам тўлиқ эгаллай олмаганлар. Ёзишга қийналишнинг яна бир сабаби кўп ҳарфларнинг сўзда қўлланиш ўрнига қараб ҳар хил шакл олишидир.

Эски мактабда ҳарфларни нусхага қараб, алфавит тартибида катта-катта қилиб ёзиш «сархат» деб аталиб, баъзан сархат ёзиш бир-икки йилга чўзилган. Сархат ёзишга ўргатилгандан сўнг «мураккабот», яъни ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиб ўргатилган. Мураккаботдан кейин «муқаттаот» машқи, яъни байт ва рубоийлар кўчириб ёзиш ўргатилган. Эски мактабда муқаттаотга жуда кўп вақт сарф қилинган. Болалар дуои саломни ёзишни билсалар, уларнинг хат-саводи чиққан ҳисобланган.

Эски мактабда чиройли ёзувга алоҳида аҳамият берилган, аммо ҳуснихат машғулотлари учун зарур бўлган қоидалар юзаки тушунтирилган. Чиройли ёзувга ўргатиш вақтида фақат қаламни қандай ушлаш қоидаларигина эслатилган. Қалам билан бир марта ёзилгандан сўнг унинг устидан қайта ёзишга йўл қўйилмаган, бу ёзув қоидаларини сақлашдаги бирдан-бир усул бўлган. Болаларга юқоридагига ўхшаш айрим йўл-йўриқлар кўрсатилгани билан уларнинг кўз билан қоғоз орасидаги масофанинг тўғри сақланишига эътибор берилмаган. Ҳатто ёзиш вақтида нафас олиш ҳам тақиқланган.

Эски мактабда ҳуснихат қоидаларини ўргатувчи бирдан-бир қўлланма «Муфрадот» китоби бўлган. Домлалар ёзишни ўргатиш ва ҳуснихат машқ қилдиришда шу китобдан фойдаланганлар. Бу вақтда ҳуснихатга ўргатишнинг бирдан-бир йўли кўчириб ёзиш кўникмасини ҳосил қилиш бўлган. Болалар учун араб алфавитида ёзиш жуда қийин бўлиб, унда бирор нуқтанинг ноўрин қўйилиши ёки нуқталар сонининг кам ёки ортиқ бўлиши сўзнинг маъносини тубдан ўзгартириб юборган. Шунинг учун, араб ёзувида жуда эҳтиёт бў-

либ ёзиш зарур эди. Ана шундай бир вақтда хушхат бўлишни, ҳар бир ҳарфни тўғри ва аниқ ёзишни талаб қилиш, бу масалага кишиларнинг диққатини жалб қилишда ҳуснихат таълимини ўргатувчи методик қўлланма жуда муҳим эди. Бу ишга биринчи бўлиб шоир ва хаттот Шермуҳаммад Авазбек ўғли Мунис (1778—1829) бел боғлайди. Мунис 1804 йилда ўзбек тилида «Саводи таълим» номли рисола ёзади. Унинг бу рисоласи амалий ҳамда назарий томондан ўша даврга нисбатан катта аҳамиятга эга эди. Мунисниг бу асари унинг вафотидан кейин Хоразм хушхатлари томонидан кўчириб ёзилади.

Мунис бу рисоласини икки қисмга бўлиб, биринчи қисмида ҳуснихат таълимини берган устозлари ҳақида, хат ва чиройли ёзув асбоблари ҳақида фойдали маслаҳатлар беради.

Сўз маҳзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг ҳазонаси ҳам,
Ҳар сўзки, кўнгулдан ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса бўлгай эрди нобуд...

У ёзув қуролларига ҳам катта аҳамият бериб шундай дейди:

Олам иши интизоми андин,
Олам элининг низоми андин,
Ул бўлмаса бўлмагай китобат,
Бу бўлмаса қолмагай ҳикоят...

«Саводи таълим»нинг иккинчи қисмида араб алфавитидаги ҳарфларнинг ўлчови ва шакли, катта-кичиклиги тушунтирилади. Мунис бу китобида ҳарфларнинг ўлчовини қатъийлаштириб ҳар хилликка чек қўйиб, ҳуснихат таълимига янгилик киритган. Унинг бу рисоласи хаттот ва котибларга ҳамда ўз хатини тузатмоқчи бўлган кишиларга яқиндан ёрдам берган.

Ҳозирги кунда мактабларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишдир. Ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишда тоза ва чиройли ёзувнинг роли каттадир. Улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский ҳуснихат дарсларига алоҳида эътибор бериб, «дастлабки орфографик малакалар ҳуснихат дарсларида тикланади»,— деган эди.

Ўзбек мактаблари 1940 йилдан бошлаб, рус графикаси асосида ёзувга ўта бошлади. Бироқ ўзбек мактаблари учун ҳуснихатга оид қўлланмалар яратилмаган

бўлса ҳам рус тилида яратилган турли методик қўлланмалардан фойдаланиб келинган.

1938 йилда Д. А. Писаревский томонидан ёзилган «Ёзувга ўргатиш» китобида биринчи марта бошланғич синф ўқитувчилари учун дарсларни қандай ташкил этиш йўллари кўрсатилади. Муаллиф бу китобда ҳарфларни изчиллик билан ўргатишни, ҳар хил боғланишларни тўлиқ кўрсатиб ўтади. Аммо чиройли ёзувга ўргатишнинг асосий шартлари устида кам кўрсатма беради.

1948 йилда В. А. Саглин томонидан тузилган «Бошланғич синфларда ёзувга ўргатиш» номли қўлланмада I, II, III, IV синфларда ҳуснихатга ўргатишнинг мақсад ва усуллари баён этилади. Бу китобда ёзувда учрайдиган типик хатоларни тузатиш учун кўрсатмалар ва тез ёзишга ўргатиш учун тайёргарлик машқлари берилади. Қўлланмада доскага бўр билан ёзиш қоидалари ҳам киритилган.

1948 йилда Е. В. Гурьянов томонидан тузилган «Ёзув машқларининг психологик эслатмалари» ва «Алифбе даврида ёзувга ўргатишнинг психологияси ва методикаси» номли қўлланмаларда эса ёзув жараёнига илмий асосда ёндошилади ва ёзувнинг психофизиологик асослари очиб берилади. Муаллиф бу қўлланмаларда ўқувчиларнинг диққатини бошланғич синфларда дарснинг самарадорлигини оширувчи қатор шарт-шароитларга тортади ҳамда амалий кўрсатмалар беради. 1959 йилда Е. В. Гурьяновнинг «Ёзувга ўргатиш психологияси» китоби нашр қилинди. Бу қўлланмада, асосан, ёзувга ўргатиш психологияси тўла очиб берилади, ҳамда эски каллиграфик ёзув системаси танқид қилинади. Муаллиф босим билан ёзиладиган ёзув системасини мисоллар билан кўрсатиб беради, ҳамда мавжуд ёзув графикасини соддалаштиришни талаб этади.

Ёзув қуролларининг такомиллашиб бориши билан Е. В. Гурьянов томонидан тавсия этилаётган ёзув системаси 1970 йилдан бошлаб мактабларда кенг қўлланила бошланди.

1965 йилдан бошлаб ўзбек мактабларида янги соддалаштирилган ҳарфлар асосида ёзувга ўргатиш бўйича тажриба ишлари олиб борилди. Тажриба якунлари шуни кўрсатдики, соддалаштирилган ҳарфлар замон талабига тўла мос келади.

1970 йилдан бошлаб Иттифоқ бўйича барча рус ал-

фавити асосида ўқитиладиган мактаблар учун янги, соддалаштирилган ҳарфлар билан ҳуснихат китоблари ҳамда методик қўлланмалар чиқарила бошланди. Шу жумладан, ўзбек мактаблари учун ҳам ҳуснихат дарсликлари яратилди. Аммо бу дарслик ва методик кўрсатмалар ҳозирда янги дастур асосида ишлаётган бошланғич синф ўқитувчиларининг талабига жавоб беролмай қолди.

Шунинг учун биз ҳозирги кун талаблари асосида бошланғич синф ўқитувчилари учун ҳуснихатга оид ушбу методик қўлланмани яратдик.

Бу методик қўлланма ўқувчиларнинг чиройли ёзув малакаларини шакллантиришда ўқитувчиларга яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

ҲУСНИХАТГА ЎРГАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Ҳуснихат дарслари биринчи синфда савод ўргатиш даври тугагандан сўнг, 4-чоракдан бошлаб алоҳида олиб борилади. Аммо дастлабки ҳуснихат малакалари ўқувчилар мактабга қадам қўйгандан бошлаб амалга оширилади.

Биринчи синфда ёзув дарслари ҳуснихат малакасини ўстириш орқали олиб борилади. Чиройли ва тоза ёзилган хат ёзаётган шахснинг маданиятини ва уни ўқийдиган кишига нисбатан ҳурматини ҳам белгилайди.

Ҳозирги кунда фан-техника тараққиётининг ўсиши орқали кундалик ҳаётимизда турли-туман (қоғозлардан) ҳужжатлардан кенг фойдаланамиз, ҳар хил конспектлар, иш қоғозлари, ҳисоботлар кенг ўрин олмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақат чиройли ва аниқ ёзиш билан бирга, тезликни ҳам талаб этади.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида кўрсатилганидек, ёзув дарсларида ҳарфларни аниқ, тоза ва чиройли ёзишни мукаммал ўргатиш талаб этилади.

Аммо қисқа муддат ичида ўқувчиларда чиройли, тез ва тоза ёзиш малакаларини ўстириш мумкин эмас, бунинг учун бир неча йил талаб этилади.

Чиройли ёзувга ўргатиш учун болаларнинг мактабга қадам қўйган кунларидан бошлаб қуйидаги вазифаларни бажаришлари талаб этилади:

1. Ёзув вақтида партада тўғри ўтириш.

2. Авторучкадан тўғри фойдаланиш.

3. Дафтардан тўғри фойдаланиш.

4. Ёзма ва босма ҳарфларнинг шакли билан таништириш.

5. Ёзма шаклдаги ҳарфлар ёрдамида бўғин, сўз ва гап тузишга ўргатиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган малакалар шакллангандан сўнг ҳуснихат дарсларида улар мустаҳкамланади.

Ҳуснихат малакасини шакллантириш учун биринчи навбатда ҳарфларнинг шаклини тўғри тасаввур этишга, бир хил қияликда (65°) ёзишга, сўзларда ҳарфларни тўғри боғлашга, сўзларни қаторларга тўғри жойлаштиришга ўргатилади.

Дафтар чизиқларини бирин-кетин алмашуви давомида, ҳарфларнинг қиялигини ва улар орасидаги масофани тўғри сақлаш, кичик ва бош ҳарфларнинг нисбатини тўғри чамалаб ёзишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Шунингдек, ҳуснихат дарсларида маълум группага оид ҳарфларни ёзишга ўргатишда ўқувчиларда учрайдиган айрим типик хатоларнинг олдини олиш ва тузатиш устида ҳам иш олиб бориш лозим. Ёзувнинг тезлиги ошиши билан айрим бир-бирига ўхшаш ҳарфларнинг шаклини бузиб ёзиш ҳоллари учраганда эса, уларни қайта машқ қилдириш лозим.

Биринчи ва иккинчи синфларда чиройли ёзувга ўргатишда чизиқли дафтарлардан тўғри фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Биринчи синфда кичик ҳарфларнинг баландлиги ва қиялиги чизиқлар ёрдамида чегараланган бўлса ҳам, бош ҳарфларни ёзишда ўқувчилар хатога йўл қўйишлари мумкин.

Бир чизиқли дафтарга ёзишга ўтилганда эса ўқувчилар олдига қатор вазифалар қўйилади, энди улардан ҳарфларнинг баландлигини, қиялигини ва ҳарфлар орасидаги масофаларни чамалаб ёзишлари талаб этилади.

Чиройли ёзувга ўргатиш умумий дидактик қоидалар билан бирга ёзув малакасини шакллантирувчи ўзига хос қоидаларни ҳам ўз ичига олади.

Умумий дидактик қоидалар, такрорийлик, кўргазмалилик, ёш ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш, тушунарлилик, онглилик ҳуснихат қоидаларини амалга оширишда жуда муҳимдир. Айниқса, кўргазмалилик принципи чиройли ёзув малакасини сингдиришда му-

ҳим роль ўйнайди. (Бу ҳақда биз кейинроқ батафсил тўхтаб ўтамиз.)

Ҳар бир ўқувчи у ёки бу ҳарфни тушуниб, ёзилишини, ҳарфларнинг бир-бирига боғланишини, кичик ва бош ҳарфларнинг бир-бирига нисбатини, баландлигини, қиялигини, авторучкани ушлаш ва тўғри ўтириш қоидаларини яхши билишлари лозим.

Ёзувга ўрганиш даврида олинган билим ва малакалар ўқувчилар учун доимий қоида бўлиб қолиши зарур.

Чиройли ёзув малакаларини ўстиришда энг биринчи қоида бу гигиеник талаблар ва ёзувнинг қиялигини тўғри сақлашга ўргатилиб, сўнгра ҳарф ва ҳарф элементлари орасидаги масофани чамалаб ёзиш қоидалари сингдириб борилади. Бу қоидалар кейинчалик II синфда ўтказиладиган ҳуснихат дарсларида такомиллаштириб борилади. Бу қоидаларни ўқувчилар эсда сақлаб қолиб, тушунтириб бера олишлари лозим.

Масалан, ўқувчи «Ёзувнинг қиялигини тўғри сақлаш» қоидасини қуйидагича тушунтиради: «Ёзувнинг қиялигини тўғри сақлаш учун, дафтарни парта устида тўғри қўйиш лозим». (Дафтарнинг ҳолатини амалий кўрсатиб бериши мумкин.)

Ёзув малакасини онгли тушуниш, ўз хатоларини ва бошқаларнинг ёзувларида учраган хато ва камчиликларни тузатиш учун ёрдам беради.

Ҳар бир ёзув машқи аниқ мақсад асосида осон тушунарли олиб борилиши керак. Бунинг учун чиройли ёзувга ўргатишнинг турли усулларидан фойдаланиш лозим.

Чиройли ёзув машқларини эсдан чиқармаслик учун системали равишда такрорлаб бориш жуда муҳимдир.

Болаларнинг ёзув малакаларини ҳосил қилишда уларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари: бармоқ ва қўл мускулларининг ҳаракат тезлиги, марказий нерв системаси томонидан нерв мускулларининг бошқарилиши ҳисобга олиниши лозим. Айниқса, олти ёшли болалар учун ёзув жараёни жуда қийиндир. Бу даврда уларнинг жисмоний ўсишларини, албатта, ҳисобга олиш керак.

Олти ёшли болалар қўл ҳаракатини узмай, айрим ҳарф элементларини, ҳарфларни, кейинчалик содда элементли сўзларни ёза оладилар. Бу даврда улардан

айрим қийин элементли, чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфларни қўл ҳаракатини узмай ёзишни талаб этиш мумкин эмас. Ёзилиши қийин ҳарф ва сўзларни астасекин машқ қилдириш орқали йил давомида ўргатиб борилади.

Иккинчи синфдан бошлаб болалар қўл ҳаракатини узмай, чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфлардан ташкил топган ҳарф, бўғин ва сўзларни ёзишга ўргатилади.

Чиройли ёзув дарсларида ҳарфларнинг шакли устида машқ ўтказилганда оддийдан мураккабга томон олиб борилади, чунки алфавитдаги барча ҳарфлар ёзилиш шаклига қараб группаларга ажратилади. Биринчи группага ёзилиш шакли осон, кейинги группаларга эса ёзилиш шакли мураккаб бўлган ҳарфлар киритилди. Бундай шаклда дарсни ташкил этиш чиройли ёзув методикасида «генетик» усул дейилади. Бу усул билан ҳам кейинроқ батафсил танишасиз.

Болаларни чиройли ёзувга ўргатишда ўқитувчи уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши шарт.

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қандай ўтиришини, ручкани қандай ушлашини, дафтар тутиш ҳолатини, ҳарфларни қандай ёзаётганлигини; секин ёки тез ёзишини кузатиб бориши зарур. Ўқувчилардаги бу имкониятларни кузатиб борган ўқитувчи чиройли ёзув дарсларини тўғри ташкил этади, айрим ўқувчиларга яккаякка ёрдам кўрсатишда қийналмайди ва ота-оналарга ҳам тўғри кўрсатма бера олади.

Савод ўргатишнинг дастлабки босқичида ёзув билан ўқишни боғлаб олиб бориш усули жуда зарурдир. Бу усул К. Д. Ушинский томонидан қўлланган бўлиб, ҳозирги кунгача фойдаланиб келинмоқда.

Ҳар бир ёзув аниқ, равон, ўқишга осон, тез ёзиш учун мос бўлиб, она тили ва математика дарсларида ҳам кенг қўлланиши лозим.

Чиройли ёзув малакасини шакллантириш фақат бошланғич синфларда эмас, балки юқори синфларда ҳам давом эттирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуснихатга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари бошланғич синфлар учун қўйиладиган дастур талабларидан келиб чиқади.

ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ.

Ўқувчиларда чиройли ёзув малакаларини ҳосил қилиш учун, биринчи навбатда, диққат, сезги, идрок этиш, хотира каби психофизиологик функциялар иштирок этганлигини кўрамиз.

Инсон ташқи оламдаги предмет ва ҳодисаларни идрок этади, шунингдек, ўз танасидаги органларнинг ҳаракатини ва уларнинг ҳолатини англайди. Идрок — ташқи оламдаги предметларнинг сезги органлари орқали нерв системасига таъсир этиши ва тана ҳаракатларининг таъсири туфайли ҳосил бўлади. Инсон кўз, қулоқ аппаратлари, тери сезгиси, мускул ва ички органик сезгилар ёрдамида рангни, музика оҳангини, оғирликни, ўз ҳаракат мувозанатини сезади. Предметларнинг сезги органларига таъсири натижасида мия пўстлоғида янги нерв боғланишлари тарзида из пайдо бўлади. Ана шу нерв боғланишлари идрок ва сезгининг физиологик асосидир. Бу боғланишлар мияда мустаҳкамланади ва сақланиб қолади. Бу ҳол бизга идрок этган ва сезган нарсаларимизни хотирага туширишга имкон беради.

Психик жараёнлар ва инсон психикаси хусусиятлари орасида диққат фаолияти алоҳида ўрин тутади. У онгнинг ҳамма шаклларида иштирок этади. Инсон идрок этиш жараёнида диққат қилади, айрим предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини ажратиб олади. Диққат жисмоний ҳаракатни талаб қиладиган, ишни яхши бажаришга ёрдам берадиган омиллардан биридир. Ўқитувчи ҳар вақт шуни эсда тутиши керакки, турмушимиз ва фаолиятимизнинг ҳар бир дақиқасида онгнинг ҳамма шакллари ўзаро алоқада бўлади.

Мисол учун ўқувчиларнинг ўқитувчи баён қилаётган матнини қандай ёзаётганликларини таҳлил қилиб кўрайлик. Бу жараённи унинг асосий характерига кўра, идрок этиш жараёни деб аташ мумкин. Бироқ бу идрокнинг аниқ ва равшан бўлиши учун ўқувчидан иродасини ишга солиш, диққатини ҳарфларнинг шаклини тўғри ифодалашга жалб қилинади. Ёзаётган матннинг мазмунини тушунмасдан, ҳарфларнинг шаклини билмасдан идрок этиб бўлмайди.

Билимни ўзлаштириш учун ўқув материалларини

идрок этиш талаб қилинади. Ёзиш жараёнида кўриш ва эшитиш сезгилари орқали идрок қилинади.

Идрок этилиши лозим бўлган материални тартибга солиш, ўрганиладиган манба ёки унинг тасвирини яққол кўрсатиш, баённинг равшан ва изчил бўлиши, синф доскасига ҳамма ўқувчи кўра оладиган қилиб чиройли ёзиш идрок этишнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайдиган далиллардандир.

Бола мактабга қадам қўймасдан олдинроқ (3—4 ёшдан бошлаб) қўлига қалам олиб турли шаклларни чиза бошлайди, аммо бу чизиқлар чиройли ёзув талабларига тўғри келмаса-да, улардаги айрим малакаларнинг (ручка, қалам ушлаш) шаклланишига ёрдам беради. Қичик ёшдаги болаларнинг бармоқ мускуллари яхши ривожланмаганлиги учун уларга сурункали ёздириб, машқ қилдириш ёзувнинг сифатига салбий таъсир этади.

Ёзув жараёни турли ёзув қуроллари (ручка, қалам, бўр) орқали амалга оширилади ва қайси ёзув қуролидан фойдаланишга қараб қўл ҳаракатлари шунга мослаштирилади.

Чиройли ёзувга ўргатишда биринчи навбатда қуйидаги малакаларни сингдириб бориш талаб этилади:

1. Ёзув қуролларидан тўғри фойдаланиш.
2. Парта устида дафтарни тўғри қўйиш.
3. Ёзаётганда гавдани тўғри тутиш ва тирсакларни тўғри ҳаракат қилдириш.
4. Ўз хатини берилган намуна билан таққослашга ўргатиш.
5. Товушни босма ҳарфга, босма ҳарфларни эса ёзма шаклга айлантиришга ўргатиш.
6. Ҳарфларнинг шаклини тўғри идрок этишга (қаердан бошлаш, қаерда тугатиш, ўнгга, чапга бурилиш, боғлаш ва ҳ. к.) ўргатиш.
7. Ҳарфларни бир-бирига боғлаб ёзишга ўргатиш (қаерда қўл ҳаракати узилади, қаерда узилмай боғлаб ёзилади).
8. Ҳарфларни бир хил баландликда ва кенгликда текис ёзишга ўргатиш.
9. Дафтар чизиғидаги қаторларни тўғри тўлдириш, сарлавҳа, ой ва кунларни тўғри ёзиш.
10. Ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлаш.

Демак, бошланғич синф ўқувчиларини чиройли ёзувга ўргатишдан олдин қуйидаги малакаларни бериш лозим.

1. **Ёзув техникаси,** яъни ёзувнинг турли усул ва приёмларидан фойдаланиш.

2. Ҳарфларнинг шаклини тўғри ифодалаш, яъни **график малакаларни** эгаллаш.

3. Ёзув вақтида ҳарфларнинг шакли билан бир қаторда унинг қандай товуш билдиришини ҳам билиш, яъни **имлога оид малакаларни** эгаллаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир малака ўз олдига маълум бир қоидани мақсад қилиб қўяди. Масалан, ёзув техникаси — ёзув қуролларидан тўғри фойдаланиш, ёзаётганда партада тўғри ўтириш, қўлни тўғри тутиш, умуман, гигиеник қоидаларга амал қилишни талаб қилади. График малакалар эса ҳарфларнинг шаклини тўғри ифодалашни, уларнинг орасидаги масофани бир хил бўлишини қияликни тўғри сақлашни талаб этади. Имлога оид малакаларда эса қайси ҳарф қандай товуш билдиришини ва уларнинг ўз ўрнида туришини талаб этади.

Ёзув малакалари 6—9 ёшли болалар учун ўқитувчи томонидан бевосита кузатиб боришни талаб этадиган қийин жараёндир. Худди шу даврда ўқувчилар томонидан бажарилган машқлар келгуси учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчи ўзининг дастлабки ёзган ҳарф ва элементларидан руҳланади, ўзига бўлган ишонч ортади ва қийинроқ ҳарфларни ёзишга қўрқмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда дастлабки ёзув малакаларини ҳосил қилишда уларнинг иродасини мустаҳкамлашга эътибор бериш лозим. Бунда ўқитувчининг болалар бемалол бажара оладиган топшириқлар танлаши катта роль ўйнайди.

Бу даврда болалардаги психологик хусусиятларни ҳам тарбиялаш ҳамда уларнинг физиологик ўсишларини ҳисобга олиш бошланғич синф ўқитувчисининг муҳим вазифасидир.

СИНФДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Ўқувчилар жуда кўп вазифаларни, яъни ўқиш, ёзиш, расм чизиш ва бошқа машқларни партада ўтириб бажарадилар. Бу даврда ўқитувчи ўқувчиларни тўғри ўтиришга ўргатиши, уларнинг нормал ишлаши учун

зарур шарт-шароит яратиб бериши лозим. Бунинг учун ўқув йили бошида ўқитувчи мактаб врачи билан ҳамкорликда болаларни ёшига, бўйига ҳамда кўриш ва эшитиш қобилиятларига қараб парталарга ўтқазиши лозим.

Ўқувчилар партаси синфдаги асосий жиҳоз бўлиб, у ўқувчиларнинг ёшлари ва бўйларига мос, ёзиш ва расм чизиш учун қулай бўлиши ва ўқувчи ўтириб-турганда халақит бермаслиги лозим.

Мактаб парталари ҳар хил катталикда бўлиб, ҳозирги кунда улар ҳар хил ёғоч, металл ва пластмассадан ҳамда айрим синтетик материаллардан ишланмоқда. Парталар бир ўринли ва икки ўринли бўлиб, кўпроқ икки ўринли парталардан фойдаланилади. Бу парталар гигиеник томондан қулай бўлиб, талабга тўлиқ жавоб беради. Айниқса, олти ёшли 1-синф ўқувчилари учун чиқарилган парталардан ўз ўрнида фойдаланиш жуда муҳимдир.

Ўқувчиларга мос парталар танлаш учун аввал унинг асосий номерларини яхши билиб олиш зарур. Буни қуйидаги 1-жадвалдан билишингиз мумкин.

1-жадвал

Ўқувчиларнинг ёши	Ўқувчиларнинг бўйлари *см* ҳисобида	Парта номери	Партанинг бўйи *см*	Ўриндиқнинг бўйи *см*	Парта дифференцияси *см*	Парта дистанцияси *см*	Парталар группаси
6 ёшли	100—110	—	—	—	—	—	А, Б, В
7 —8	110—119	VI	61	31,5	20,5	4	А
9—10	122—129	VII	65	34	22	4	А
11—12	130—139	VIII	71,5	38	24	4	Б
12—13	140—149	IX	77,5	41	27	4	Б
14—15	150—159	X	83	44	29	4	В
15—16	190—169	XI	87	47	30	4	В

Парта устининг қиялиги 15 градусга тенг бўлиши лозим, чунки бундай қияликда ёзиш ва ўқиш жуда қулай бўлиб, кўз тез чарчамайди (1-расмга қаранг).

Парта ўриндиғининг мустаҳкам туриши тўғри ўтиришни таъминлайдиган энг муҳим омилдир. Парта ўриндиғининг чуқурлиги ўқувчининг танасига мос бўлиши, тахтаси орқа томонга бир оз қия бўлиши, қулайроқ ўтириш учун орқа суянчиқнинг баландлиги ўқувчининг белидан юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.



1- расм.

Бошланғич синфлар учун **А. Б. В.** группа парталари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. «А» группа парталари бўйи 130 *см* гача бўлган болаларга, «Б» группа парталари бўйи 130—145 *см*, «В» группа парталари бўйи 145—160 *см* гача бўлган болаларга мўлжалланган. Парта ўриндиғининг баландлиги тизза билан баравар, чуқурлиги эса сон узунлигининг 2/3, 3/4 қисмига тенг бўлиши лозим.

Суриладиган стулчаларни эса ҳаддан ташқари олдинга ёки орқага суриб ўтиришга йўл қўймаслик керак.

Парта устининг пастки қирраси билан суянчиқ орасидаги масофа, яъни кўкрак қафаси билан унинг қирраси орасидаги масофа 4 *см* бўлиши керак. Бу масофа **дистанция** дейилади. Агар партанинг дистанцияси кичик бўлса, ўқувчи жуда сиқилиб кўкрагини партанинг четига тираб олади, агар дистанция катта бўлса, қўлни қўйиб ўтиришга ноқулай бўлади. Шу сабабли уларнинг тўғри ўтиришларини таъминлаш учун партанинг дистанцияси тўғри сақланиши лозим.

Партанинг дистанцияси уч хил бўлиши мумкин: мусбат, ноль, манфий. **Мусбат дистанция**да парта устининг чети билан ўриндиқнинг орасидаги масофа кенг бўлади. Парта устининг четидан туширилган чизиқ ўриндиқнинг устига эмас, балки полга тушади (2- расмга қаранг).

Бундай ҳолатда ўтириш ўқувчилар учун ноқулай бўлиб, ўқувчи пастга эгилиб ўтиришга мажбур бўлади. **Ноль дистанцияда** эса парта устининг чети билан ўриндиқнинг орасида ҳеч қандай масофа бўлмайди. Парта



2- расм.



3- расм.



4- расм.

устининг четидан туширилган чизиқ ўриндиқ устининг четига мос бўлади (3- расмга қаранг). **Манфий дистанцияда** парта устининг чети ўриндиқнинг ичига 4 *см* масофада кириб туради. Парта устининг четидан туширилган чизиқ ўриндиқнинг устига тушади. Бундай парталар ўқувчилар учун қулай эмас (4- расмга қаранг).

Ўқувчиларга парта танлашда яна бир муҳим нарса парта «дифференция»сининг тўғри сақланишидир. Партанинг дифференцияси деб, парта қопқоғининг чети билан ўриндиқнинг орасидаги масофага айтилади. Парта дифференциясининг тўғри сақланиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки партанинг ўриндиғи паст бўлса, ўқувчи парта қопқоғига осилиб ўтиради, агар юқори бўлса, букчайиб ўтиришга мажбур бўлади. Парта ўриндиғининг баландлиги ўқувчиларнинг оёқлари узунлигига тенг бўлиб, ўтирганда товонлари полга ёки партанинг зинасига тегиб туриши керак.



см.	№
170-179	12
160-169	11
150-159	10
140-149	9
130-139	8
120-129	7
110-119	6
100-110	5

5- расм.

Бунинг учун ўқувчиларни бўйлари ва ёшларига қараб парталарга ўтқазишда кичик парталар синф доскасига яқинроқ, катталари эса орқароқ қўйилиши керак.

Ўқитувчилар ўқувчиларнинг уйларида ҳам иш жойининг тўғри ташкил этилишига эътибор беришлари лозим. Ўқитувчилар ота-оналар мажлисларида ёки синф йиғилишларида болалар учун алоҳида дарс тайёрлайдиган хона зарурлигини таъкидлаб туришлари лозим. Болаларга хонтахтада эгилиб ўтириб ёзишнинг зарарли эканини уқтириш керак.

Синфдаги болаларнинг бўйларини ўлчаш учун эса қуйидаги тахтачадан фойдаланиш мумкин (5- расмга қаранг).

Тахтача полдан 110 *см* юқорига қоқиб қўйилади, ҳамда уни бўйига 2 қисмга бўлиб, биринчи қисмида ўлчамлар *см* ҳисобида, иккинчи қисмида эса шу ўлчамга мос парта номерлари кўрсатилади. Ўқувчини шу тахтача қоқилган жойга турғазиб бўйи аниқланади.

Ҳозирги кунда ўсиб бораётган турмуш талаби ўқув парталарини янада қулай, ихчам ва гўзал қилиб ишлашни тақозо этади. Янги нусхадаги парталар гигиеник

ҳамда эстетик жиҳатдан фойдалидир. Бу парталар ташқи кўриниши ва енгил бўлиши жиҳатидан замон талабига мос бўлиб, синф хоналарини тозалашда ҳам қулайлик туғдиради. Бундай парталарнинг яна бир қулай томони шундаки, унинг тортмаларида ёзув асбобларини сақлаш мумкин (6-расмга қаранг).



6- расм.

Парта болаларнинг организмлари учун зарар қилмайдиган бўлиши, (мих ва винтларнинг чиқиб турмаслиги) ўқувчиларнинг нормал ўтиришлари учун қулай бўлиб, қон айланиши ва нафас олишни қийинлаштирмаслиги керак.

Ўқувчиларни ўзига мос парталар билан таъминлаш билан бирга, унда ўтириш қоидаларини ҳам ўргатиш зарур. Ўқувчиларга партада тўғри ўтириш, гавдани тўғри тутиш қоидаларини вақтида тушунтириб борилмаса, узоқ муддат ноқулай шароитда ўтириш натижасида уларнинг гавда суяклари қийшиқ бўлиб қолиши мумкин. Айниқса, ёзиш вақтида бир томонга қийшайиб ўтириш умуртқа поғонасининг қийшайишига олиб келади. Бундан ташқари, партада нотўғри ўтириш кўзни тез чарчатади, натижада ёзувнинг сифати бузилади. Кўриш органлари яхши бўлмаган ўқувчиларни ёруғ тушадиган дераза томонга, эшитиш органлари яхши бўлмаган ўқувчиларни эса партанинг олдинги қаторига ўтқазиш зарур. Ўқувчилар учун бундай зарур шароитларни туғдириш орқали уларнинг дарсларни яхши ўзлаштиришларига эришиш мумкин.

Бошланғич синфларда ўқувчиларга тўғри ўтириш қоидаларини чуқур сингдириш учун «Партада қандай ўтириш керак?» деган мавзуда суҳбатлар ташкил қилиш ҳамда шунга оид жадваллардан фойдаланиш лозим. Бундай суҳбатларни болалар мактабга дастлабки келган кунларидан бошлаш зарур. Бунда болаларга нотўғри ўтиришнинг зарарлигини айтиб, шунга таллуқли фотосуратлар ва расмлар кўрсатиш керак ёки қуйидагича суҳбат олиб бориш ҳам мумкин:

1. Тўғри ўтиринг. Бошингизни сал олдинга эгинг. Кўкрагингизни партанинг четига тираманг.

2. Бошингизни тўғри тутинг (бошни чапга ёки ўнгга қийшайтирманг).

3. Кўзингиз билан дафтар орасидаги масофани тўғри сақланг.

4. Тирсакларингизни партага енгил қўйинг.

5. Оёқларингизни партанинг оёқ қўйиладиган ерига қўйиб ўтиринг.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларга амал қилмаслик натижасида ўқувчилар аста-секин майиб бўлиб қолишлари мумкин. Масалан, ўқувчи партада ҳаддан ташқари эгилиб ўтиришга ўрганиб қолса, узоқни кўра олмайдиган бўлиб, у фақат яқин жойдаги нарсани кўришга одатланиб қолади. Кўзни ҳар хил узоқликдаги нарсаларни аниқ кўришга мослаштириш — кўзнинг «аккомадация»си деб аталади. Аккомадациянинг ҳажми, яъни кўзнинг ҳар хил узоқликдаги нарсани кўриш қобилияти катталарга нисбатан мактаб ёшидаги болаларда кўп бўлади. Масалан, 10 ёшли мактаб ўқувчиси 7 *см* масофадаги нарсани аниқ кўриши, 20 ёшда эса 10 *см* масофадаги, 45 ёшдаги кишилар эса фақат 33 *см* масофадаги нарсаларни аниқ кўра олишлари мумкин. Шунинг учун ёзиш вақтида кўз билан дафтар орасидаги масофанинг 30 *см* га тенг бўлиши талаб этилади, чунки бу масофа кўзни чарчашдан сақлайди.

Мактаб ёшдаги болаларда фақат яқинни кўриш касалининг олдини олиш тадбирларидан яна бири синф хонасининг ёруғ бўлишидир. Партага ёруғлик етарли даражада тушмаса, болаларнинг кўзига зўр келади ва улар жуда тез чарчайдилар. Шунинг учун ҳам яқинни кўриш касаллигининг олдини олишда ўқувчининг партада қандай ўтириши маълум даражада роль ўйнайди. Агар парта ўқувчининг бўйига мос келса, у чарчамайди, кўзи билан ёзаётган нарса орасидаги масофа бир хилда сақланади ва яқинни кўриш касаллигининг олди олинади.

Ёзиш вақтида ёруғликнинг қайси томондан тушаётганига алоҳида аҳамият бериш зарур. Синф хонасининг ёруғ бўлиши кўзнинг яхши ишлаши учун энг зарур шартдир. Агар синфга ёруғлик нормал тушиб турмаса, синф хонаси қоронғироқ бўлса, ёки аксинча, жуда ёруғ бўлса, кўз тез чарчайди ва ёзув сифати бузилади.

Синф деразаларига қуёш нурини тўсувчи пардаларни тутмаслик зарур. Ўқувчи ёзаётганда ва ўқиётганда ёруғлик чап томондан тушиши лозим.

Ёзаётганда гавдани тўғри тутмаслик умуртқа поғонасининг қийшайиб қолишига, бўйин ва орқа мускулларнинг чарчашига олиб келади.

Кўкрагини партанинг четига тираб олишга ўрганиб қолган ўқувчининг кўкрак қафаси сиқилади, нафас олиши оғирлашади. Бундай ҳолатда узоқ ўтириш ўқувчи соғлиғига катта зарар етказади.

Демак, ўқувчилар партада ўтириш қоидаларига қатъий амал қилишлари шарт. Ҳар бир ўқувчининг партада қандай ўтиришини кузатиб бориш, нотўғри ўтирган ўқувчиларни тартибга чақириш керак.

Синфга партада тўғри ўтириш ва ручкани тўғри ушлаш қоидалари кўрсатилган расмларни осиб қўйиш ҳам яхши натижа беради.

Айниқса, олти ёшли 1-синф ўқувчиларига алоҳида эътибор бериш лозим, чунки уларнинг гавда тузилиши ва мускуллари ҳали ривожланмаган бўлиб, бир ҳолатда узоқ ўтириш уларни чарчатиб қўяди. Шунинг учун бу даврда ёзув машқларини бир неча қисмларга бўлиб, болалардаги чарчаш ҳолларини ҳисобга олиб, жисмоний машқлар ва динамик паузалар ўтказиб туриш талаб этилади.

Улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский дарс вақтида жисмоний машқлар ўтказишнинг аҳамияти ҳақида шундай деган эди: «Биринчи дарсдаёқ ўқитувчи болаларни команда билан бажариладиган ҳаракатларга ўргатиши керак. Бу ҳаракатлар болаларга чарчаган аъзоларини ҳаракатлантириш билан бирга ўзларини тетик тутишлари учун ҳам катта ёрдам беради».

Ўқувчиларга дарс жараёнида бажартириладиган машқлар, ниҳоятда оддий бўлиб, кам вақт олиши, уларнинг жисмоний жиҳатдан ўсишига, қўл ва бармоқ мускулларининг чиниқишига, қадди-қоматларини тўлиқ, эркин тутишларига ёрдам бериши лозим. Ёзув дарсларида 8—10 минут ўтгандан сўнг ўқувчилар бетоқат бўлиб, орқаларига ёки ёнларига ясланиб ўтирадилар, ўринларидан туриб кетадилар, бу уларнинг чарчаганликларидан дарак беради.

Айрим ўқитувчилар болаларнинг чарчашини ҳисобга олмай кўп ёздирадилар. Натижада ўқувчилар толиқадилар, ҳаракатлари суст бўлиб қолади, хатлари хунуклашиб кўп хато қиладилар. Ўқувчилар чарчаган вақтларида елкаларини чиқариб, кўкракларини пастга тираб, керишиб ўтирадилар. Шунинг учун ўқувчиларда

чарчашнинг олдини олиш учун вақти-вақти билан синфда жисмоний машқларни ўтказиш катта аҳамиятга эгадир.

Жисмоний машқ минутларини дарс давомида бир неча марта ўтказиш мумкин. Бу машқларнинг қачон ўтказилиши ўқитувчи томонидан (ўқувчиларнинг чарчашлари ҳисобга олиниб) белгиланади. Машқларни дастлаб ўқитувчининг ўзи амалда кўрсатиши сўнг ўқувчилар томонидан қандай бажарилишини кузатиб бориши лозим.

Системали равишда ўтказиладиган жисмоний машқлардан кейин яна ёзишга ўтиш ўқувчиларнинг иш қобилиятини тиклайди ва дарсга бўлган қизиқишларини ўстиради.

Ҳуснихат машғулотлари ўқувчиларни онгли равишда чиройли ёзишга ўргатса, жисмоний машқлар эса соғлом ва интизомли бўлишга ўргатади.

Демак, ўқувчиларни қулай иш жойи билан таъминлаш билан бир қаторда уларга қўйиладиган гигиеник талабларнинг ҳисобга олиниши, иш фаолиятларини тиклаш учун жисмоний машқларни мунтазам ўтказиб туриш чиройли ёзувга ўргатишнинг асосий шартларидан биридир.

ЁЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Ўқувчиларда ёзув малакаларини ҳосил қилишдан аввал уларни сифатли ёзув қуроллари билан тўлиқ таъминлаш талаб этилади. Ёзувларнинг чиройли бўлиши кўп жиҳатдан ёзув қуролига боғлиқдир. Болани мактабга келган кунидан бошлаб ёзув қуролларидан тўғри фойдаланишга ва уни озода сақлашга ўргатиш лозим.

Ўқувчиларнинг ёзув қуролларини мунтазам текшириб бориш ҳар бир ўқитувчининг муҳим вазифасидир.

Дастур талаби бўйича 6 ёшли биринчи синф ўқувчилари учун «Ёзув дафтар»лари тавсия этилган бўлиб, унда қия чизиқлар орасидаги масофа 30 *мм* ва қия чизиқларсиз кичик ҳарфлар ёзиладиган параллел чизиқлар орасидаги масофа 4 *мм* га тенг бўлган икки чизиқли дафтар тавсия этилади. Бунда дафтарнинг қия чизиқлари 65 градусга тенг бўлиши лозим (7-, 8-, 9-расмларга қаранг).

Қия чизиқлари сийрак бўлган икки чизиқли дафтарга ёздириб, машқ қилдириш орқали биринчи синф ўқув-

7- расм.



8- расм.

Э- расм.

чиларини майда ҳарфлар билан тез ёзишга ўргатиб борилади. Бундай дафтарда машқ қилиш ўқувчиларга ҳарфларнинг эни ва улар орасидаги масофани кўз билан чамалашга, ҳамда унинг қиялигига риоя қилишга имкон беради.

Иккинчи синфда ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб ва III—IV синфларда параллел чизиқлар орасидаги масофа 8 *мм* га тенг бўлган бир чизиқли дафтар тавсия этилади.

СССР халқ таълими министрлигининг 1 сентябрь 1980 йил № 364-М инструктив хатида орфографик тартибни амалга ошириш учун қуйидаги талаблар қўйилди:

1. Дафтарга тоза ва аниқ ёзиш.

2. Дафтарнинг муқовасидаги ёзувлар ягона талаб асосида ёзилиши, унда дафтар қайси фан учун тутилганлиги (она тили, математика), нечанчи синф, мактабининг номи ва номери, ўқувчининг исми ва фамилияси кўрсатиб ўтилиши керак.

3. I синф (II синфнинг биринчи ярим йиллигида) ўқувчиларининг дафтарлари муқовасига ўқитувчи томонидан ёзилади.

4. Ҳар бир дафтарда ҳошия қолдирилиши шарт.

5. I синфда ёзув ва математика дафтарларига ой ва кун ёзилмайди, иккинчи, учинчи, тўртинчи синфларда эса кунлар арабча рақамлар билан кўрсатилиб, ой эса ҳарфлар билан тўлиқ ёзилади.

6. Иккинчи синфнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳар бир машқнинг номери, мақсади, қаерда бажарилганлиги (синфда ёки уйда) ёзиб қўйилади.

7. Машқни бажаришда хат бошидан ёзиш қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

8. Сарлавҳа билан кун ва ой орасида, машқнинг сарлавҳаси билан матн орасида чизиқ ташламай ёзилади, аммо икки хил машқ бажаришда биринчи машқнинг охирги қатори билан янги машқнинг сарлавҳаси ўртасида иккита чизиқ ташлаб ёзилади.

Ўқувчи дафтардаги йўл қўйган хатосини тузатиш учун қуйидаги талабларни амалга ошириши керак:

— Нотўғри ёзилган ҳарфнинг устидан ингичка қия чизиқ тортиб қўйиши, айрим нотўғри ёзилган бўғин ёки сўзлар устидан ингичка кўндаланг чизиқ чизиб қўйиши лозим.

— Нотўғри ёзилган ҳарфларни ўчириш, бўяб қўйиш, қавс ичига олиб қўйиш мумкин эмас.

9. Ҳарф ва бўғинларнинг тагига чизишда чизғичдан фойдаланиш ёки жуда эҳтиёткорлик билан чизиш лозим. Ўқувчиларнинг ёзув дафтарлари мунтазам равишда текширилиб борилиши, хато ёзилган ҳарф ва ҳарф элементлари дафтарнинг ҳошиясида кўрсатилиши керак. Биринчи синфда ва иккинчи синфнинг биринчи ярмида ўқувчиларга баҳо балл тариқасида қўйилмайди, аммо оғзаки рағбатлантириб ўтилади.

Ҳозирги кунда мактабларнинг талаби бўйича ўқувчиларга қуйидаги ёзув қуроллари тавсия этилади:

1. Дафтар. Дафтар ўқувчилар учун асосий ёзув қуроли бўлиб, у сифатли қоғоздан ишланган, силлиқ ва чизиқлари аниқ кўриниб турадиган бўлиши керак.

2. Босма қоғоз. Ёзув жараёнида босма қоғоздан фойдаланишни унутмаслик лозим. Босма қоғоздан фойдаланиш ёзувнинг бузилишига йўл қўймайди. Аммо ундан фақат дафтарнинг иккинчи бетига ўтаётганда кўпроқ фойдаланилади. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг дафтарида босма қоғоз бўлишига эришмоғи лозим.

3. Авторучка. Бошланғич синфларда янги дастур талаби бўйича ўқувчиларга икки хил авторучкада ёзиш тавсия этилади. Аммо ҳозирги кунда авто-

ручкалар хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам бошланғич синф ўқувчиларига мос келмайди.

Бошланғич синф ўқувчилари учун тавсия этиладиган авторучкаларнинг йўғонлиги уларнинг қўл бармоқларига мос бўлиб, ҳаддан ташқари йўғон ёки ингичка бўлмаслиги керак.

Тавсия этиладиган авторучканинг бўйи 120 *мм*, йўғонлиги эса 8—10 *мм* дан ошмаслиги лозим (10- расмга қаранг.)



10- расм.

Бошланғич синф ўқувчилари шарикли авторучкалардан ҳам фойдаланишлари мумкин (11- расмга қаранг).

Ўқувчиларга ҳар иккала турдаги авторучкадан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш зарур. (Авторучкалардан фойдаланиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.)



11- расм.

4. П е р о. Агар авторучканинг пероси ишдан чиқса- ёки синиб қолса уни шу турдаги авторучкага мос перо билан алмаштириш лозим. Кундалик ёзув машқларини бажариб бўлгандан сўнг авторучканинг пероси яхшилаб артиб қўйилса, у яхши сақланади.

5. С и ё ҳ. Ўқувчилар ёзадиган авторучка учун фақат бинафша ёки тўқ ҳаво рангдаги сиёҳлар тавсия этилади. Авторучкага қуруқ сиёҳни эритиб солишга рухсат этилмайди, фақат авторучка учун чиқарилган сиёҳлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчилар учун эса (машқ намуналарини ажратиб кўрсатиш мақсадида) қизил рангдаги сиёҳ тавсия этилади.

6. Перо тозалагич. Перо тозалагичдан фойдаланиш ўқувчилар дафтарини тоза сақлашнинг муҳим омилларидан биридир. Айниқса, шарикли авторучкада ёзадиган ўқувчиларга у жуда зарурдир.

Авторучка билан ёзишга ўргатиш.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ўқувчилар авторучкаси турли-туман бўлиб, уларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас, фақат тавсия этилган авторучка билан ёзишга ўргатиш керак.

Ўқувчиларни авторучкада ёзишга ўргатишдан олдин, ундан қандай фойдаланиш, қандай сиёҳ тортиш, уни сақлаш қоидаларини ўргатиш лозим. Авторучкага сиёҳ солишни дастлаб ўқитувчининг ўзи кўрсатиб бериши лозим. Бунинг учун қуйидагича суҳбат уюштириш мумкин:

Ўқитувчи: — Болалар, бугун сизлар билан авторучкада ёзишни ўрганамиз. Бунинг учун авторучканинг қаламдан фарқини билишингиз керак. Айтинг-чи, қалам қандай бўлади?

Ўқувчи: — Қалам — бу ёғоч таёқча, ўртасида эса қора бўёғи бор. Шундан кейин ўқитувчи қалам ва авторучкани кўрсатиб, уларнинг бир-биридан фарқи нимада деб сўрайди.

Ўқувчи: — Авторучка сиёҳ билан ёзади, қалам эса сиёҳсиз ёзади.

Ўқитувчи: — Тўғри, авторучка сиёҳ билан ёзади.

Ўқитувчи: — Энди болалар, мен сизларга авторучканинг қандай тузилганини кўрсатаман.

— Мана, менинг қўлимдаги авторучкада сиёҳ йўқ, шунинг учун унинг қисмларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз. Биринчи навбатда ручканинг қопқоғини очамиз. Бу қопқоқ перони синиб қолишдан ва сиёҳ тўкилишидан сақлайди. Мана бу авторучканинг пероси, уни олиш мумкин эмас, эҳтиёт қилиш керак. Қопқоқ билан қарама-қарши томонда эса ручканинг кичик қопқоқчаси бор. Қаранг, бу қопқоқча сиёҳ тортадиган резинкани (пипеткани) сақлаб туради. Авторучканинг қоринчаси шишадан ишланган бўлиб, ручканинг ичида



12- расм.

сиёҳ бор ёки йўқлигини дарров билиш мумкин (12-расмга қаранг).

Шарикли авторучка ҳам юқоридаги тартибда тушунтирилиб, унинг қисмлари билан таништириш лозим. Унинг тузилиши анча содда бўлиб, асосий қисмлари «стержень» (сиёҳли найча), «қопқоқ» ва асосий қисмдан иборат (13- расмга қаранг).



13- расм.

Авторучканинг асосий қисмлари билан таништирилгандан сўнг ундан қандай фойдаланиш қоидалари қуйидагича тушунтирилади:

Ў қ и т у в ч и: — Ёзаётганда авторучка уч бармоқ — бош, кўрсаткич, ўрта бармоқ билан ушланади. (Ўқитувчи ўзи кўрсатади, ўқувчилар эса такрорлайдилар.) Кўрсаткич бармоқ билан ручканинг учигача бўлган масофа 1,5—2 *см* га тенг бўлиши лозим.

Авторучканинг перосини қаттиқ босмасдан, мен кўрсатгандек қўлингизга олинг. Ёзаётганингизда авторуч-

ЁЗАЁТГАНДА РУЧКАНИ ШУНДАЙ УШЛАНГ.



14- расм.

канинг кичик қопқоқ томони ўнг елкангизга тўғри турсин. (Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ёзиш вақтида ручкани қандай ушлашни кўрсатиб чиқади (14- расмга қаранг).

Ёзиб бўлганингиздан сўнг авторучкани партанинг устидаги чуқурчага қўйинг. Дарс тугагандан сўнг эса ҳар бирингиз ўз авторучкангизни қутичангизга солиб қўйишни унутманг, агар очиқ қолса перо орасидаги сиёҳ қуриб қолади ва кейинги дарсда ёзиш қийин бўлади.

Сўнгра ўқитувчи авторучкага сиёҳ солиш қоидасини амалий кўрсатиб беради. Ўқувчилар диққат билан уни кузатиб турадилар (15- расмга қаранг).

Агар ўқувчи пероли авторучкадан фойдаланса, уни ҳар куни уйда сиёҳ билан тўлдириб келиши лозим, аммо унга ҳаддан ташқари кўп сиёҳ тортмаслик керак, акс ҳолда, перо жуда йўғон ёзиши ва сиёҳ ёйилиб кетиши мумкин. Айрим ҳолларда ўқувчилар авторучкага



15- расм.

жуда кам сиёҳ тортиб келадилар. Шунинг учун синфда 1—2 шиша сиёҳ ва ортиқча авторучка сақлаш лозим.

Биринчи синф ўқувчиларининг авторучкасига ўқитувчининг ўзи сиёҳ тўлдириб беради. Кейинчалик эса бу ишни белгиланган ўқувчи бажариши мумкин. Иккинчи синфдан бошлаб, ўқувчиларни мустақил равишда сиёҳ тортишга ўргатилади.

Авторучкани вақт-вақти билан илиқ сувда ювиб туришни, агар у кирланиб қолса, ручкани силкитмасликни тушунтириш зарур. Агар ўқитувчи авторучкани қандай ювишни амалий кўрсатиб берса янада яхши. Бунинг учун бир стакан сувга перони ботириб, ручканинг кичик қопқоқчаси очилади ва ручканинг ичига бир неча бор сув солиб чиқариб ташланади. Шундан сўнг перонинг учини қуруқ латта билан артиб, сиёҳ тортилади. Бу ҳафтада тез-тез такрорланса яхши бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқиш бошланишидан учтўрт кун олдин ота-оналарни йиғиб, уларга болалар учун қандай авторучкалар лозимлиги ва фақат тавсия этилган авторучкаларни олиб бериш тушунтирилади.

Авторучка ўқувчиларни чиройли ёзувга ўргатишда асосий ёзув қуроли бўлгани учун унга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Дафтардан тўғри фойдаланиш.

Биз юқорида, асосан, дафтар учун қўйиладиган умумий талабларни айтиб ўтдик. Энди ундан ҳар бир синфда қандай тўғри фойдаланиш ҳақида тўхталамиз.

Ўқувчиларнинг дафтарларига қўйиладиган асосий талаблардан бири уларнинг ташқи кўриниши бир хилда бўлишига эришишдир. Дафтарнинг муқовасига ҳуснихат қоидаларига амал қилган ҳолда ёзиш шарт. Айрим бошланғич синф ўқитувчилари дафтарнинг муқовасига қўшимча турли қоғозларни ўратадилар, аксинча, унинг ўрнига муқовани тоза тутишга ўргатиш лозим.

Биринчи синф ўқувчиларининг «Ёзув дафтар»лари синфда сақланиши лозим, уни уйга бериб юбориш ман этилади.

Ўқувчиларнинг дафтарлари ўқитувчи томонидан мунтазам равишда текширилиб борилиши керак. Дафтарни тоза тутган ва чиройли ёзган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш, уларнинг дафтарлари устига алоҳида ажралиб туриши учун «юлдузча» ёки «байроқча» лар қўйиб бериш мумкин. Қайси ўқувчининг дафтарида юлдузча ёки байроқча бўлса ўша ўқувчининг дафтари намунали ҳисобланади. Рағбатлантиришнинг бундай туридан II ва III синфларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Бошланғич синфларда ҳарфларни 65 градус қияликда ёзиш асосий роль ўйнайди. Ўқувчиларга ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлашга ўргатишдан олдин дафтарни парта устига тўғри қўйишни ўргатиш лозим. Дафтарнинг парта устида нотўғри туриши гигиена қоидаларининг бузилишига сабаб бўлади, чунки ёзувнинг қиялиги дафтарнинг ҳолатига қараб белгиланади. Агар дафтар кўрсатилган қияликда турса, ёзув тўғри ёзилади. Агар дафтарнинг ҳолати ўзгарса, ёзувнинг ҳам қиялиги ўзгаради.

Шунинг учун ҳар бир дарсда ўқитувчи ўқувчилар дафтарини кузатиб бориши керак. Дафтарнинг пастки чап бурчаги кўкрак ўртасига тўғри бўлиши ёки дафтарнинг қия чизиғи парта қопқоғининг четига тик бўлиши керак.

Дафтар ёзув билан тўлиб борган сари дафтар юқорига суриб борилади. Чап қўл билан эса дафтарнинг юқори томони босиб турилади. Ёзув дарсларида даф-

тарнинг парта устига қўйиш ҳолатини тўғри ташкил этиш биринчи галдаги вазифадир.

Бунинг учун синф партасининг устига икки ўқувчининг ҳар бири учун ингичка қия контрол чизиқ чизилади. Бу чизиқнинг пастки учи ўқувчиларнинг чап кўкраклари ўртасига тўғри бўлиб, парта қопқоғига нисбатан 65 градус қия қилиб чизилади. Натижада ҳамма ўқувчиларнинг олдида (партада) контрол чизиқлар бўлади. Энди ўқитувчи ўқувчиларнинг дафтар четини ёки ўртасини шу контрол чизиққа текис қилиб қўйишларига эриша олса бас. Чизиқлар тўлиб борган сари дафтарни шу чизиқ бўйлаб юқорига кўтариб бориш лозим.

Агар дафтарнинг чап бети тўлса, дафтарнинг буклана диган ери контрол чизиққа тўғрилаб олинади ва ўнг бетига ёзишга ўтилади.

Бу усулдан кўпроқ бир чизиқли дафтарга ёзишда кенг фойдаланиш мумкин. Ундан ташқари, бундай контрол чизиқлар дафтарни буклашдан сақлайди. Чунки, баъзи ўқувчилар ўзига қулайлик туғдириш мақсадида дафтарни буклаб ёзадилар. Албатта, дафтар ҳошиясига ҳам эътибор бериш лозим, чунки дафтарнинг четида қолдирилган жой ёзувнинг текис чиқишига, сўзларни бўғинларга ажратишга айрим нотўғри ёзилган ҳарф ва унинг элементларини тўғри ёзиб кўрсатишга имкон беради.

Ўқувчиларнинг ишларини баҳолашга алоҳида эътибор бериш, уларни қилган хатоларига иқрор қилиш ҳамда тегишли кўрсатмалар бериб бориш лозим. Ўқувчиларнинг баҳоси бажарилган ишнинг тагига қўйилиши лозим.

Иккинчи, учинчи, тўртинчи синф ўқувчиларининг дафтарларига «кўрилди», «хато» каби ноаниқ сўзларни ёзмай, «чизиқдан ёз», «ҳарфлар орасидаги масофани тўғри сақла», «ҳарфларни боғлаб ёз» каби аниқ кўрсатмалар берилиши керак. Ўқувчиларнинг хатоларини аниқ кўрсатмай туриб, уларнинг баҳоларини пасайтириш мумкин эмас.

Ўқувчиларнинг ҳуснихатга бўлган қизиқишларини ўстириш мақсадида мактаб бўйича энг яхши тутилган дафтарларни йиғиб кўргазма ташкил этиш дафтарни тоза тутишнинг муҳим омилларидан биридир. Кўргазмада фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантириб, бошқа ўқувчиларга намуна қилиб кўрсатиш лозим.

Синф доскасидан фойдаланиш.

Мактаблар учун чиқарилган синф доскаси қора ёки тўқ яшил рангда бўлиши лозим. Синф доскасининг юзи текис бўлиб, жуда силлиқ ҳам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда, бўр доскада сирғаниб ёзувнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Синф доскасини икки турга бўлиш мумкин: бири доимий деворга осиғлиқ турадиган доска, иккинчиси, тик ўқ атрофида айланадиган кўчма доска. Бундай досканинг қулай томони шундаки, уни деразадан тушаётган ёруғга қараб буриш мумкин. Ҳозир бошланғич синф ўқувчиларига якка-якка ёзишни машқ қилишлари учун кичик доскачалар ҳам ишлаб чиқарилган. Бу доскача 25×20 ўлчамда оргалит тахтачадан ясалган (16- расмга қаранг).

Бундай доскачаларни меҳнат дарсларида юқори синф ўқувчилари ҳам ясаб беришлари мумкин.



16- расм.

Синф доскаси линолеумдан ёки тахтадан ясалиши мумкин. Линолеумдан ясалган синф доскаси сифатли ҳисобланади, чунки тахтадан ясалган доскалар ҳар йили бўялиб турилади. Натижада бўёқлар қатлами ҳосил бўлиб, доскага ёзиш вақтида бўр сирғаниб кетаверади.

Синф доскаси қоида бўйича энига 1200 *мм,* узунлиги 3000 *мм* бўлиши лозим (17- расмга қаранг).

Синф доскасининг четига рамкалар қоқилган бўлиб, пастки қисмида эса бўр ва латта учун жой бўлиши шарт.

Доскадаги ёзувлар ўқувчиларга яхши кўриниб тури-



17- ра см.

ши учун доскада ҳар хил эгри-бугри йўллар, тирналган чизиқлар бўлмаслиги ва синф доскаси ўқувчиларнинг ёшига мослаб осиб қўйилган бўлиши керак. Бошланғич синф ўқувчилари учун доска полдан 85 *см* юқорига ўрнатилган бўлиши лозим. Ўқувчиларга ёзувларни янада яққолроқ кўрсатиш учун синф доскасини баландроқ қўйиш ҳам мумкин. Аммо бунда досканинг тагига баландлиги 16 *см*, эни 1 метр, узунлиги эса досканинг узунлиги билан тенг бўлган тахта қўйилиши лозим (18- расмга қаранг).

Досканинг тагига бўр майдаларининг тўкилмаслиги учун пастки рамканинг устига эни 5—6 *см* ли тахтача ўрнатилиши, чап томонида эса бўр туриши учун қутича маҳкамланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда кўпчилик мактабларимизда уч табақали ҳаракатланувчи, очилиб ёпиладиган доскалар ҳам кенг ўрин олмоқда. Бу доска мактабларимиз учун жуда қулай бўлиб, уни юқорига кўтариш, пастга тушириш мумкин. Бундай доскалар ҳар бир синф ўқувчиларининг бўйига мослаштириш учун жуда қулайдир. Ундан ташқари, бир табақасини ёзув дафтарига, иккинчи табақасини эса математикага мослаб чизиб қўйиш мум-



18- расм.

кин. Очиқ қолган қисмидан эса расм ва бошқа дарсларда фойдаланиш мумкин (19-расмга қаранг).

Синф доскаси деворнинг ўртасига ўрнатилган бўлиб, ёруғ чап томондан тушиб туриши керак.

Бошланғич синф ўқувчилари ўқийдиган синфлардаги доскалар ёзув дарслари учун мослаштирилиб, катакларга ажратилган бўлиши, ёзаётганда қимирламаслиги лозим. Агар синф доскаси қора рангда бўлса, оқ рангли бўёқ билан, агар доска тўқ яшил рангда бўлса, қора бўёқ билан катаклар чизилади. Синф доскасига катаклар чизиш вақтида, албатта, мойли бўёқдан фойдаланиш керак.



19- расм.

Доскадаги чизиқлар ўқувчиларнинг дафтардаги чизиқларидан 10 марта катта бўлиши, агар синф қоронғи бўлса, бундан ҳам каттароқ қилиб чизиш керак, чунончи: 1- синф ўқувчиларининг кичик ҳарфлар ёзадиган чизиқларнинг ораси 4 *мм* бўлса, доскада бу чизиқларни 4 *см* қилиб чизиш лозим.

Ёзув машғулотларида доска билан бир қаторда бўр ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бўр юмшоқ, нам бўлмаслиги керак. Бўр 15×15 *мм* ли квадрат шаклида бўлиб, узунлиги 50 *мм* дан ошмаслиги ёки 30 *мм* дан кам бўлмаслиги лозим. Бундай бўрни ушлаш қулай бўлиб, ёзишга осонлик туғдиради. Қўлни тоза тутиш мақсадида бўрнинг ярмигача қоғоз ўралади.

Бўрни бош, ўрта ҳамда кўрсаткич бармоқ билан ушланади ва ёзиш вақтида кўрсаткич бармоқ билан босиб турилади. Доскада ҳарф ва унинг элементларини ёзиб кўрсатишдан олдин бўрнинг учини текислаб, ёзишга мослаб олиш зарур.

Ҳуснихат машғулотларида кичик ва юмалоқ шаклдаги бўрлардан фойдаланишга рухсат этилмайди, чунки у тегишли чизиқларни бермайди ва ҳар хил қалинликда ёзади.

Бўрни тўғри ушлаш қоидаларига амал қилишга ўргатиб бориш лозим. Айрим ўқувчилар бўрни беш бармоқ билан ушлаб нотўғри ёзадилар. Бундай ўқувчиларнинг қўлидан ушлаб, машқ қилдириш зарур.

Ўқувчилар ёзувининг сифати кўп жиҳатдан юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга боғлиқдир.

ЁЗУВ СИФАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Айрим ўқувчиларнинг ёзувлари тоза, аниқ ва чиройли бўлиб, бундай ёзув кишига қувонч бағишлайди, аммо баъзи ўқувчиларнинг ёзувларида эса ҳарфлар қинғир-қийшиқ ва хунук бўлиб ўқишга қийинчилик туғдиради.

Шунинг учун ҳуснихат ва она тили дарсларида ёзув сифатини шакллантириш учун турли имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Ёзувнинг сифатини шакллантириш деганда, биз унинг аниқ ва тоза, бир хил қияликда ва баландликда бўлишини, бир текис силлиқ ёзилишини тушунамиз.

Ўқувчиларда бу сифатларни шакллантириш учун ҳар бир ўқитувчи қуйидаги кўрсатмаларга амал қилиши лозим:

1. Ёзувга ўргатишнинг биринчи кунидан бошлаб ҳарфларнинг шаклларини такомиллаштириб бориш.

2. Ҳарф элементлари ва ҳарфларни тўғри боғлаб ёзишга ўргатиш.

3. Ёзувнинг бир томонга қия қилиб ёзиш қоидаларини такрорлаш ва такомиллаштириш.

4. Ҳар бир қатордаги ҳарфларнинг бир хил баландликда бўлишига эришиш.

5. Ҳарф элементлари, ҳарфлар ва сўзлар орасидаги масофаларни бир хилда сақлаш.

6. Бутун синфдаги ўқувчиларнинг бир хил тезликда равон қилиб ёзишларига эришиш.

7. Ёзувнинг бир маромда чиройли ва равон бўлиш йўлларини топиш.

Қуйида биз ҳар бир кўрсатмани тўлиқроқ таърифлаб ўтамиз.

Ҳарфларнинг шаклини тўғри ёзишга ўргатиш.

Ҳарфларнинг шакли устида ишлаш ҳуснихатга ўргатишнинг асосий шартидир. Чунки ҳар бир ҳарфнинг аниқ ёзилиши ёзувнинг аниқ ва равон бўлишига боғлиқ.

Биринчи синфнинг охирига бориб, ҳамма ўқувчилар ҳарфларнинг шакли ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишларига қарамай, айрим ҳарф ёки элементларнинг шаклини унутиб қўядилар. Айниқса, III—IV синфларда алоҳида ҳуснихат дарслари бўлмаслиги сабабли кўп ҳарфларнинг шаклини бузиб ёзадилар, бир ҳарфни иккинчиси билан алмаштириб юборадилар.

Шунинг учун ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси доимо ҳарфларнинг шаклини тузатиш устида иш олиб бориши лозим.

Ҳар бир ҳарфнинг шаклини онгли равишда эгаллаш (айниқса I ва II синфларда) жуда муҳимдир. Бу даврда ўқувчиларда ҳарфларни кўриб, эслаб қолиш ва чиройли ёзиш қобилиятлари таркиб топади. Ҳарфларнинг шаклини онгли равишда эгаллаш учун қуйидагилар талаб қилинади:

Ҳар бир ҳарф учун характерли бўлган асосий ва ёрдамчи улаш элементларини бир-биридан фарқлаш;

ҳарфларнинг бир-бирига нисбатини тўғри аниқлаш; ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш қоидаларига (қаердан бошлаш, қаерда тугатиш, буриш, тугунчакларни боғлаш ва ҳ.) амал қилиш; тўғри ва нотўғри ёзилган ҳарфларнинг фарқини ажратиш ва улардаги хатоларни тузатиш.

Намуна тарзида ҳуснихат китобида берилган кичик **ш** ҳарфининг ёзилиш жараёнини эслатиб ўтамиз.

Кичик **ш** ҳарфи учта таги илмоқли кичик таёқча шаклидаги элементдан иборат бўлиб, ҳар бир элементи бир хил қияликда ёзилиши лозим. Бу ердаги боғловчи элементлар ҳам асосий элементга нисбатан бир оз қияроқ бўлади.

Ўқитувчи доскада шундай элементлар иштирок этган кичик **и, ш, н** ҳарфларини ёзиб кўрсатади. Ўқувчилар эса дафтарларида ҳар бир ҳарфни бир қатордан ёзиб машқ қиладилар. Ўқитувчи синфни айланиб чиқиб, ўқувчиларнинг ёзувларини кузатиб боради ва ўқувчиларнинг қандай хатоларга йўл қўйганликларини ҳисобга олади. Шундан сўнг ўқитувчи бир неча ўқувчи йўл қўйган типик хатоларни доскада ёзиб кўрсатади ва болалардан унинг асосий камчилиги нимада эканлигини сўрайди.

Ўқувчилар ўз хато ва камчиликларини фақат доскада эмас, ўз ёзувларида ҳам сезишлари муҳимдир. Баъзи бир ўқувчилар ўз хатоларини сезмайдилар, шунинг учун ўқувчиларга ўзаро бир-бирларининг дафтарларини текширтириш ҳам яхши натижа беради. Айрим ўқувчиларга эса ўқитувчининг ўзи дафтарда ёзиб кўрсатиши лозим. Бундай ўқувчилар ўқитувчининг қўл ҳаракатига қараб туриб ўз хатоларини тузатишлари мумкин. Баъзи ҳолларда ўқитувчи ҳарфларнинг шакли ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш учун ручкани ҳавода машқ қилдириб кўрсатиши ҳам мумкин. Ўқувчилар чап қўлларини парта устига қўйиб, ўнг қўллари билан ручкани юқорига кўтарган ҳолда, ўқитувчининг доскадаги ҳаракатини ҳавода бажарадилар.

Яхши ёзган ўқувчиларни рағбатлантириб, уларнинг дафтарларини синфда намойиш этиб кўрсатиш лозим.

Аммо хунук ёзган баъзи ўқувчиларни эса бутун синф олдида уялтирмаслик, хато ва камчиликларини ўзига мустақил тушунтириш керак.

Биринчи синфда алифбе даври тугагандан сўнг ҳам айрим ўқувчилар баъзи ҳарфларнинг ёзма шаклини

унутиб қўядилар. Шунинг учун ҳуснихат дарсларида айрим кичик **б, в, д, р, ў, з, ж, к, қ, ф, ц, х** каби мураккаб ҳарфларни ёздириб машқ қилдириш лозим.

Ҳарф элементларини ва ёзув жараёнини таҳлил қилиш.

Дастлаб ҳарф элементларини таҳлил қилишда алфавитдаги ёзма шаклдаги ҳарфларнинг хусусиятлари ҳисобга олинар эди. Бу нарса алфавитдаги барча кичик ва бош ҳарфларни мажбурий равишда элементларга ажратиб ёзишни талаб этар эди. Эндиликда эса бу қоида эскириб, ўрнига ҳарфларни иложи борича қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзиш умумий қоидага айланди.

Ҳарфларни бир бутун шаклда қўл ҳаракатини узмай ёзишга ўтилган тақдирда ҳам ўқитишнинг бошланғич даврларида, болаларга тушунарли баён этиш учун, ўқитувчи ҳар бир ҳарфнинг нечта элементдан тузилганлигини ва уларнинг номини яхши билиши лозим.

Қуйида биз кичик ва бош ҳарфлар учун характерли бўлган айрим ҳарф элементларини кўрсатиб ўтамиз.

КИЧИК ҲАРФЛАР ЭЛЕМЕНТИ:



— кичик таёқча.



— узун таёқча.



— таги илмоқли кичик таёқча.



— усти илмоқли кичик таёқча.



— **л, м, я** ҳарфларининг бошланғич элементи.

— ҳам таги, ҳам усти илмоқли кичик таёқча.

— ж ҳарфининг ўрта элементи.

— чизиқдан пастга тушувчи тугунча.

— тугунчак.

— чўзинчоқ доира.

— чап ярим чўзинчоқ доира.

— ўнг ярим чўзинчоқ доира.

— туташтирувчи элемент.

БОШ ҲАРФЛАР ЭЛЕМЕНТИ:

— таги илмоқли узун таёқча.

— ҳам таги, ҳам усти илмоқли узун таёқча.

— бошлаш элементи.

— чап ярим чўзинчоқ доира.

— ўнг ярим чўзинчоқ доира.

— улаш элементи учун таёқча.

— таги илмоқли усти ёпиқ узун таёқча.



— белбоғ.



— бурилиш элементи.



— чўзинчоқ доира.



Юқорида кўрсатиб ўтилган элементлардан ўқитувчи фақат ҳарфларнинг шаклини таҳлил қилиб ёздириш вақтида фойдаланиши мумкин. Аммо ҳарфларнинг элементларини сурункали равишда ёздириб машқ қилдириш мумкин эмас.

Ҳарфларни элементларга бўлиб таҳлил қилишда, дастлаб асосий элементлар ёзилиши ҳамда боғловчи қўшимча элементлар ҳам эслатиб ўтилиши лозим. Кўпчилик ҳарфларнинг асосий элементлари юқоридан пастга қараб юргизилади, боғловчи элементлари эса, аксинча, пастдан юқорига қараб юргизиш учун мослаштирилган. Бундай элементларни боғловчи чизиқлар деб аташ мумкин.

Аммо ёзув машқларини бажаришда асосий ва ёрдамчи элементлар қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади.

Ҳарф элементларини боғлаб ёзиш вақтида ўқувчиларга ручкани юқоридан пастга юргизиш зарурлигини эслатиб туриш лозим.

Ҳарфларнинг асосий элементларини машқ қилдиришни алифбедан кейинги даврда ҳам давом эттириш мумкин.

Бунинг учун ўқитувчи қуйидагига ўхшаш машқларни ўтказиши лозим:

Ҳарфлар билан ёрдамчи чизиқларни ёнма-ён машқ қилдириш ўқувчиларга ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлаб ёзишга ёрдам беради.



Ҳарф элементларининг ўхшашлигига, ёзиш жиҳатдан содда ва мураккаблигига қараб, алфавитдаги барча ҳарфларни группаларга ажратиб ёзишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Ҳарфларни бундай группаларга бўлиб ёздиришни генетик усул деб аталади. Генетик усулдан фойдаланиш, асосан II синфдан бошлаб амалга оширилади.

Бу усулда ҳарфлар билан бир қаторда рақамларни ҳам группаларга ажратиб ёзиш тавсия этилади.

Кичик ҳарфлар группаси:

1. Биринчи группа: **и, ш, п, т, р, у, г.**
2. Иккинчи группа: **й, ў, л, м, ц, н, ғ.**
3. Учинчи группа: **о, а, б, ю, я, д, ф.**
4. Тўртинчи группа: **е, ё, ч, ы, в, ъ, ь.**
5. Бешинчи группа: **э, х, ж, к, ҳ, қ.**

Бош ҳарфлар группаси:

1. Биринчи группа: **И, Й, Ш, Ч, Ц.**
2. Иккинчи группа: **Л, А, М, Я.**
3. Учинчи группа: **О, С, Э, Ҳ, Х, Ж.**
4. Тўртинчи группа: **З, Е, Ё.**
5. Бешинчи группа: **У, Ў, Н, К, Қ.**
6. Олтинчи группа: **Г, Ғ, П, Т, Б.**

7. Еттинчи группа: **Р, В, Ю, Ф, Д.**

Ҳарфларга ўхшаш рақамлар шакл жиҳатдан ўхшашлигини ҳам ҳисобга олиб қуйидаги группаларга ажратилади:

1. Биринчи группа: 1, 4, 7.
2. Иккинчи группа: 6, 9, 0.
3. Учинчи группа: 2, 3, 5, 8.

Генетик метод билан тўғри иш олиб бориш учун ҳар бир ўқитувчи кичик ва бош ҳарфларни группаларга ажратиш билан бирга, унинг қандай элементлардан тузилганлигини ва уларнинг номларини яхши билиши ҳамда амалда қўллай олиши лозим.

ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Бошқа фанлар қатори чиройли ёзувга ўргатиш ҳам ўзининг тарихий манбаларига эга бўлган ҳолда ўсиб, ривожланиб бормоқда.

Қуйида биз ҳозирги кунда бошланғич синф ўқитувчилари учун зарур бўлган энг асосий ёзув усулларини кўрсатиб ўтамиз.

1. Намунага қараб ёзиш усули.

Чиройли ёзувга ўргатишнинг энг асосий усулларидан бири ҳарфларнинг шаклини намуна қилиб кўрсатиш ва ёздиришдир. Ҳар бир ҳарф намунаси доскада барча ўқувчиларнинг диққатини жалб қилган ҳолда ёки айрим ўқувчиларга дафтарда алоҳида-алоҳида кўрсатиб берилиши лозим. Ўқувчининг вазифаси эса доскада эслаб қолган шаклларни (ҳарф, бўғин, сўзлар) ўз дафтарларида тўғри акс эттиришдир.

Доскада ёзиб кўрсатилаётган ҳар бир ҳарф барча ўқувчиларга аниқ кўриниб туриши шарт, агар айрим ўқувчилар уни кўра олмаган бўлсалар, қайтадан такрорлаб кўрсатиш лозим. Айниқса, янги ҳарф ёки уларнинг боғланишини кўрсатиш вақтида қайта-қайта такрорлаш жуда муҳимдир.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир ҳарф ёки ҳарфларнинг боғланиши, оғзаки ёки доскада тушунтириш орқали қўлни қаерга қўйиш керак, қаерда қўл ҳаракати бурилади ва қаерда бу ҳаракат узилишни талаб этади,

ҳарфларнинг баланд-пастлиги қайдаражада каби кўрсатмалар орқали тушунтирилади.

Кейинчалик ўқувчилар ҳам у ёки бу ҳарфнинг ёзилишини ўқитувчи баён этган тарзда тушунтириб берадилар.

2. Намунага қараб кўчириб ёзиш усули.

Бу жуда эски усул бўлиб, ҳозирги кунда у ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ўқувчилар, асосан, ҳарфларнинг шаклини «Ҳуснихат» китобидаги ёки «Ёзув дафтар»ларидаги намунага қараб кўчириб ёзадилар.

Намунага қараб кўчириб ёзиш, тайёр ҳарфларнинг устидан ёзишга нисбатан анча мураккаб бўлиб, уларнинг ҳар иккаласини қайси вақтда қўллашни ўқитувчи яхши билиши керак.

Тайёр ҳолдаги нуқталар билан ифодаланган ҳарфлар устидан қўлни юргизиб машқ қилиш механик жараён бўлиб, ўқувчилар бу топшириқни осон бажарадилар. Масалан, биринчи синфларда бош ҳарф **О** қуйидагича машқ қилдирилади:



Ўқувчиларнинг дафтарларида ўқитувчи томонидан ёзиб кўрсатилган ҳар бир намуна чиройли ва аниқ ёзилиши лозим.

«Ҳуснихат» дарслигида берилган намунага қараб ёздириш ўқитувчининг вақтини тежайди ҳамда унумли ишлаш учун имконият яратиб беради. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг олдида дарслик бўлиши керак.

3. Нусха кўчириш усули.

Бу методни ҳарф шаклини тўғри тасаввур эта олмаган, ёзишда дафтар чизиқларидан пастга тушиб ёки чиқиб кетадиган ўқувчилар учун қўллаш мумкин.

Масалан, бир ўқувчи катта **В** ҳарфини ёзишда хатога йўл қўйган бўлса, ўқитувчи уларни нуқталар билан ифодалаб, дафтарга қаламда ёзиб кўрсатади, ўқувчи эса унинг устидан сиёҳ билан юргизиб чиқади. Бу усул

ўқувчининг шу ҳарф ҳақидаги тасаввурини кенгроқ шакллантиради:



Айрим ҳолларда нуқталар билан ифодаланган ҳарфлар орасини кенгроқ ташлаб, улар орасида мустақил машқларни ҳам ташкил этиш мумкин. Шундагина ўқувчи шу ҳарфнинг ёзилиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади.

Айрим ўқитувчилар чиройли ёзувга ўргатишнинг дастлабки даврларида ўқувчиларни ҳарф ва унинг элементлари ҳақида тўғри тасаввурга эга қилиш учун юпқа хитой (калька)дан ҳам фойдаланадилар.

Бундай машқлар фақат қўл ҳаракатини ўстириш учун ёрдам беради, холос. Узоқ муддат бундай усулда ёзган болалар ҳарфларнинг шаклини мустақил ёки намунага қараб ёзишда қийналадилар. Шунинг учун нусха кўчириш усулидан фақат якка-якка машқ қилишда фойдаланиш лозим.

4. Тасаввур орқали ёзиш усули.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар билан бир қаторда, болаларга тасаввур қилиш орқали ҳавода ҳарфларнинг шаклини ёздириб машқ қилдирилади. Ўқитувчи доскага ёзиб кўрсатган ҳарф ёки боғланишларни, ўқувчиларга қандай қилиб ёзишни, ручкани ҳавода ҳаракатини кўрсатиб, ўқувчилар тасаввур ҳосил қилганларидан сўнг дафтарга ёзишга рухсат этади. Бундай машқлар ўқувчиларнинг қизиқишларини ўстиради ҳамда жисмоний машқларни ҳам бажариш имконини беради.

Аммо ўқитувчи бу усулдан фойдаланишда, синфдаги барча ўқувчиларнинг қўл ҳаракати қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини бир вақтда текшира олмайди, бир неча ўқувчинигина кузатиб, тегишли кўрсатма бера олиши мумкин.

Нусха кўчириш, тасаввур орқали ёзиш чиройли ёзувга ўргатишда ёрдамчи усуллардир.

5. Ҳарфларнинг шаклини таҳлил қилиш усули.

Ҳарф ва уларнинг элементларини таҳлил қилишни турлича амалга ошириш мумкин.

Ҳарфларни элементларга ажратиб таҳлил қилиш, ҳар бир ҳарфнинг неча элементдан тузилганлигини, қандай шаклга эга эканлигини, бу элементлар бошқа ҳарфлар билан боғланишда қандай кўринишга эга бўлишини ўқувчилар тасаввур этадилар. Аммо соддалаштирилган ҳарфлар алфавити кўп ҳарфларни элементларга ажратмай, бир бутун шаклда ёзишни тавсия этади. Масалан, кичик **в** ва **б** ҳарфлари ҳеч қандай элементларга ажратилмай бир бутун шаклда ёзилади.

Айрим ҳарфлар бир неча элементдан ташкил топган бўлиб, улар бир бутун шаклда ёзилади, аммо ўқитувчи унинг нечта элементдан иборат эканлигини фақат эслатиб ўтиши мумкин. Масалан, кичик **л** ва **м** ҳарфининг биринчи элементи бир хил шаклга эга, аммо кичик **л** ҳарфида битта таги илмоқли кичик таёқча бўлса, кичик **м** ҳарфида иккита таги илмоқли таёқча бор.

Бу ерда фақат ўқитувчи томонидан ҳарфларнинг нечта элементдан ташкил топганлиги эслатиб ўтилади, холос, ёзишда эса бу ҳарфлар қўл ҳаракатини узмасдан ёзишни талаб этади.

6. Ёзув малакасини онгли ўзлаштириш усули.

Чиройли ёзув қоидаларини яхши билиш, ёзув малакасининг тўғри шаклланишига яқиндан ёрдам беради.

Чиройли ёзув қоидаларини қисқа ва тушунарли қилиб баён этиш лозим, шундагина ўқувчилар уни тўлиқ ўзлаштиришлари ва амалда қўллашлари мумкин. Масалан, биринчи синфда дастлаб тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш, дафтарни тўғри ҳолатда қўйиш каби талаблар асосида: сўзларда ҳарфларнинг баландлигини ва қиялигини бир хилда сақлаш; сўзларда ҳарф элементлари ва ҳарфларнинг оралиғини бир хил узоқликда чамалаб ёзиш қоидалари келиб чиқади.

Иккинчи синфдан бошлаб чиройли ёзиш малакасига ўргатишда ёзув техникасига оид бўлган: кичик ва бош ҳарфларни бир хил баландликда чамалаб ёзиш; ҳарф ва 4—5 ҳарфдан иборат сўзларни қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзиш; тез ва тоза ёзиш каби қоидалар талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир қоида, ўзининг аниқ мазмунига эга бўлиши керак.

Ўқитувчи ҳар бир қоидани аста-секин, ўз ўрнида ўргатиб бориши лозим. Масалан, дастлаб ёзувнинг қиялигини тўғри сақлаш қоидалари талаб этилган бўлса, бу алифбегача бўлган даврни ўз ичига олади. Болалар қия чизиқларнинг аҳамиятини яхши билиб олганларидан сўнг бу қоидаларни ҳарф ва сўзларни ёзишда қўллайдилар.

Ёзувнинг қиялиги ҳақидаги тушунчалар чуқур сингдирилгандан сўнг, ҳарфларни бир хил масофада текис ёзиш қоидалари ўргатилади. Ҳарфларни қўл ҳаракатини узмасдан ёзиш қоидалари ўрганилгандан сўнг, сўзларни қўл ҳаракатини узмасдан ёзиш қоидалари ўргатилади.

Чиройли ёзув, деганда биз тоза, аниқ чизиқлар бўйича, ҳуснихат намуналарида кўрсатилгандек ёзилган хатни тушунамиз.

Учинчи синфдан бошлаб эса бу қоидаларга яна қўшимча тез ва тоза ёзиш қоидалари киритилади.

Аммо ҳар бир қоидани, ҳар дарсда безор қиладиган даражада такрорлаш ярамайди, акс ҳолда, онгли равишда ўзлаштириш учун мўлжалланган қоидалар ўз аксини топиши мумкин.

7. Саноқ-оҳанг усули.

Бу усулдан фойдаланишда ўқитувчи ҳарф ва унинг элементларини санаш орқали ёздириб тушунтиради. Бу усулни, айниқса, савод ўргатиш даврида кенг қўллаш мумкин.

Саноқ-оҳанг усулининг афзаллиги шундаки, **биринчидан,** ҳарфларнинг текис ёзилишини таъминлайди ва ҳарф элементларининг тушиб қолишига йўл қўймайди; **иккинчидан,** секин ёзадиган ўқувчиларни тез ва синфдаги барча ўқувчилар билан баробар ёзишга ундайди; **учинчидан,** ўқувчиларга ҳаракатларни аниқ ва дадил бажаришни ўргатади; **тўртинчидан,** синфда дарсни жонлантиради.

Аммо бу усулдан бутун дарс давомида фойдаланиш тавсия қилинмайди, чунки ўқувчилар чарчаб, ёзув сифатини пасайтириб юборишлари мумкин.

Саноқ-оҳанг усулини қўллашда, асосан, ҳарфларнинг асосий элементи «бир», «икки», «уч» деб санаб

борилади, ёрдамчи улаш элементи эса «ва» деб боғланади.

Масалан, кичик ш ҳарфини ёзишни қуйидагича машқ қилиш мумкин:



Саноқ-оҳанг усулини қўллашда ҳарф ёки элементлар аввал саноқсиз ёзилади, сўнгра саноқ билан ёздирилади.

Шунингдек, бу усул билан ёзишда дастлаб секинроқ, кейинчалик уни тезлаштириб ёзиб кўрсатилади.

Саноқ-оҳанг усулидан бўғин, сўз ва гапларни ёздиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

8. Хатолар устида ишлаш усули.

Бу усулни қўллашдан мақсад ҳар бир ўқувчи ўз хатосини мустақил топа олишга ва уни тузатишга ўргатишдир.

Ўқувчиларга ўз ёзувларидаги ҳарфларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қиялигини, баланд ёки паст ёзилганлигини текшириб чиқиш топширилади. Ўқувчилар навбати билан ўзлари йўл қўйган камчиликларни айтиб берадилар, айрим ўқувчиларга ўқитувчи ёрдам беради.

Ундан ташқари, ўқувчилар ўз камчиликларини ёзув дафтарларида ёки ҳуснихат китобида берилган намунага қараб таққослаш орқали ҳам тузатишлари мумкин.

Кўпчилик ўқувчиларда такрорланган бир хилдаги типик хатоларни ўқитувчи доскада таҳлил қилиб, уни қандай тузатиш йўлларини кўрсатиб беради.

Машқ сифатида айрим ҳарфлар доскада нотўғри ёзиб кўрсатилади ва уларнинг камчилиги нимада эканлиги ўқувчилардан сўралади. Масалан, кичик у ҳарфини ўқитувчи доскада қуйидагича ёзиб кўрсатади, ўқувчилар эса унинг хатосини топадилар. Қичик у ҳарфининг тугунчакли элементи бир томонга қийшайиб қолган, аксинча, дафтарнинг қия чизиғига мос қилиб ёзиш лозим.

Шундан сўнг нотўғри ёзилган ҳарф тезда ўчириб ташланади ва кичик **у** ҳарфи қоида бўйича машқ қилдирилади.

Агар ўқувчилар томонидан ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлашда хатоларга йўл қўйилган бўлса, улар қуйидагига ўхшаш ёрдамчи чизиқлар орқали ўз-ўзини бошқаришга ўргатилади:



Бундай машқларни III ва IV синфларда кўпроқ ўтказиш керак.

Болалар ўз хато ва камчиликларидан кўра, ёнларида ўтирган ўртоқларининг хатосини кўрсатиб берадилар. Шунинг учун ўзаро бир-бирларининг хатоларини топиш устида ҳам машқ олиб бориш мумкин.

Ўзаро бир-бирларининг хатоларини топиш устида машқ олиб борганда ўқувчиларга аниқ топшириқ ва саволлар бериш керак, яъни «Ҳарф элементлари қандай ёзилган?, Ҳарф ва сўзлар орасидаги масофа тўғри сақланганми?, Ҳарфларнинг қиялиги тўғрими?» ва ҳ.

Синфдан синфга кўчган сари бу машқларнинг саволларини мураккаблаштириб бориш мумкин.

Биз юқорида чиройли ёзув малакасини шакллантириш учун зарур бўлган усулларни кўрсатиб ўтдик. Булардан ташқари, ҳар бир ўқитувчи ўзи мустақил равишда ёзув малакасини ўстириш учун ёрдам берадиган усулларни топиши ва уни амалда қўллаши мумкин.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЁЗУВ ТЕХНИКАСИНИ ЎРГАТИШ.

Ҳарфларни элементларга ажратиб таҳлил қилишни ўргатилгандан сўнг, ўқитувчининг навбатдаги вазифаси ўқувчиларни ёзув техникаси қоидалари билан та-

ништиришдан иборат бўлиши керак. Ёзув техникаси қоидаларига, асосан, ҳарфлар қиялигини тўғри сақлаш, босимсиз бир хил қалинликда ёзиш, боғланишларни тўғри ифодалаш каби вазифалар киради. Шу билан бир қаторда, ўқувчилар учун энг муҳим ёзув қоидалари ҳам эслатиб ўтилади.

Ўқувчиларни асосий ёзув қоидалари билан таништирмасдан туриб, чиройли ёзувга ўргатиб бўлмайди. Шунинг учун қуйида асосий ёзув қоидалари билан таништириб ўтамиз.

Ҳарфларни босимсиз бир текис ёзиш.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, авторучкада, асосан, босимсиз ёздирилади.

Авторучкани бармоқлар орасида қаттиқ сиқмасдан эркин ва бўш ушлаш керак. Матнда учраган нуқта ва таёқчаларни қўйишда авторучкани босмасдан секин ва эркин ҳаракат қилдириш лозим.

Босимсиз ёзишнинг афзаллиги шундаки, ҳарфларнинг умумий кўриниши бир текис ва чиройли бўлиб, тез ёзиш малакасини шакллантиришда ва боғлаб ёзишга ўргатишда осонлик туғдиради.

Ўқитувчи ҳам доскага ёзиб кўрсатганда бўрни қаттиқ ушламай, босимсиз бир текис ёзишга ҳаракат қилиш керак.

Ўқувчиларга босим билан ёзилган матнларни кўчириб ёзишга рухсат этмаслик керак.

Ўқитувчи ўқувчиларни биринчи кундан бошлаб босимсиз, бир текис ёзишга одатлантириб борса, болаларнинг қўли толиқмайди.

Ҳарфларни элементларга ажратмай боғлаб ёзиш.

Биринчи синфда ўқувчилар ҳарфларнинг шаклини ёзиб тугатганларидан кейин ўқитувчининг навбатдаги вазифаси ҳарфларни бир-бирига улаб, қўшиб ёзишга ўргатишдан иборат бўлади.

Бошланғич синфларнинг ўқув дастурида ўқувчилардан ҳарфларни элементларга ажратмай, боғлаб ёзишлари талаб этилади. Ҳарфларнинг қўшиб ёзилишини таъминлаш учун айрим чизиқлар ўз ҳаракати бўйича орқага қайтади, бу нарса, айниқса, чўзинчоқ

доира шаклидаги ҳарфларда кўпроқ учрайди, чунончи: **ша, ма, на, ло** каби бўғинлар шундай ёзилади:



Бундай қўшиб ёзишни айрим бош ҳарфларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, **К** бош ҳарфининг ёзилишини кўрайлик:



Кўпчилик бош ҳарфлар кичик ҳарфлар билан қўл ҳаракатини узмай, улаб ёзилади. Ўқувчиларга ҳарфларни бир-бирига улаб ёзиш қоидаларини намуна сифатида қуйидаги тартибда тушунтириш мумкин:

— Болалар, қаранг, мен кичик **л** ҳарфини кичик **о** ҳарфига қўшиб ёзишни кўрсатаман. Сиз менинг қўлимнинг ҳаракатига қараб туринг.

— Кичик **д** ҳарфининг иккинчи элементини юқорига олиб чиқиб, салгина пастга буриб, яна орқага қайтамиз ва кичик **о** ҳарфини ҳосил қиламиз.

— Қани, ўқувчилар, ким кўрсатади, бу иккала ҳарфни мен қандай қилиб қўшиб ёздим?

Бир ўқувчи доскага чиқиб, ўқитувчи ёзган ҳарфлар устидан қўлни юргизиб кўрсатади, қолган ўқувчилар эса диққат билан қараб турадилар. (Агар ўқувчи янглишиб қолса, бошқа ўқувчини чақириб унинг йўл қўйган хатоси тузатилади.)

— Қани энди, болалар, бу ҳарфларнинг қўшилиши ҳаракатини ҳавода ҳаммамиз бирга қайтарамиз. Ҳаммангиз ручкангизни олинг. Бошладик (ўқитувчининг ўзи ҳам бирга қайтаради).

Ўқувчилар доскадаги **д** ва **о** ҳарфларининг ёзилишига қараб, ҳавода ҳаракат бажарадилар.

— Энди болалар, бу ҳарфларни дафтарингизга кўчириб ёзинг. Бир қатор кўчириб ёзганингиздан сўнг

ўзингизни текшириб кўринг. Агар ёзаётганингизда қўл ҳаракати узилмаган бўлса, демак, тўғри ёзаяпсиз.

— Энди шу иккала ҳарфни қўшиб, бир неча қатор ёзамиз.

Ўқитувчи синфни айланиб чиқиб, нотўғри ёзаётган ўқувчиларга ёрдам бериши лозим. Бошқа ҳарф ва сўзларни қўшиб ёзишда ҳам шундай йўл билан тушунтириш зарур.

Биринчи синфда ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб ўқувчилар 4—5 ҳарфдан ташкил топган сўзларни қўл ҳаракатини узмасдан ёза оладилар. Иккинчи синфдан бошлаб эса ҳар қандай мураккаб сўзларни ҳам боғлаб ёзишлари лозим. Аммо айрим ҳарфлар эса қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади. Масалан, кичик **б** ҳарфи ўзидан кейинги ҳарфлар билан боғланишда қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади. Кичик **о** ҳарфи ҳам кичик **л, м, я** ҳарфлари билан боғланишда қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади. Бундай ҳарфларнинг боғланишига ўқитувчи алоҳида эътибор бериши керак. Масалан, ўқитувчи доскада шу ҳарфларнинг боғланишига хос бўлган *лола, бобо* сўзларини ёзиб кўрсатиши мумкин:



Бу ҳарфларнинг боғланишини қуйидаги тартибда тушунтириш лозим.

— Қани болалар, диққат билан қаранг, бу сўзларни ёзишда қўл ҳаракатини қаерларда узиб ёздим?

— Сиз кичик **о** ҳарфидан кейин ва кичик **б** ҳарфидан кейин қўл ҳаракатини узиб ёздингиз.

— Қайси **о** ҳарфидан кейин ва қайси **б** ҳарфидан кейин қўл ҳаракатини узиб ёздим?

— Биринчи **о** ҳарфидан ва *бобо* сўзидаги иккала **б** ҳарфидан кейин қўл ҳаракатини узиб ёздингиз.

— Тўғри. Агар кичик **о** ҳарфи бошқа ҳарфлар билан юқори томондан уланса қўл ҳаракати узилмайди, паст томондан уланса, унда қўл ҳаракатини узиб ёзиш керак. Кичик **б** ҳарфи ҳам ўзидан кейин ёзиладиган ҳар қандай ҳарф билан боғланишида қўл ҳаракатини узиб

ёзишни талаб этади. Ёзма ҳарфларда бошқа бундай қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этадиган ҳарфлар учрамайди.

Дастлабки вақтларда боғлаб ёзилган ҳарфлар кўзга унча ташланмайди, гўё улар чаплашиб кетаётганга ўхшайди, аммо аста-секин уларни аниқ ва тўғри боғлаб ёзиш ишнинг унумли бўлишига ёрдам беради. Қўл ҳаракатини узмасдан ҳарфларни боғлаб ёзиш қияликни бир хилда сақлашга ҳам имкон беради.

Қўл ҳаракатини узмасдан ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш қоидаларини ҳар бир синфда эслатиб туриш лозим, шундагина бошланғич синфларда тез ёзиш малакасини ўстириш мумкин.

Ҳарф ва сўзларни қаторларга тўғри жойлаштириш.

Ёзувга ўргатишнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳарф ва сўзларни қаторларга тўғри жойлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Уларга биринчи тайёргарлик машқларидан бошлаб (таёқча ёки нуқталарнинг орасидаги) масофаларни тенг сақлашга ўргатилади.

Агар ўқувчилар таёқчалар орасидаги масофани тор қилиб қўйсалар, уларга кенгроқ қилиб ёзиш тушунтирилади, аксинча, улар орасидаги масофа ҳаддан ташқари олис бўлса, ўқитувчи яқинроқ ёзишни ўргатиши лозим.

Баъзи бир ўқитувчилар тўғри тушунтириш учун сўзлар орасидаги масофани ручкани йўғонлигига тенг қилиб олиш мумкин, деган кўрсатмаларни берадилар. Бундай тушунча нотўғридир, чунки ўқувчиларнинг ручкалари ҳар хил бўлиши мумкин. Ундан ташқари, ручкани дафтар устига қўйиб ўлчаш ҳам ёзув қоидаларига зиддир.

Соддалаштирилган ҳарфлар билан ёзувга ўргатишнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг чамалаш қобилиятини ўстириш ва масофаларни мустақил равишда аниқлашга ўргатишдир.

Ўқувчиларни чамалашга бир қаторда жойлашган ҳарфларнинг сони билан ҳам ўргатиш мумкин. Масалан, бир қаторга кичик и ҳарфидан 10 та жойлаштириш мумкин, ундан кам бўлса ҳарфлар орасидаги масофалар кенг, кўп бўлса тор бўлиб қолиши мумкин. Аммо бундай чамалаш машқларини фақат

I синфда ўтказиш мумкин. II—IV синфларда эса ёзувнинг йирик ва майдалигига қараб ҳарфлар бир қаторга оз ёки кўп жойлашиши мумкин.

Ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлаш.

Болаларнинг ёзувлари ҳар хил қияликда бўлиши мумкин. Агар ҳарфларнинг асосий элементлари дафтар чизиғига нисбатан тик ҳолатда (перпендикуляр) қўйилса, ёзувнинг ҳолати ҳам тик бўлади. Ҳарф элементлари ўнг томонга қия бўлиб, ўтмас бурчак ҳосил қилиши ҳам мумкин. Биз ўқувчиларни ўнг томонга қия қилиб ёзишга одатлантиришимиз лозим.



тик ёзув (нотўғри)

чап томонга қия ёзув (нотўғри)



ўнг томонга қия ёзув (тўғри)

Ўнг қўл билан ёзадиган кишилар учун ёзувнинг қиялиги ўнг томонга мослаштирилиши фақат ҳарфларнинг шаклини чиройли қилиш учун эмас, ёзувнинг қулайли-

ги учун мос келади. Ёзувнинг қиялигини тўғри сақлаш, қўл ва бармоқларни ортиқча зўриқтирмайди.

Ёзувнинг ўнг томонга қиялигини сақлаш тирсакларни бир томонга эркин юритиш учун қулай бўлиб, парта устидаги дафтарнинг туриш ҳолатига боғлиқдир.

Ёзаётганда дафтарнинг ҳолати бир томонга қия бўлиши ўз-ўзидан ёзувнинг қиялигини таъминлайди.

Ёзувнинг қиялигини сақлашда дафтардаги сийрак қия чизиқлар ҳам катта ёрдам беради. Бундай машқ қилишда дафтарнинг ҳолати ўзгарса ҳам, ёзувнинг қиялиги ўзгармаслиги мумкин. Шунинг учун қия чизиқли дафтарлардан фақат дастлабки машқларни бажаришда фойдаланилади.

Қия шаклда ёзишга ўргатишнинг ўзига хос усуллари мавжуд.

Ўқувчиларга дастлаб энг содда шаклдаги кичик таёқчаларни ёздириб машқ қилдириш вақтидаёқ тик ва қия таёқчаларнинг фарқини ўргатиш лозим.

Бунинг учун ўқитувчи доскада икки хил шаклда (қия ва тик) таёқчалар шаклини ёнма-ён ёзиб кўрсатиши ва уларнинг фарқларини чуқур таҳлил қилиб бериши лозим. Бундай машқлар ўқувчиларнинг онгида узоқ вақт сақланади ва хатоларнинг олдини олади.

Шунингдек, ёзувнинг тўғри бўлиши учун дафтарнинг қия ҳолатини ҳам ҳисобга олиш лозим эканлиги тушунтирилади ва кўрсатилади. Дафтарнинг парта усти-



20- расм.

да нотўғри туриши гигиена қоидаларининг бузилишига ҳам сабаб бўлади, чунки ўқувчи ёзувнинг қиялигини сақлаш учун ўз гавдасини ҳар хил ҳолатда тутиши мумкин.

Дафтарнинг пастки чап бурчаги кўкрак ўртасига тўғри бўлиши ёки дафтарнинг қия чизиғи (агар қия чизиқли дафтар бўлса) партанинг четига тик бўлиши керак (20- расмга қаранг).

Дафтарнинг бети сатрларга тўлиб борган сари юқорига суриб борилади. Чап қўл билан эса дафтарнинг юқори томони босиб турилади. Бунинг учун синф партасининг устига икки ўқувчининг ҳар бири учун алоҳида ингичка қия текширув чизиқ чизиб қўйилади. Бу чизиқнинг пастки учи ўқувчиларнинг чап кўкраклари ўртасига тўғри бўлиб, партанинг олд қиррасига нисбатан 65 градус қия бўлади.

Агар дафтарнинг чап бети тўлса, дафтарнинг букланадиган жойи текширув чизиққа тўғрилаб олинади ва ўнг бетига ёзишга ўтилади.

Ўқувчиларда ҳарфларни қия ёзишга ўргатиш малакасини ошириш анча мураккаб жараён бўлиб, ўқитувчидан сабр-матонат, катта куч талаб этади. Ўқитувчи системали равишда турли машқлар олиб бориши, уларнинг ҳаракатларини қунт билан кузатиб бориши лозим. Фақат узоқ муддатли машқлардан сўнг кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин.

Ўқитувчи томонидан берилган барча кўрсатмаларга қарамай, айрим ўқувчилар ҳарфларни ҳар хил қияликда нотўғри ёзадилар. Масалан, кичик **б** ҳарфини ўнг томонга қия қилиб ёзсалар, кичик **д** ҳарфини чап томонга ҳаддан зиёд оғдириб ёзадилар:



Айрим ҳарфларни эса пала-партиш, ҳар икки томонга қия қилиб ёзадилар:



Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш учун ўқувчиларга ўз хатоларини топишга ёрдам берадиган график машқлар берилиши керак. Ўқувчиларга дастлаб бир-иккита ҳарф ёздирилиб, улар орасига қия чизиқчалар қўйдирилади ва шу чизиқчаларга таққослаш орқали ўқувчилар ўз хатоларини тушунадилар ҳамда уни тузатишга киришадилар.

Ҳарфларни бир хил баландликда ёзиш.

Матндаги ҳарфларнинг бир хил баландликда ёзилиши чиройли ёзувга ўргатишнинг асосий шартларидан биридир. Ёзувда ҳарфларни бир хил баландликда сақлаш анча қийин бўлиб, ўқувчи барча имлога оид малакаларни эгаллай олмайди. Шунинг учун I синфдан бошлаб сийрак қия икки чизиқли дафтарга ёздириб машқ қилдирилади, сўнгра сийрак қия чизиқсиз дафтарга ва II синфнинг иккинчи ярмидан бошлаб бир чизиқли дафтарга ёздириб машқ қилдирилади.

Биринчи синфда кичик ҳарфларни 4 *мм* баландликда (бу ўлчам дафтарнинг кичик ҳарфлар ёзиладиган қаторлар орасига тенг) ёздириб машқ қилдирилади, бош ҳарфлар эса кичик ҳарфларга нисбатан икки баробар катта қилиб ёздирилади.

Биринчи синфнинг охирлари ва II синфдан бошлаб айрим ўқувчиларда ёзувнинг майдалашиб, қаторлар орасидан пастга тушиб боришини кўриш мумкин. Бу ёзув тезлигининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Бир чизиқли дафтарга машқ қилишдан олдин, ўқитувчи доскада ҳарфларни бир текис, равон ёзиш қоидаларини мукаммал тушунтиради. Чунки бир чизиқли дафтарда ҳарфларнинг баландлигини белгилаб турувчи текширув чизиқ йўқ, энди ўқувчи уларни чамалаб ёзишга ўрганиши лозим.

Масалан, бир чизиқли дафтарни тенг уч қисмга бўлиб, учдан бир қисмида кичик ҳарфларни, учдан икки қисмида эса бош ҳарфларни ёзиш лозим:



Қичик ва бош ҳарфлар алоҳида-алоҳида машқ қилдирилади.

Бир чизиқли дафтарга чамалаб ёзиш анча мураккаб, шунинг учун ўқитувчи дастлабки даврларда ўқувчиларни диққат билан кузатиб бориши зарур.

Ёзувдаги камчиликлар айниқса, III ва IV синфларда кўпроқ учрайди, чунки бу даврда ўқувчиларда катталарга хос бўлган алоҳида ёзув шакллана боради. Бу даврдаги ёзувнинг шаклланишига алоҳида аҳамият бериб бориш керак.

Ҳарф ва сўзлар орасидаги масофани чамалаб ёзиш.

Чиройли ёзувга ўргатишда ҳарфларнинг баландлигини бир хилда сақлаш қанчалик зарур бўлса, ҳарфлар ва сўзлар орасидаги масофани тўғри чамалаб ёзиш ҳам катта роль ўйнайди.

Алфавитдаги айрим ҳарфлар кенг, айримлари эса тор ёзилади. Сўз ва гапларни ёзишда эса ана шу фарқни яхши ажрата билиш лозим.

Ҳарфлар ва ҳарф элементлари орасидаги масофани чамалаб ёзишга алифбе давридан бошлаб ўргатиш, кейинчалик эса буни системали равишда текшириб бориш зарур.

Гапларни ёзишда сўзлар орасидаги масофа бир ҳарф энида бўлиши керак. Ҳарф элементлари ва улар орасидаги масофани чамалаб ёзишга ўргатиш учун қуйидаги вазифалар бажартирилади:

1. Ўқувчиларга ҳуснихат китобидаги намунага қараб ёздириб, уларни таҳлил қилиш.

2. Ҳуснихат китобидан ҳарф ва уларнинг элементлари орасидаги масофани чамалаб ёзишга ўргатувчи машқ ва топшириқни кўчириб ёзиш.

3. Ўқувчиларнинг ишларини кузатиб чиқиб, қайси ўқувчи тор, кенг, қайсиси пала-партиш ёзганини аниқлаш.

Шундан сўнг 3—4 та дафтарни йиғиб олиб, камчилиги биргаликда таҳлил қилинади.

Ҳарф ва сўзлар орасидаги масофани чамалаб ёзишга ўргатиш биринчи синфда бутун ўқув йили давомида системали олиб борилиши, иккинчи ва ундан кейинги синфларда ҳам бу малакаларни эгаллаш давом эттирилиши керак.

Тез ва равон ёзишга ўргатиш.

Ҳарфларни бир хил баландликда ва кенгликда ёзишга ўргатиш билан бирга, тез ва равон, текис қилиб ёзиш чиройли ёзувнинг муҳим шартларидан биридир.

Чиройли ва тез ёзишнинг асосий сири унинг бир хил ўлчамдаги равон ҳаракатидир.

Бир маромда ҳаракат қилиб ёзиш, ҳар бир ҳарф ва унинг элементлари бир хил баландликда ва қияликда бўлиши алоҳида гўзаллик кашф этади.

Аммо ўқувчилар бундай малакаларга тезда эриша олмайдилар. Ёзувнинг равон бўлиши, унинг тезлиги билан боғлиқдир.

Масалан, эндигина ёзув машқини бошлаган олти ёшли ўқувчи бир минутда 4—6 ҳарфни ёзиши мумкин. Бу даврда тез ёзиш малакасини саноқ-оҳанг усулида олиб борилса, тезлик янада бир маромда давом этиши мумкин. Ёзувнинг тезлигини ошириб боришда болаларнинг қўл ҳаракати бир маромда бўлишига алоҳида эътибор бериш, бармоқларининг чарчаб қолишига йўл қўймаслик керак. Агар ўқувчиларни чарчатиб қўймасдан саноқ-оҳанг усулида аста-секин ёзув тезлигини ошириб борилса, у болаларда катта қизиқиш уйғотиб, яхши самаралар бериши мумкин.

Ёзувнинг тезлиги ўқувчининг имлони қайдаражада билишига боғлиқдир, агар ўқувчи сўзларни яхши ўқиса, хатоларга йўл қўймаса, тез ва тўғри ёзади.

Ёзувнинг тезлиги бола юқори синфга кўчган сари орта боради. Агар 6 ёшли ўқувчи ўқув йилининг бошида 4—6 ҳарф ёзган бўлса, ўқув йилининг охирига келиб 7—9 ҳарф ёза олади, II синф ўқувчиси ўқув йилининг охирида 23—25 ҳарф ёзиши, III синф ўқувчиси ўқув йилининг охирида 32—35 ҳарф, IV синф ўқувчиси эса минутига 40—45 та ҳарфни ёзиши мумкин.

Ёзма ишларнинг турли шаклларида (кўчириб ёзиш, айтиб туриб ёздириш билан ёки ёддан ёзиш) бу тезлик бир оз ортиқ ёки камроқ бўлиши мумкин.

Ёзув тезлигини оширишнинг яна бир имконияти кўпроқ қўл ва бармоқларнинг эркин ва енгил ҳаракатига боғлиқдир. Бунинг учун қўл бармоқ мускулларининг ҳаракатини ўстирувчи ҳамда тез ва равон ёзишга ўргатадиган турли машқларни бажартириш керак.

Масалан, мактабга илк бор қадам қўйган ўқувчилар учун қуйидаги ўхшаш шаклларни чиздириб ёки ҳавода машқ қилдириш мумкин.

1. Дам олмасдан ва қўл ҳаракатини узмасдан ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ҳаракат қилдириш:



2. Бармоқ мускулларининг ҳаракатини ўстириш учун юқоридан пастга, пастдан юқорига ҳаракат қилдириш:

3. Бармоқ ва қўл мускулларини ўстирувчи машқлар:

4. Елка ва қўл мускулларини ўстирувчи машқлар:

Булардан ташқари, ҳар бир ҳарф элементларини машқ қилдириш учун шу элементга мос машқлар танлаб ёздириш мумкин.

I ва II синф ўқувчиларига эса қуйидаги машқлар берилади.

1. Соат стрелкаси бўйича бармоқ ва панжа мускулларини ўстирувчи машқлар:

Бундай машқлар чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфларни ёзишда катта ёрдам беради.

2. Тугунчакдаги ипни чувалатиб ёзиш ва ўраш шаклидаги машқ:

Бундай машқлар қўл ҳаракатини узмай ёзиладиган ҳарфларни машқ қилиш учун ёрдам беради.

3. Соат стрелкаси бўйича ва унга қарши бармоқ ва қўл мускулларини ўстирувчи машқлар:



Қўл, бармоқ ва панжа мускулларини ўстирувчи машқлар билан бир қаторда ҳарф элементларига яқин бўлган ҳамда ҳарфларни ёзишда ёрдам берадиган турли шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо бундай машқлар ёзувга ўргатиш даврида олиб борилиши керак:



III ва IV синфларда эса ёзув тезлигини ва унинг равон бўлишини таъминловчи қуйидагича машқлар берилиши мумкин:



Юқорида кўрсатиб ўтилган машқлардан ўз ўрнида унумли фойдаланилса, яхши натижалар беради.

I—IV СИНФЛАРДА ЧИРОЙЛИ ЁЗУВГА ЎРГАТИШ.

Бошланғич синф дастур талабига кўра I синфнинг IV чорагида ёзув дарслари учун 24 соат вақт берилган бўлиб, ундан ҳафтада 1 соати чиройли ёзув учун ажратилган.

Бу даврда ўқитувчи ёзув малакаларини янада такомиллаштириш, ёзув гигиенаси қоидаларига риоя қилиш ҳамда ҳарфларнинг шакли ва уларнинг боғланиши, қўл ҳаракатини узмасдан ёзиш, сўз, бўғин ва гапларнинг равонлигига эътибор бериши лозим.

II синфда чиройли ёзув учун ҳафтада 1 соат вақт ажратилиб, йилига 34—35 соатни ташкил этади.

Бу даврда ўқувчилардан ручкани тўғри ушлаш, дафтарнинг ҳолатини тўғри тутиш, тўғри ўтириш каби гигиеник қоидалар талаб этилади. Шунингдек, ҳарфларнинг содда ва мураккаблигига қараб группаларга бўлиб ёздирилади. Айрим бўғин ва содда сўзлар қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёздирилади.

III синфда ҳуснихат машқлари она тили дарслари билан ҳар куни (8—10 минут) қўшиб олиб борилади.

Бу даврда ёзилиши ва боғланиши мураккаб бўлган кичик ва бош ҳарфларни ёзиш қоидалари машқ қилдирилади. Айниқса, бу даврда боғланиши мураккаб бўлган сўз ва гапларни равон ёзиш устида кўпроқ машқлар ўтказилади.

IV синфда ҳам чиройли ёзув машқлари она тили дарслари билан ҳар куни (8—10 минут) қўшиб олиб борилади.

Бу даврда ҳарфларни қоида бўйича тўғри ёзиш малакалари мустаҳкамланади. Сўз ва гапларда қийин

боғланишли ҳарфларни топиб, таҳлил қилинади ҳамда равон ва тез ёзиш малакалари ривожлантирилиб, ўқувчиларнинг ёзувларида учрайдиган типик хатолар устида машқ қилдирилади.

БИРИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ ТЕХНИКАСИГА ЎРГАТИШ.

Биринчи синфда ёзув машқларини ташкил этиш бирмунча мураккаб бўлиб, у бир неча даврларга бўлинади ва бир неча хил вазифаларни ўз ичига олади. Болалар ўқитувчининг сўзини тинглайдилар, доскага ёзган ҳарф ва сўзларни кўриб борадилар, айрим матнларни кўчириб ёзадилар, сўз ва бўғинларни таҳлил қиладилар, нуқталар билан ифодаланган ҳарфларнинг устидан бўяйдилар ва ҳоказо.

Айрим вақтларда ўқитувчи ўқувчиларни ёздиришга бошлашдан олдин тўғри ўтириш қоидаларини тушунтириб беради, аммо дарс ўрталарига бориб бу нарса уларнинг эсидан чиқиб қолади, натижада ўқувчилар қандай нотўғри ўтирган бўлсалар, дарснинг охиригача шундай ўтирадилар.

Шунинг учун ўқитувчи бутун дарс давомида ўқувчиларга тўғри ўтириш қоидаларини эслатиб туриши мақсадга мувофиқдир. Бу масалани осон ҳал этишнинг яна бир йўли синфга плакатлар осиб қўйишдир (21-расмга қаранг).

Ўқитувчи чиройли ёзувга ўргатишнинг тарбиявий томонини ҳам эсдан чиқармаслиги керак.

Ўқувчиларда чиройли, аниқ ва тоза ёзишга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш учун биринчи навбатда ўқитув-

Партада тўғри ўтиринг.

Ручкани тўғри ушланг.

21- расм.

чининг ўзи чиройли ёзиши лозим, бу соҳада ўқувчиларнинг тақлидчанлигини унутмаслик керак.

Бошланғич синф дастурининг сўнгги босқичида ёзувга ўргатиш ўқиш дарси билан ёзув дарсини чамбарчас боғлашни мақсад қилиб қўяди. Ўқиш дарсларида ўқувчилар товуш ҳамда босма ҳарфлар билан таништирилса, товуш ва ҳарфларни анализ ва синтез қилиш орқали уларнинг нутқи ўстирилади. Шу каби ёзув дарси ҳам ўзининг айрим специфик хусусиятига эга. Масалан, ўқувчилар ўқиш дарсида алифбе китобидаги тайёр босма ҳарфлардан фойдалансалар, ёзув дарсида бу нарса кўринмайди. Ҳар бир ҳарф ва унинг элементини ўқувчининг ўзи намунага қараб бажариши шарт. Ҳарф ва унинг элементлари орасидаги масофаларни тўғри сақлаш ҳамда дафтарга бир текис ёзиш эндигина ёзишга ўрганаётган ўқувчи учун қийинчилик туғдириши мумкин.

Шунинг учун ҳам бу синфда ёзувга ўргатиш ўз навбатида қуйидаги қатор тушунчаларни билишни талаб этади. Масалан: «баланд-паст», «бир хил», «кенг-тор», «яқин-узоқ», «юқорига», «пастга», «ўрта» (оралиқ), «узунроқ-калтароқ», «тенг», «тенг бўлмаган масофа», «тўғри-қия», «чапга-ўнгга» ва ҳоказо.

Ўқитувчи ёзувга ўргатишга бошлашдан олдин ўқувчилар билан юқорида қайд этилган тушунчалар устида иш олиб бориши лозим. Бу ўқувчиларга ҳарфларнинг шаклини, унинг ҳаракатини яхши тушунишларига катта ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, ёзиш малакаси ўқиш малакасига нисбатан анча мураккабдир. Шунинг учун биринчи синфда ёзув машқлари учун берилган алифбегача бўлган даврни бирмунча узайтириш мумкин. («Алифбе» китобида эса бу давр учун 20—25 кун берилган.) Аммо бу даврда ёзув дарси билан ўқиш дарси ўртасида бирмунча фарқ бўлиши мумкин, бундан чўчимаслик керак, чунки бу вақтда ўқувчилар сўз ва ҳарфларни ўтилган материаллар асосида ёзиб ўрганадилар. Кейинчалик эса ўқиш билан ёзув дарси бирбири билан узвий боғланган ҳолда давом этади. Ёзув дарсига тааллуқли бўлган айрим специфик томонлар ҳисобга олинган ҳолда тайёргарлик машқлари берилади.

Ўқишнинг биринчи ҳафталаридаги тайёргарлик машқлари, асосан, оғзаки нутқни ўстиришга қарати-

лади. Аммо бутун бир соатлик дарс давомида оғзаки нутқ билан шуғулланиш болаларни зериктириб қўйиши мумкин. Шунинг учун бу дарсларнинг ярмини оғзаки нутқ ўстиришга, иккинчи ярмини эса ёзув дарсига тааллуқли бўлган тайёргарлик машқларини бажаришга қаратиш мумкин. Бу машқларни қизиқарли чиқиши учун рангли қалам ёки фломастердан фойдаланиш мумкин. Бу даврда ҳуснихатга оид тайёргарлик машқларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тайёргарлик машқларини ташкил этиш.

Биринчи синф ўқувчилари билан тайёргарлик машқларини тўғри олиб бориш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

1. Партада тўғри ўтиришга, авторучкани тўғри ушлашга ва дафтарнинг ҳолатини тўғри тутишга ўргатиш;
2. Ўқувчиларнинг ҳуснихатга бўлган қизиқишларини ўстириш;
3. Болаларнинг таққослаш ва чамалаш қобилиятларини ўстирувчи машқларни бажариш;
4. Қўл ва бармоқ мускулларининг ҳаракатини ўстириш.

Тайёргарлик машқларини бажариш учун ўқувчиларни қора ва рангли қаламлар, фломастер ҳамда ёзув дафтари билан таъминлаш лозим. Ўқитувчининг бу даврда рангли бўрлардан фойдаланиши яхши натижалар беради.

Тайёргарлик даврида ўтказиладиган машқларни маълум группаларга бўлиб, аввал содда ва кейин мураккаброқ машқларни бажариш лозим.

Машқларни қуйидаги группаларга бўлиш мумкин:

Биринчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларни дафтарнинг чизиқлари билан таништириш ва нуқталарни кўз билан чамалашга ўргатиш.

Биринчи вазифа. Ўқувчиларга бир хил масофада нуқталар қўйишга ўргатиш.

Иккинчи вазифа. Ўқувчиларга «баравар масофа», «яқин», «узоқ» каби тушунчаларни бериш.

Учинчи вазифа. Ўқувчиларни дафтарнинг қия ҳолати билан таништириш. Болаларга олдин дафтарни тик, кейин эса қия қилиб қўйиш топширилади. (Дафтарнинг пастки чап бурчаги кўкрак ўртасига тўғри бўлиши лозим.) Сўнгра дафтарнинг қия ва тик ҳолатлари солиштириб кўрсатилади ҳамда ёзувнинг қиялиги дафтарнинг ҳолатига тааллуқли эканлиги болаларга тушунтирилади.

Тўртинчи вазифа. Ўқувчиларнинг қалам ушлашлари текшириб чиқилади ва қизил қалам билан бир қатор нуқта қўйиб чиқиш топширилади:



Иккинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Чизиқларнинг қия шаклида ёзилишини кўрсатиш ҳамда чизиқлар орасидаги масофани тўғри топишга ўргатиш.

Вазифа. Қичик ҳарфлар ёзиладиган чизиқлар орасига қия таёқчаларни ёздириб машқ қилдириш.

Ўқитувчи бу машқни доскада намуна қилиб кўрсатиб беради. Ўқувчилар эса қизил қаламда қия таёқчаларни чизадилар. Ўқувчилар бир қатор ёзиб бўлганларидан сўнг текшириб чиқилади ва таҳлил қилинади. Ёзилган таёқчаларнинг бир хиллигини текшириш учун уларнинг ўртасига бошқа рангдаги қалам билан нуқталар қўйдирилади:



Агар нуқталар баравар масофада бўлса, ўқувчи вазифани тўғри бажарган, баравар масофада бўлмаса, хатога йўл қўйган бўлади. Хатога йўл қўйган ўқувчиларга шу машқни қайта бажартириш лозим.

Учинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларга «баланд», «юқори» ва «паст» тушунчаларни англатиш. Чизиқлар орасини тўғри топишга ўргатиш.

Вазифа. Ҳар хил баландликдаги қия таёқчаларни ёздириш. Ўқитувчи доскада дафтарнинг юқори чизиғидан пастки чизиғигача узун таёқчалар туширишни, таёқчаларнинг тенг ўртасини топиб нуқта қўйишни айтади; узун таёқчанинг ярмидан, яъни нуқта қўйилган еридан унинг ёнига кичик қия таёқча чизишни топширади. Узун таёқчаларнинг ўртасига қўйилган кичик таёқча ётиқ чизиқ билан боғланади:



Доскада таёқчаларнинг баланд ва пастлиги таққослаб кўрсатиб берилади. Шундан сўнг ўқувчилар вазифани бажаришга киришадилар.

Тўртинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Ҳар хил шаклга ва қияликларга эга бўлган чизиқ элементларини ёзишга ўргатиш.

Биринчи вазифа. Узун таёқча элементини бир неча бўлакларга бўлиб, уларнинг орасидаги масофани бир хилда сақлашга ўргатиш. (Бу чизиқлар жигар ранг қалам билан чиздирилади.)

Иккинчи вазифа. Таёқчаларнинг баланд-пастлиги, ораларидаги масофанинг тенглиги текширилиб чиқилгандан сўнг зангори ранг қалам билан ҳар хил қияликка эга бўлган кичик балиқ шаклини ифодаловчи чизиқлар чизилади:



Ўқувчилар бу машқни бажариш орқали оралиқ масофаларни чамалашга ва қияликларни тўғри сақлашга ўрганадилар.

Бешинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларга «кенг» ва «тор» тушунчасини англатиш; таги илмоқли кичик таёқча шаклидаги элементни ёзишга ўргатиш.

Биринчи вазифа. Таги илмоқли кичик таёқча элементини ҳар хил рангли қаламда бажариш. Масалан, 3 та таёқча қизил рангда, 3 та таёқча кўк рангда бажарилса ўқувчиларнинг қизиқишлари ортади.

Иккинчи вазифа. Ўткир бурчак ҳосил қилиб ёзилган элемент билан таги илмоқли кичик таёқча элементларини қиёс қилиб кўрсатиш. (Таги илмоқли таёқча элементининг тўғри ёзилиши кўрсатиб ўтилади, чунки бу элемент кичик ҳарфларнинг ёзилишида кўп учрайди.) Ўқувчиларга бу қоидалар тушунтирилгандан сўнг бир қаторга оралатиб битта кичик тўғри таёқча ва битта таги илмоқли кичик таёқча элементи ёздирилади:

Олтинчи группа машқлар.



Дарснинг мақсади. Овалсимон шаклни чизишга ўргатиш.

Вазифа. Овал шакли билан таништириш ҳамда уни айлана билан қиёс қилиб кўрсатиш.

Ўқитувчи доскада айлана ва унинг ёнига овал шаклини ёзиб, уларни солиштириб кўрсатади:



Уларнинг бир-биридан фарқини тушунтиради: **айлана** — бу копток ёки тарвузга, овал эса олхўри ёки қовун шаклига ўхшайди. Сўнг ўқитувчи овал шаклини тик ва қия ҳолатда чизиб кўрсатади.

Ўқувчилар уни солиштириб кўрадилар: бири тик ҳолатда, иккинчиси эса чап томонга қия қилиб ёзилган.

Ўқитувчи овал шаклидаги бу элементни бир томонга зич қилиб чизиш шарт эканлигини таъкидлайди. Ўқувчилар унинг ёзилишини бир неча марта ҳавода бажарганларидан сўнг ёзишга рухсат этилади. Ўқитувчи овалнинг баландлиги ҳам таёқча билан баравар ёзилишини эслатади. Ўқувчилар бир қаторга иккита кичик таёқча ва битта овал шаклини чизадилар.



Овал шаклнинг орасига қўйилган бу кичик таёқчалар унинг қиялигини сақлаб ёзишга ёрдам беради.

Еттинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Кичик ҳарф элементларининг қўшиб ёзилишини ҳамда уларнинг орасидаги масофани тўғри сақлашга ўргатиш.

Вазифа. Таги илмоқли кичик таёқча элементини машқ қилдириш ҳамда уларни бир-бирига қўшиб ёзишга ўргатиш:



Бу вазифанинг тўғри ёки нотўғри бажарилганини иккита элемент ўртасидаги бўшлиққа бошқа рангли қалам билан нуқта қўйдириш орқали ҳам билиш мумкин:



Агар ўқувчи вазифани тўғри бажарган бўлса, нуқта ҳарф элементлари орасига тўғри жойлашади, аксинча, нотўғри бажарган бўлса, нуқта учун жой топилмайди. Бундай усул билан вазифани текшириш уларда учрайдиган хатонинг олдини олишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

Саккизинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. «Узунроқ» ва «калтароқ» тушунчасини англатиш.

Вазифа. Икки хил узунликдаги таёқча элементларини ёзиб кўрсатиш:



Бу вазифани ҳам рангли қалам билан бажарилади. Ўқувчилар бу таёқчаларнинг қайси бири узун, қайси бири калта эканини солиштириб кўрадилар.

Тўққизинчи группа машқлар.

Дарснинг мақсади. Ҳарф элементларини бир қаторга тўғри жойлаштиришга ўргатиш.

Биринчи вазифа. Ўқувчиларга бир қатор овалсимон шаклни чиздириб машқ қилдириш.

Иккинчи вазифа. Ўқувчиларга зангори қалам билан овал шакли ичига ҳар хил масофада таёқчалар чизиб чиқишни топшириш.

Ҳар бир таёқча олма шаклининг ўрта қисми, яъни унинг ўнг ва чап томонлари вазифасини бажаради. Олма шаклининг ташқарисига ҳам кичик таёқча чизилади, бу эса унинг банди ҳисобланади:



Тайёргарлик машқларини бундай ташкил этиш ўқувчиларни авторучка билан ёзишга тайёрлашда катта роль ўйнайди. Аммо тайёргарлик даврида ўқувчилар ёзувга тааллуқли бўлган ҳамма малакаларни тўлиқ ҳосил қилдилар деб бўлмайди. Шунинг учун айрим тайёргарлик машқларини ҳарфларни ўргатиш даврида ҳам олиб бориш мумкин. Масалан, кичик у ҳарфини ёздиришга ўргатишда унинг иккинчи таги тугунчакли элементи боғланишида қийналишлари мумкин.

Юқорида кўрсатилган тайёргарлик машқларини ўқитувчи ўқувчиларнинг кучига қараб бир оз соддалаштириши ёки, аксинча, мураккаброқ қилиб олиши мумкин.

«Ёзув дафтар»ларида ҳарфларнинг энг кўп қўлланиладиган асосий элементлари билан таништирувчи материаллар билан бирга элементларни қўшиб ёзиш учун мўлжалланган айрим машқлар ҳам берилган. Бу машқлар ўқувчиларнинг қўл ҳаракатини узмасдан қўшиб ёзишларида катта роль ўйнайди.

Айрим машқларда ҳарф элементлари нуқталар билан қўшиб берилган, бундай ишлар ўқувчиларнинг чамалаш қобилиятларини ўстиришда катта ёрдам беради.

«Ёзув дафтар»ларидаги машқларнинг кўпчилигида элементлар аралаш берилади, чунончи, бир қаторда кичик таёқча, чўзинчоқ доира шакли ва бошқалар.

Ўқувчилар учун таниш бўлган элементларни бундай аралаш қилиб бериш уларни ёзувга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди, чунки бир қатор ёзувда бир неча хил элемент такрорланади. Машқларни бундай тузиш такрорлаш вазифасини ҳам бажаради.

Ёзув дафтарида намуналар берилган бўлса ҳам синфда ҳуснихат машқлари ўқитувчи томонидан доскада ёзиб кўрсатилган намуналар асосида олиб борилади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчидан ҳарф шаклининг ёзилишини яхши билиш талаб этилади.

Ёзув дафтарида берилганлар билан ўқитувчининг ёзиб кўрсатган намунаси ўртасида фарқ бўлмаслиги керак.

Ўқитувчи янги материални тўлиқ тушунтириб бергач, шу материални ёзув дафтаридан қараб ёзишга рухсат этади. Ўтилмаган ҳарф элементи ёки ҳарфни мустақил ёзишга рухсат этилмайди.

Алифбегача ва алифбе даврларида ёзув дарсларини ташкил этиш.

Ўқувчилар алифбега тайёргарлик даврида айрим машқларни бажарган бўлишларига қарамай, ўқитувчи навбатдаги дарсни эълон қилиши билан бирга ёзув қуроллларини қайта текшириб чиқиши ҳамда қуйидаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйиши лозим:

1. Бармоқ ва қўл мускулларининг ҳаракатини ўстирувчи гимнастика машқларини ўтказиш.

2. Доскага машқни ёзиб кўрсатиш ва асосий диққатни қаерга жалб этишни тушунтириш. (Айрим ўқувчилар ҳарфни қандай ёзишни айтиб беришлари мумкин.)

3. Ёзув дафтарларидан фойдаланиш ва ёзишни қаердан бошлашни тушунтириш.

4. Партада тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш, дафтарни тўғри тутиш қоидаларини эслатиб ўтиш.

5. Ҳар бир қаторга нечта ҳарф ёзишни тушунтириш, ўқувчиларнинг ёзувини мунтазам кузатиб бориш.

6. Ишнинг биринчи қисми тугагандан сўнг (ўқитувчининг саволига қараб) ўқувчиларнинг ёзувларини доскада намуна билан солиштириб, йўл қўйган хатоларини топишга ўргатиш.

7. Топшириқни қайта тушунтириш орқали ўқувчилардаги камчиликларни йўқотиш.

8. Жисмоний машқ дақиқаларини ўтказиш.

9. Кўз билан дафтар орасидаги масофани тўғри сақлашга ўргатиш.

10. Ҳар бир машқни бажаришда уни таҳлил қилиш зарур бўлса, қўшимча кўрсатмалар бериш.

Юқорида кўрсатилган талабларни ўқитувчи доим амалда қўллаши лозим. Шу билан бир қаторда, бу даврда ўқувчиларни аста-секин ёзув дафтаридан тўғри фойдаланишга ҳам ўргатиб бориш зарур. Ўқитувчининг кўрсатмасига биноан, ўқувчи дафтардан зарур машқни топиши ва бажариши лозим. Алифбегача бўлган даврдан бошлаб ҳарф ва унинг элементларини бир хил баландликда, қияликда ва қалинликда ёзишга қаратилади.

Кўчириб ёзиш машқлари учун эса айрим ҳарф элементлари эмас, балки алоҳида группалар берилади.

Алифбегача бўлган даврда бу талабларни амалга оширилиши алифбе даврида дарсни янада самаралироқ олиб бориш учун имконият яратади.

Алифбе даврида ўқувчилар нутқ товушлари билан амалий танишадилар, сўз тузишга, сўз ва гапларни ўқишга ҳамда айрим элементлар, ҳарфлар иштирокида сўз ва гапларни ёзишга ўрганадилар. Алифбе даврида болаларни ёзишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Бу даврда ўқувчиларга ҳарф ва унинг элементлари алифбе китобида кўрсатилган тартибда ўргатилади. Ўқувчиларга вақт-вақти билан ёзув гигиенаси қоидаларини эслатиб туриш лозим, чунки айрим ўқувчилар ёзув билан машғул бўлиб, ёзув гигиенаси қоидаларини унутиб қўядилар.

Алифбе даврида бажариладиган асосий график ишлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Қичик ва бош ҳарфларни алифбе тартибида ёзиш.
2. Бўғин ва сўзларда ҳарфларни қўшиб ёзиш.
3. Қўл ҳаракатини узмай ёзишга ўргатиш.
4. Ҳарфларнинг қиялигини ва энини тўғри сақлашга ўргатиш.

Ўқитувчилар айрим ҳарфларнинг элементини нотўғри ёзаётган ўқувчиларга шу элементнинг тўғри ёзилишини кўрсатиб бериши лозим. Бу даврда ўқувчиларда ҳарфларни тўлиқ ёзмаслик ёки алмаштириб ёзиш каби хатоларни аниқлаш мумкин. Алифбе даврида ўқувчиларнинг ёзаётган матнларини уч хил йўл билан таҳлил қилиш мумкин:

а) сўзларнинг таркибини аниқлаш;
б) сўзларнинг маънавий томонини аниқлаш;
в) машқларнинг график тасвири устида ишлаш.

Шунинг учун ҳам «Ёзув дафтар»идаги машқларнинг жойланиши «Алифбе» китоби асосида берилган.

Бу машқлар ҳарф, сўз ва гаплардан иборат. Ўқитувчи сўзларни ёздиришга бошлашдан олдин бу ҳарфларнинг бошқа ҳарфлар билан қўшилишини ҳам тушунтириб бериши лозим. Масалан, **ма, ша** бўғинларини ёзишдан олдин кичик **ш, м** ҳарфларини кичик **а** ҳарфи билан қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзишни тушунтиради:



Ёзма алфавитдаги ҳамма ҳарфларни элементларга бўлиб ёзишга рухсат этилмайди, фақат айрим ёзилиш

шакли мураккаб бўлган ҳарфларнинггина элементларини алоҳида ёзиб кўрсатиш ва машқ қилдириш мумкин.

Алифбе даврида ўқувчиларни бўғинлаб ёзишга, кейинроқ эса сўзларни бир бутун қилиб ёзишга ўргатиш лозим.

Айрим ўқувчилар сўзларни ёзишда ҳарфларни алоҳида-алоҳида ёзишга ҳаракат қиладилар, бунга асло йўл қўймаслик керак, чунки ҳарфларни бундай ёзиш натижасида айрим ҳарфларни тушириб қолдирадилар ёки алмаштириб ёзадилар. Бу даврда ўқувчиларни ёддан ёзишга ўргатиш учун қуйидагига ўхшаш саволлар бериб бориш лозим. «Матнни ўқи, унинг ёзилишига қара, эсда тут, доскага қарамай ёз, ўқи, намуна билан солиштириб кўр» ва ҳоказо.

Ёзув дарсларини бундай савол-жавоблар орқали ўтказиш ўқувчиларнинг эсда сақлаш малакаларини ўстиради ҳамда имло хатоларини камайтиради.

Алифбе даврининг охирига келиб, кўпчилик ўқувчиларнинг ёзув малакалари анча мустаҳкамланади, лекин бу билан қаноатланмасдан ёзувга ўргатиш малакасини такомиллаштириб бориш зарур. Аммо айрим ўқитувчилар бу даврда ёзув дарсини ўтиш учун режа тузишда қийналадилар. Шунинг учун қуйида алифбе даврида ўтказиладиган дарснинг тахминий режасини келтирамиз.

Дарс мавзуи. Кичик **р** ҳарфини тўғри ва чиройли ёзишга ўргатиш.

Дарс режаси.

1. Олдинги дарсда «Алифбе» китобидан ўқиган ҳарфни қайтариш.
2. Янги дарс мавзуини баён этиш.
3. Плакат ҳамда кесма алифбе ёрдамида ёзма ва босма ҳарфларни солиштириб кўрсатиш.
4. Кичик **р** ҳарфининг асосий элементлари билан таништириш.
5. Ўқувчиларга **р** ҳарфининг элементлари қўшилиб ёзилишини тушунтириш.
6. Ўқувчиларни ёзувга тайёрлаш: партада тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш қоидаларини плакатдан кўрсатиш.
7. Қўл ва бармоқ мускулларини ўстирувчи машқларни ўтказиш.
8. Кичик **р** ҳарфи иштирок этган сўзларни ёзиш.
9. Кичик **р** ҳарфининг бошқа кичик ҳарфлар билан боғланишини кўрсатиш.

10. Дарсни якунлаб, уйга вазифа бериш.

Дарснинг бориши. Болалар, олдинги дарсда «Алифбе» китобидан қайси товушни ўтган эдик? Шу товуш билан шундай сўз тузингки, у сўзнинг ўртасида, охирида ва бошида келсин (ўқувчилар сўз топадилар). Кесма алифбедан кичик **р** ҳарфини топинг. Мана бу кичик **р** ҳарфининг босма шакли. Энди сизлар билан шу ҳарфнинг ёзилишини ўрганамиз. (Ўқитувчи доскада кўрсатади.) Қаранг, мен қайси томондан бошлаб ёзяпман ва қайси томонга қўлимни йўналтиряпман. (Ўқувчилар диққат билан ўқитувчининг қўл ҳаракатига қараб турадилар.)

Кичик **р** ҳарфи икки элементдан тузилган бўлиб, биринчи элементи узун таёқча шаклида ёзилади. Аммо ёзаётганда ҳар иккала элементни бир-бирига қўшиб ёзамиз, бу ҳарфни ёзишда қўлингизни узмасдан ёзишга ҳаракат қилинг. Қаранг, мен биринчи элементини қандай ёзяпман. Қўлимни дафтарнинг ўрта чизиғидан пастга қараб йўналтираман, пастки текширув (бош ҳарфни чегараловчи) чизиққа сал етказмай яна шу чизиқ бўйлаб орқага қайтаман ҳамда узун таёқчанинг $^3/_2$ қисмига етганда қўлни ўнгга бураман ва иккинчи элементини тушираман.

Бу ҳарфни ёзишда унинг қиялигига алоҳида эътибор беринг. У дафтарнинг сийрак қия чизиғига параллел бўлсин:



Авторучкани чизиқнинг устидан қайта юргизишда уни йўғон қилиб юборманг, чунки ҳарфнинг йўғонлиги бир хил қалинликда бўлиши керак.

Қани болалар, бу ҳарфни ёзишга бошлашдан олдин, ёзув вақтида партада қандай ўтириш лозимлигини айтиб беринг-чи? Оёғимиз қаерда туриши керак? Гавдани қандай тутамиз? (Ўқувчилар жавоб берадилар.) Ручкани қайси бармоқларимиз билан ушлаймиз? Кўрсаткич бармоғимиз қаерда туради? Авторучкани қандай ушлаётганимизни текшириб кўрамиз. «Бир» деганда

кўрсаткич бармоғимизни кўтарамиз, «икки» деганда туширамиз.

Энди дафтарларимиз тўғри турганлигини текширамиз. Дафтарнинг четки қирраларини партанинг устидаги қия чизиққа тўғрилаб оламиз. Ҳарфни ёзишга бошлаймиз. Сиз ҳам ҳарфларни дафтарингизда кўрсатгандек қилиб бир текис ёзинг. Бир қаторга 10 тадан ортиқ ҳарф ёзманг, ундан кўп ёзсангиз ҳарфлар зичлашиб, ёзувингиз хунуклашади.

Шундан кейин ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзувларини текшириб чиқиб, зарур бўлса тегишли кўрсатмаларни беради, ўқувчилар яна икки қатор ёзиб машқ қиладилар.

Ўқувчилар кичик **р** ҳарфини ёзиш малакасини эгаллаб олганларидан кейин *ари, арра, анор, шар* каби сўзлар ёздирилади.

Ўқувчиларга сўзларни ёздиришдан аввал ўқитувчи доскада уларнинг боғланишини кўрсатиб беради ва кичик **р** ҳарфининг ўзидан олдин ва кейин келган ҳарфлар билан қандай қўшиб ёзилишини эслатиб ўтади.

Алифбедан кейинги даврда чиройли ёзув дарсини ташкил этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ўқув йилининг IV чорагидан бошлаб ҳафтада бир марта ҳуснихат учун алоҳида дарс соати (35 мин.) ажратилади. Бу давр болаларнинг ёзув малакалари шаклланишида муҳим роль ўйнайди, чунки ҳуснихат машқлари она тили дарслари билан бир вақтда олиб борилади.

Аммо алифбедан кейинги даврда ёзувга ўргатиш шароитлари бир оз ўзгаради, чунки ўқувчилар энди ёзув дафтарида эмас, балки оддий икки чизиқли дафтарда ёзиб машқ қиладилар. Улар энди кўпроқ ўқитувчи томонидан кўрсатилган намуналарга суянадилар. Бу даврда ўқувчиларга алифбе даврида яхши ўзлаштирилмаган ва ёзилиши мураккаб бўлган ҳарфлар устида машқ ўтказилади. Айниқса, ёзилиши мураккаб бўлган кичик **ш, м, т, қ, а, в, ч, з, д, б** ҳарфлари ва катта **П, Т, Н, Қ, В, З, Д** ҳарфларини кўпроқ ёздириб, машқ қилдириш лозим.

Бу даврда чиройли ёзув дарсларининг режасини қуйидагича тузиш мумкин:

Биринчи дарс. Қичик ва катта **иИ, шШ, лЛ, мМ** ҳарфларини таққослаб ёзиш, уларнинг бир-бирига нисбатини аниқлаш, шу ҳарфлар иштирокида сўз ва бўғинларни ёзиб машқ қилиш;

Иккинчи дарс. Қичик **к, қ, ч, в** ва катта **Қ, Н** ҳарфларини ёзиб машқ қилиш;

Учинчи дарс. Қичик **п, ғ, р, т** ва катта **П, Т** ҳарфларини ёзиб машқ қилиш;

Тўртинчи дарс. Қичик **е, ё, а, б, д** ва катта **Д, Ю** ҳарфларини ёзиб машқ қилиш;

Бешинчи дарс. Қичик **з, ф** ва катта **В, З, Е** ҳарфларини ёзиб машқ қилиш.

Бу даврда чиройли ёзув дарсларининг мазмуни савод ўргатиш давридагига нисбатан ёзув малакаларини янада кучлироқ шакллантириб боришга қаратилади. Аммо 6—7 ёшли болаларнинг қўл ва бармоқ мускулларини чарчатиб қўймаслик керак. Шунинг учун ҳар бир ёзув дарсида 2—3 марта жисмоний машқ минутлари ўтказилиши лозим. Машқлар ўтирган ва турган ҳолатда ёки музика садолари остида ўтказилиши ҳам мумкин. Бундай машқлар ўқувчиларнинг кайфиятини кўтаради ҳамда ишлаш қобилиятини тиклайди.

Бу даврда чиройли ёзув дарсларида турли кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам яхши натижалар беради.

Шундай қилиб, чиройли ёзув дарси гигиеник ҳамда методик талабларга жавоб бериши зарур.

Биринчи синфда барча кичик ва бош ҳарфларнинг ёзилиш қоидаларини ўқувчилар тўла ўзлаштириб олганларидан сўнг намуна сифатида айрим кичик матнларни ёздириб, тиниш белгиларини қўллашни машқ қилдириш лозим.

Тиниш белгиларининг ёзилиши.

1. Нуқта **(.)** ёзма ва босма матнларда дафтар чизиғининг устига думалоқ шаклда қўйилади:



2. Сўроқ (?) белгиси ярим доира шаклида ёзилиб, пастга қараб тўғри чизиқ шаклида тушади. Тўғри чизиқнинг тагидаги нуқта дафтар чизиғининг устига қўйилади:



3. Ундов (!) белгиси тўғри таёқча ва нуқтадан иборат бўлиб, тўғри таёқчанинг тагидаги нуқта дафтар чизиғининг устига қўйилади:



4. Кўп нуқта (...) дафтар чизиғининг устига қўйилади. Кўп нуқта сўроқ ва ундов белгисидан кейин қўйили-

ши керак бўлса, сўроқ ёки ундов белгисидан кейин фақат икки нуқта қўйилади:



5. Вергул (,) нуқта билан бошланиб, унинг нуқтаси дафтар чизиғининг устида, кичик чизиқчаси эса чизиқдан пастга тушади:



6. Нуқтали вергулнинг (;) нуқтаси вергулнинг устига қўйилади:





7. Икки нуқта (:) дафтар чизиғининг устига бир томонга қияроқ қилиб қўйилади:

8. Тире (—) тиниш белгиси — чизиқчадан (дефис) узунлиги билан фарқ қилади. Бу белги дафтар чизиғидан бир оз юқорига қўйилади:



9. Дефис (-) тиренинг учдан бир қисмича бўлиши керак:

Қанотли йўқ, учади,
Дала-қирни қучади.

10. Қавс / () / ёзувда тиниш белги сифатида ишлатилади. Очиладиган ва ёпиладиган қавслар ярим ёй шаклида ёзилади. Кичик қавснинг учдан бир қисми дафтар чизиғининг тагига тушиб туради:

Имлони (ҳарф сиз
ҳам тасвирлаб) —
ишлоатчи қиз.

11. Қўштирноқ („ “) қўшалоқ вергулга ўхшаб очилади ва ёпилади.

Биз „Москва“ совхозида ишлайдилиз.

Ҳар бир тиниш белги ҳарфларнинг шаклига, бўйи, катта-кичиклигига мос бўлиши керак.

Математик рақамларни ёзиш.

Математика дарсларида бериладиган топшириқ ва масалаларда рақамларни тўғри ва чиройли ёзишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Математика дафтарида ёзув машқлари бажаришда ўқитувчи болаларда чарчаш аломатлари сезилиши биланоқ, бармоқ мускулларини ўстирувчи жисмоний машқларини бажартириши лозим.

Кичик ёшдаги болаларнинг бармоқ ва қўл мускуллари яхши ривожланмаганлигини ҳисобга олиб, оддий катак дафтарга (5×5 *мм*) ёздириш мумкин эмас, шунинг учун олти ёшли биринчи синф ўқувчилари учун чиқарилган «Математика дафтари»дан фойдаланилади. Бу дафтарда катаклар 1,5 марта катта, яъни 7×7 *мм* ўлчамда берилган. Бундай катаклар ичида рақамларни ёзишга ўргатиш ва бошқа математик ёзувларни бажариш анча осон.

Ўқувчиларни рим рақамларини ёзишга ўргатиш жараёнида кўзланган мақсадга эришиш учун ёзув машқларини тўғри ташкил қилиш ва унинг услубларидан тўғри фойдаланиш асосий омиллардан биридир. Болаларни рақамларни тўғри ёзишга ўргатишда мустақил ва амалий ишларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки ўқувчилар ҳарфларни бўяш, катакларга жойлаштириш орқали ҳам ёзув малакаларни эгаллашга ўрганадилар.

Ёзув машқларига ўхшаш математик рақамларни ёзиш учун ҳам қатор тайёргарлик машқларини ўтказиш лозим. Бунда ўқитувчи ҳар бир рақам катак ичида қандай жойлашишини, қандай элементлардан иборат эканлигини, ёзилиш ҳаракатини доскада кўрсатиб бериши, ҳар бир рақам катак ичида тўлдириб ёзилиши ва қияликларини ҳисобга олади.

Ҳар бир катак тик ва кўндаланг чизиқларнинг кесишишидан ҳосил бўлади. Болаларга ҳам тик ва кўндаланг чизиқлар мавжудлигини айтиб, айрим элементларни ёзишда «тик» ва «кўндаланг» чизиқларга эътибор беришлари эслатиб турилади.

Математика дафтарига рақамларни ёзишдан олдин қуйидаги тайёргарлик машқларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир:



Бу машқлар болаларнинг қўл ҳаракатини ўстириш билан бирга, уларни катаклар орасини чамалаб ёзишга ўргатади.

Болалар билан тайёргарлик машқларни ўтказиш вақтида катакларнинг «ўнг» ва «чап» томонлари «пастки», «устки», «кўндаланг» чизиқлар, «тик» чизиқлар ҳақида ҳам тушунчалар бериб борилади.

Болалар билан катакларни тенг бўлакларга бўлиш, катакларнинг ўртасини топиш учун қуйидагича машқларни ўтказиш лозим:



Бу машқлар болаларга айириш, қўшиш, тенглик белгиларини тўғри ёзишга ёрдам беради.

Тайёргарлик машқлари тугагандан сўнг ўқувчиларни рақамлар ёзишга ўргатилади.

Рақамларни тўғри ёзиш учун қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

1. Ҳамма рақамлар катаклар ичида тўлдирилиб, бир томонга қия қилиб ёзилади.

2. Рақамларнинг эни баландлигининг 2/3 қисмида ёзилади.

3. Ҳар бир рақамни ёздиришдан олдин у қандай элементлардан тузилганлигини ва ёзилиш ҳаракатларини доскада амалий кўрсатиб берилади.

4. Намуна тарзида ёзиб кўрсатилаётган рақам доскада катта ҳажмда бўлиб, ҳар бир ўқувчига кўриниб туриши лозим.

5. Ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмаси асосида ҳавода машқ қилганларидан сўнг ёзишга рухсат этилади.

6. Ўқувчиларнинг ёзган рақамларини ўқитувчи мунтазам кузатиб, тегишли ёрдам бериб бориши зарур.

Айрим ёш ўқитувчилар рақамларни ёзиш қоидаларини ўзлари ҳам билмасликлари мумкин, шунинг учун биз қуйида рақамларни қандай ёзилиш қоидаларини кўрсатиб ўтамиз.

1— рақами икки «таёқча»дан иборат бўлиб, узун таёқча дафтар катагининг юқори бурчагидан пастки кўндаланг чизиқнинг ўртасигача қия қилиб туширилади. Кичик таёқча билан узун таёқча қўл ҳаракатини узмасдан бир бутун шаклда ёзилади.

2— рақами ёзувдаги сўроқ белгисига ўхшаш бўлиб, бир бутун шаклда ёзилади, пастки тўлқинсимон чизиғи дафтар пастки чизиғининг устида жойлашади. Уни тугунча ёки тўғри чизиқ шаклида ёзиш мумкин эмас.

3— рақами икки элементдан, устки ва пастки ярим чизиқлар ҳамда доиралардан иборат бўлиб, қўл ҳара-

кати узилмай бир-бирига боғлаб ёзилади. Устки ярим чўзинчоқ доира элементи дафтар чизиқларига доирадан кичикроқ ёзилади. Бу рақамни ёзишда унинг қиялигига эътибор бериш лозим.

4— рақами уч элемент «таёқча»лардан иборат бўлиб, учинчи таёқчани ёзишда қўл ҳаракати узилади. Унинг биринчи таёқчаси дафтар катагининг юқори чизиғи ўртасидан бошланиб, бир томонга қия ҳолатда катакнинг ўртасидан бир оз пастроққа туширилади ва ўнг томонга қўл ҳаракатини узмасдан кўндаланг чизиқ чизилади.

5— рақами уч элементдан иборат бўлиб, биринчи кичик ярим ёй шаклидаги элементи ёзилади, сўнгра кичик таёқча ва ўнг ярим доира шаклидаги элементлари қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади.

6— рақами бир бутун шаклда ёзилади, у чап ярим чўзинчоқ доирадан иборат.

7— рақами уч элементдан иборат бўлиб, кичик тўлқинсимон чизиқ, узун тўғри таёқча ва кичик кўндаланг чизиқдан иборат. Кичик кўндаланг таёқча, узун таёқчанинг тенг ўртасида бўлиши шарт.

8 — рақами, кичик ва катта чўзинчоқ доиралардан иборат бўлиб, бир бутун шаклда қўл ҳаракатини узмай ёзилади.

9— рақами кичик чўзинчоқ доира ва ўнг ярим чўзинчоқ доирадан иборат бўлиб, бир бутун шаклда ёзилади.

0— ноль алфавитдаги **о** ҳарфи шаклида қуйидагича ёзилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча қоидаларни ўқитувчи кундалик дарс жараёнида ўқувчиларга эслатиб, кўрсатиб бориши лозим.

Ҳар бир ўқувчи рақамларни қаердан бошлашини, катак ичида қандай жойлаштириш, қаерда тугашини

яхши ўрганиб олган тақдирдагина хатога йўл қўймайдилар.

Ўқувчилар оддий катак дафтарга ўтганларидан сўнг рақамларнинг ҳажми майдалашиб боради, чунки мисол ва масалаларни ечишда рақамлар бир-бири билан қўшилиб кетмаслиги керак. Шунинг учун рақамларни катак дафтарнинг кўндаланг чизиғи устида ёзиш машқ қилдирилади.



Математика дарсларида ҳам ёзувнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун умумий методик, гигиеник ва каллиграфик талаблар қўйилади. Мактаб дастурида кўрсатилгандек, болаларнинг ҳар бир ёзуви тоза, аниқ ва чиройли бўлиши керак.

Бу талабни ҳар бир ўқувчи яхши билиши ва эсдан чиқармаслиги керак, шундагина ислоҳот талаблари асосида иш олиб борган бўламиз.

Биринчи синфга оид барча қоидалар амалга оширилгандан сўнг, уларнинг ёзув каллиграфиясини текширишда мустақил ёзиш учун берилган машқлар намунасидан фойдаланиш лозим. Бу машқлар ўқувчиларнинг йил давомида олган билим ва малакаларини текширишда катта ёрдам беради.

Қуйида мустақил ёзиш учун машқлар матнини тавсия этамиз.

ИККИНЧИ СИНФДА ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Бу синфда чиройли ёзув малакаси биринчи синфга нисбатан анча кенг ва чуқур ўргатилади. Шунинг учун ҳам йил давомида ҳуснихат учун 34 соат ажратилади.

Бунинг асосий сабаби, ўқувчиларнинг I синфда чиройли ёзувдан олган билим ва малакалари ёзги таътилда анча эсдан чиқади. Шу билан бирга, ўқишнинг биринчи кунидан бошлаб улар она тили дарслигидан фойдаланишга киришадилар. Бу дарсликда ҳуснихат малакасини шакллантириш учун ҳеч қандай кўрсатма берилмаган.

Иккинчи синфда чиройли ёзув дарсларини ташкил этишда алфавитдаги барча ҳарфларни гуруҳларга ажратиб ёзиш талаб этилади.

Шунингдек, иккинчи синфда чиройли ёзув малакасини шакллантириш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. Партада тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш, дафтарни тўғри тутиш.
2. Ўқувчиларда чиройли ёзишга қизиқишни уйғотиш.
3. Ҳуснихат дарсларини саноқ-оҳанг усуллари ва жисмоний машқлар билан боғлаб олиб бориш.
4. Ўқувчиларнинг чамалаб ёзиш қобилиятларини ўстирувчи машқларни бажартириш.
5. Қўл ва бармоқ мускуллари ҳаракатини ўстирувчи машқларни бажартириш.
6. Ҳарфларни қўл ҳаракатини узмасдан, боғлаб ёзишга ўргатиш.
7. Кичик ва бош ҳарфларни гуруҳларга ажратиб ёзишга ўргатиш.
8. Хато ёзилган ҳарфлар устида машқ ўтказиш.
9. Доскага ёзиб машқ қилиш.

Ҳуснихат машғулотларини ташкил этиш учун ҳар бир ўқитувчи юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни бажариши ва унга амал қилиши лозим.

Қуйида биз иккинчи синфда ўтказиладиган бир соатлик чиройли ёзув дарсининг намунасини келтирамиз. Қолган дарсларнинг эса қисқача мазмунини ва ўтказиладиган ҳарфларнинг гуруҳини кўрсатиб ўтамиз. Ушбу дарс намунасидан ўқитувчилар бошқа мавзуларни ўтишда ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мавзу. Кичик м ҳарфини ёзишга ўргатиш.

Мақсад. Ўқувчиларни кичик м ҳарфини тўғри ва чиройли ёзишга ўргатиш.

Дарсни жиҳозлаш. «Ёзиш вақтида тўғри ўтир!» ном-

ли плакат, кичик **м** ҳарфининг ёзилиш қоидалари катталаштириб кўрсатилган жадваллар.

Дарснинг режаси:

1. Дарснинг ташкилий қисми.
2. Чиройли ёзув қоидалари ҳақида суҳбат.
3. Панжа ва бармоқ мускулларининг ҳаракатини ўстирувчи машқлар.
4. Кичик **м** ҳарфининг элементларини доскада ёзиб кўрсатиш.
5. Кичик **м** ҳарфининг ёзма ва босма шаклларини таққослаб кўрсатиш.
6. Ҳарфларнинг шаклини дафтарга ёздириш.
7. Бадантарбия ўтказиш.
8. Кичик **м** ҳарфини қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзишга ўргатиш.
9. Кичик **м** ҳарфининг бошқа ҳарфлар билан боғланишини машқ қилиш.
10. Уйга вазифа бериш.
11. Яхши ёзган ўқувчиларнинг ишларини кўрсатиш ва рағбатлантириш.

Дарснинг бориши:

1. Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсга тайёргарликларини, ҳар бир ўқувчининг олдида дафтар, авторучка борлигини текшириб, ёзув дафтарларини ҳам кўриб чиқади.
2. Синфга осиб қўйилган «Ёзиш вақтида тўғри ўтир!» номли плакатдан фойдаланиб, ўқувчиларнинг ўтиришларини текшириб чиқиш, парта устидаги қия чизиқларга дафтарнинг ҳолатини тўғрилаб олиш.
3. Ўқувчиларга бармоқларнинг ҳаракатларини ўстирувчи машқлар бажартирилади. Бундай машқларни партада ўтирган ҳолда бажартириш мумкин. Чунончи, қўлларимизни олдинга узатиб, бармоқларимизни ҳаракатлантирамиз. Бир деганда, бармоқларимизни очамиз, икки деганда, бармоқларимизни ёпамиз. (Бу машқ 6—7 марта такрорланади.)

Бу синфда бадантарбия дақиқаларини ўтказиш таълим-тарбия, гигиена вазифаларини бажарибгина қолмай, балки болаларнинг жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишига, қадди-қоматининг тўғри ва эркин шаклланишига ёрдам беради.

4. Бугун кичик **м** ҳарфини ёзишни машқ қиламиз. Ўқитувчи доскада кичик **м** ҳарфи катталаштириб чизилган плакатдан фойдаланиб, унинг элементларини

ва қандай ёзилишини тушунтириб беради. Шундан сўнг **м** ҳарфини доскага ёзиб кўрсатади. Ўқувчилар эса унинг ёзилишини диққат билан кузатадилар. Ўқитувчи доскада ҳарф элементларини тушунтириш билан бирга, унинг бир бутун шаклда ёзилишини ҳам эслатиб ўтади.

5. Ўқитувчи босма ва ёзма **м** ҳарфини бир-бири билан солиштириб кўрсатади. Ўқувчиларга кичик **м** ҳарфининг босма ва ёзма шаклларини бундай таққослаб кўрсатишнинг аҳамияти катта, чунки кўпчилик ўқувчилар айрим ҳарфларни китобдаги босма шаклига ўхшатиб ёзишга ҳаракат қиладилар.

6. Ўқитувчи кичик **м** ҳарфининг биринчи элементини яна қайта доскада кўрсатиб беради.

Шундан сўнг ўқувчиларга дафтарларида қизил сиёҳ билан ёзиб кўрсатилган шу элементни топиб, унинг давомидан ёзиш кўрсатилади.

Бу ҳарфни ёзишда пастдан юқорига қия чизиқча чизилади, юқоридан пастга кичик таёқча туширилади ва қўл ҳаракатини узмасдан туриб яна таги илмоқли иккинчи кичик таёқча туширилади.

7. Ўқувчиларни команда билан турғазиб, олдин ўрганилган бадантарбия машқларидан 2—3 тасини бажартирилади. Бу машқлар 2—3 дақиқадан ошмаслиги керак. Машқ тугагандан сўнг яна ёзув машқлари давом эттирилади.

8. Ўқитувчи доскада кичик **м** ҳарфининг элементларга ажратмай, бир бутун шаклда ёзилишини кўрсатиб беради. Ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмасига мувофиқ ёзишни давом эттирадилар.

9. Болаларга кичик **м** ҳарфининг бир неча кичик ҳарфлар билан боғланиши кўрсатиб берилгандан сўнг ўқувчилар ўз дафтарларида машқ қиладилар.

10. Уйга вазифа. Дафтарга икки қатор **м** ҳарфини ва шу ҳарф билан боғланган сўзларни ёзиб келиш топширилади. Ўқитувчи уй вазифаларини бажариш вақтида ҳам ёзув қоидаларига қатъий амал қилиш лозим эканлигини эслатиб ўтади.

11. Дарс жараёнида тоза ва чиройли ёзган ўқувчиларнинг дафтарлари намуна қилиб кўрсатилади, рағбатлантирилади ва шундай чиройли, тоза ёзиш зарурлиги уқтирилади.

Ҳуснихат машғулотларини юқори кўрсатилгани каби уюштириш чиройли ва тўғри ёзиш малакасини ҳосил

қилиш, ўқув предметларини пухта ўзлаштиришга ёрдам беради. Қуйида биз II синф ўқувчилари билан йил давомида олиб бориладиган машғулотларни алоҳида дарсларга ажратиб кўрсатамиз.

1-дарс. Кичик **и, й, ш** ва катта **И, Й, Ш** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **и** ҳарфини ёзиш учун дафтар чизиғидан пастга қараб кичик таёқча туширамиз ва уни пастки чизиққа етказмай туриб, ўнгга бурамиз ва юқорига қараб давом эттирамиз. Бу ҳарф элементларини икки марта қўшиб ёзсак, кичик **и** ҳарфи ҳосил бўлади, уч марта қўшиб ёзсак, кичик **ш** ҳарфи ҳосил бўлади.

Бу ҳарф элементларини қўл ҳаракатини узмасдан қўшиб ёзиш таъкидлаб ўтилади:



Кичик **и** ва **ш** ҳарфларини бир-бирига боғлаб ёзишда, ҳарф элементлари орасидаги масофага нисбатан ҳарфлар орасидаги масофани кенгроқ олиш лозим, акс ҳолда, уларни ўқиш қийин бўлади.

Масалан:



Кичик **й** ҳарфи кичик **и** ҳарфи шаклида бўлиб, устига кичик ёй шаклидаги элемент қўйилади. Бу элементни қўйишда қўл ҳаракати мажбуран узилади. Сўзларни ёзишда ёзув тезлигини пасайтирмаслик учун ёй шаклидаги элементи кейинроқ қўйилади:

И, Й, Ш каби бош ҳарфлар ҳам қўл ҳаракатини узмай боғлаб ёзишга мўлжалланган. Бу ҳарфлар ўлчам жиҳатидан кичик ҳарфларга нисбатан икки баравар катта қилиб ёзилади.

Катта **И** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, биринчи элементи ҳам усти, ҳам таги илмоқли узун таёқча шаклидан, иккинчи элементи эса таги илмоқли узун таёқча шаклидан иборат:



Катта **И** ҳарфининг устига кичик ёй шаклидаги элементни қўйсак, катта **Й** ҳарфи ҳосил бўлади. **Й** ҳарфининг ёй шаклидаги элементи сўзни ёзиб бўлгандан сўнг қўйилади:



Катта **Ш** ҳарфи уч элементдан, яъни таги ҳам, усти ҳам илмоқли узун таёқча шаклидан ва иккита таги илмоқли узун таёқча шаклидан иборат. Бу ҳарф элементларга ажратилмай бир бутун шаклда боғлаб ёзилади:



2-дарс. Кичик **п, т, р, г, ғ** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **п** ҳарфи икки элемент, кичик тўғри таёқча, таги ва усти илмоқли кичик таёқчадан иборат бўлиб, қўл узмасдан қўшиб ёзилади:

т, пахта, ип

Кичик **т** ҳарфи уч элементдан: кичик тўғри таёқча, усти илмоқли кичик таёқча ва таги ҳам, усти ҳам илмоқли кичик таёқчадан иборат бўлиб, бир бутун шаклда ёзилади:

т, тил, катта

Кичик **р** ҳарфи икки элементдан, яъни узун таёқча, усти ва таги илмоқли кичик таёқча шаклларидан иборат. Бу ҳарфни ёзиш учун қаторлар орасининг ўртасигача узун таёқча туширамиз, кейин қўл ҳаракатини узмай туриб, узун таёқча бўйлаб юқорига кўтарамиз ва қаторлар орасининг учдан бир қисмидан қўлни ўнгга бурамиз, ҳам таги ва усти илмоқли элементини туширамиз:

р, тир, арра

Кичик **г** ҳарфининг ҳам таги ва усти илмоқли кичик таёқчадан иборат бўлиб, унга кичик кўндаланг таёқча шаклидаги чизиқчани қўшсак, кичик **ғ** ҳарфи ҳосил бўлади:

г, гул, газ

ғ, ғўза, ғунча

3- д а р с. Кичик **л, м** ва катта **Л, М** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **л** ва **м** ҳарфлари бир-бирига ўхшаш бўлиб, уларнинг элементлари қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади. Айниқса, бу ҳарфнинг биринчи элементини машқ қилдиришда ўқувчиларнинг диққати унинг қия-

лигига жалб қилиниши зарур, чунки бу элементнинг қиялиги бошқа ҳарфларнинг қиялигидан фарқ қилади:

л лола, лампа

м майка, олма

Катта **Л** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, ёзилиш шакли кичик ҳарфдан фарқ қилмайди. Аммо унинг баландлиги кичик ҳарфдан икки баравар катта ва узун қилиб ёзилади:

Л Л, Лола

Катта **М** ҳарфи уч элементдан иборат бўлиб, бу ҳарф ҳам кичик **м** ҳарфига ўхшаб боғлаб ёзилади. Кичик **м** ҳарфидан фақат ўлчами билан фарқ қилади:

м М Москва

4- дарс. Кичик **я** ва катта **А, Я** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **я** ҳарфи элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади ва бошқа ҳарфлар билан ҳам осон боғланади:

я янги, ялпиз

Катта **Я** ҳарфи ҳам кичик **я** ҳарфига ўхшаш элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади:

я Я Яйла

Катта **А** ҳарфи элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади. Бунинг учун дафтар чизиғининг сал юқорисига ручканинг учини қўйиб (аммо нуқта ҳосил бўлмаслиги керак), пастки чизиққача ярим ёй шаклида туширилади. Уни ҳарф қиялигига нисбатан ҳам ётиқроқ қилиб, юқорига давом эттирилади ҳамда дафтарнинг юқори чизиғига етказмай туриб (тахминан 1 *мм* масофада) пастга 65 градус қияликда тўғри таёқча элементи туширилади ва қўл ҳаракатини узмай туриб, шу чизиқ бўйича яна юқорига кўтариб, тугунчакли элементи ёзилади:



5- д а р с. Қичик **у, ў, ц** ва катта **Ц** ҳарфларини ёзиш.

Қичик **у** ҳарфи икки элементдан тузилган бўлиб, биринчи элементи таги илмоқли кичик таёқча шаклидан, иккинчи элементи эса тугунчакли узун таёқча шаклидан иборат:



Қичик **у** ҳарфининг устига кичик ёй шаклидаги элементни қўйсак, **ў** ҳарфи ҳосил бўлади. Бу ҳарфнинг ёй шаклидаги элементини қўйишда қўл ҳаракати узилади, шунинг учун ҳам бу элемент **ў** ҳарфи сўзда боғланиб келганда энг кейин қўйилади:



Қичик **ц** ҳарфи кичик **и** ҳарфига ўхшаш бўлиб, тагига кичик тугунчакли элементни қўшиб, бир бутун шаклда қўл ҳаракатини узмай ёзилади:



Катта **Ц** ҳарфининг биринчи ва иккинчи элементлари катта **И** ҳарфи шаклида ёзилади, унга таги кичик тугунчакли элементни қўшсак, **Ц** ҳарфи ҳосил бўлади. **Ц** ҳарфининг тагидаги элементи эса бошқа ҳарфлар билан боғлаш вазифасини бажаради:



6- д а р с. Кичик **ч** ва катта **Ч** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **ч** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, биринчи бошлаш элементи тўлқинсимон шаклда, иккинчи элементи эса таги илмоқли кичик таёқча шаклида ёзилади:



Катта **Ч** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, биринчи элементининг таги ва усти илмоқли таёқчадан, иккинчи элементи эса таги илмоқли узун таёқчадан иборат:



7- д а р с. Кичик **с, е, ё** ва катта **С, Е, Ё** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **с** ҳарфи ярим доира шаклида ёзилади. У ўзидан олдин ва кейин келган ҳарфлар билан қўл ҳаракатини узмасдан боғланади:



Кичик **е** ҳарфи элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади. Кичик **е** ҳарфининг устига икки нуқта қўйилса, кичик **ё** ҳарфи ҳосил бўлади:

Катта **С** ҳарфи ҳам кичик **с** ҳарфига ўхшаш шаклда ёзилади, аммо бу ҳарфни ёзишда бошланиш қисмида нуқта ёки кичик айланачалар ҳосил қилмаслик керак:



Катта **Е** ва **Ё** ҳарфларининг ташқи кўриниши содда бўлса ҳам, ёзилиш техникаси анча мураккаб, чунки бу ҳарфлар қўл ҳаракатини соат стрелкасига қарши юргизишни талаб этади. Бу ҳарфларнинг юқоридаги ярим чўзинчоқ доира шаклидаги элементи пастки ярим чўзинчоқ доира элементига нисбатан кичикроқ бўлиб, улар қўшиб ёзилади:



Катта **Е** ҳарфи устига икки нуқта қўйилса, катта **Ё** ҳарфи ҳосил бўлади:



Нуқталарни чизиқча шаклида қўйишга йўл қўймаслик керак.

8- д а р с. Кичик **о** ва катта **О** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **о** ҳарфи кичик доира шаклида бўлиб, икки хил шаклда ёзилади, агар кичик **о** ҳарфи ўзидан кейинги ҳарфлар билан юқоридан боғланса, қўл ҳаракати узилмайди, агар ўзидан кейинги кичик **л, м, я** ҳарфлари билан боғланса, ёрдамчи улаш элементи орқали боғланади ва қўл ҳаракати узиб ёзилади:



Катта **О** ҳарфи бир бутун шаклда ёзилиб, бошқа кичик ҳарфлар билан ёрдамчи улаш элементи орқали қўл ҳаракати узилиб ёзилади:



9- д а р с. Кичик **а, д, з** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **а** ҳарфи кичик чўзинчоқ доира ва таги илмоқли кичик таёқча шаклидан иборат. Бу ҳарфни ҳосил қилиш учун аввал чўзинчоқ доира, кейин қўл ҳаракатини узмай туриб, иккинчи таги илмоқли кичик таёқча элементи ёздирилади. Бу ҳарф ўзидан олдин ва кейин келган ҳар қандай ҳарф билан қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади:



Кичик **д** ҳарфи икки элементдан иборат: биринчи элементи кичик чўзинчоқ доира шаклида, иккинчи элементи эса кичик **у** ҳарфининг иккинчи элементига ўхшаш ёзилади:



Кичик **з** ҳарфини ёзиш қаторлар орасининг сал пастроғидан бошланади ва кичик ярим чўзинчоқ доира шаклида чизиққа тегизмай иккинчи элементи туширилади:



10- д а р с. Кичик **б** ҳарфини ёзиш.

Кичик **б** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, биринчи элементи кичик доира шаклида, иккинчи элементи эса қўл ҳаракатини узмай боғлаб ёзилади; ўзидан кейинги ҳарфлар билан қўшимча улаш элементи орқали қўл ҳаракати узилиб боғланади:

б бо би бе бу

Кичик **б** ҳарфини ёзишда унинг иккинчи элементининг қиялигини тўғри сақлаш учун қуйидагича ўхшаш машқларни ўтказиш лозим:

б || б || б || б ||

11-дарс. Айириш **-ъ** ва юмшатиш **-ь** белгиларини ёзиш.

Айириш ва юмшатиш белгилари элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади. Аммо бу белгилар сўзнинг бошида ёки ўртасида келишига қараб, боғловчи элементи билан ёзилади. Агар белгилар сўз охирида келса, ёпиқ ҳолда, сўз ўртасида келса, боғловчи элементи билан ёзилади:

ь, ь лагерь, пальто

ъ ъ санъат, аъло

12-дарс. Кичик **в, ф** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **в** ҳарфи элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади. Унинг ёзма шакли икки хил кўринишда бўлиб, кичик **л, м, я** ҳарфларидан олдин келса, ёпиқ ҳолда қўл ҳаракатини узиб, чизиқча билан боғланади, бошқа ҳарфлар билан эса қўл ҳаракати узилмай қуйидагича боғлаб ёзилади:

в ов, ўлчов, ховли

в вагон, чевар

Кичик **ф** ҳарфи уч элементдан: иккита ўнг ва чап чўзинчоқ доира ҳамда узун таёқча шаклидан иборат. Бу ҳарф бир бутун шаклда қўл узмасдан боғлаб ёзилади. Айниқса чўзинчоқ доира шаклидаги элементларнинг бир хил шаклда бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим:



13-дарс. Кичик **н, ю** ва катта **Н, Ю** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **н** ҳарфи элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади. Бу ҳарфни ёзишда кичик **п, т** ҳарфларининг биринчи элементига ўхшаш юқоридан пастга кичик таёқча туширилади ва қўл ҳаракатини узмасдан туриб, шу таёқча бўйлаб яна юқорига (таёқчанинг ярмигача) кўтариб тугунча ҳосил қилинади, кейин тугунчадан юқорига қия чизиқ ўтказиб, тагини илмоқли кичик таёқча билан улаб, пастга туширилади:



Катта **Н** ҳарфини элементларга ажратмасдан, бир бутун шаклда ёзишга ўргатилади. Унинг пастки ва устки тугунчаклари бир хил бўлиши лозим, бири кичик, бири катта бўлса, ҳарфнинг шакли бузилади:



Кичик **ю** ҳарфининг биринчи элементи кичик **и** ҳарфи элементига ўхшаб ёзилади, иккинчи элементи эса чўзинчоқ доирадан иборат. Бу ҳарфнинг элементлари қўл ҳаракатини узмай, қўшиб ёзилади. Бошқа ҳарфлар билан икки хил шаклда боғланади:

Катта **Ю** ҳарфи мураккаб элементлардан тузилган бўлишига қарамай, бир бутун шаклда ёзилади ҳамда бошқа кичик ҳарфлар билан ҳам қўл ҳаракатини узмай, ёрдамчи чизиқча орқали боғланади:



14- д а р с. Кичик **к**, **қ**, ва катта **К**, **Қ** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **к** ҳарфи уч элементдан иборат бўлиб, биринчи элементи кичик таёқча шаклида, иккинчи элементи биринчи элементига боғлиқ ҳолда ёй шаклида, учинчи элементи эса таги ва усти ҳам илмоқли кичик таёқча шаклида ёзилади.

Кичик **к** ҳарфига таги тугунчакли элементни қўшсак, кичик **қ** ҳарфи ҳосил бўлади. Кичик **к** ва **қ** ҳарфлари ҳар қандай ҳарф билан қўл ҳаракатини узмай боғлаб ёзилади:



Катта **К** ва **Қ** ҳарфларининг шакли бир-бирига ўхшаш бўлиб, фақат пастки таги тугунчакли элементи билан фарқ қилади:



15- д а р с. Катта **З**, **В** ҳарфларини ёзиш.

Катта **З** ҳарфининг ёзилиши катта **В** ҳарфининг иккинчи элементига ўхшаш бўлиб, у бир бутун шаклда

ёзилади ва бошқа кичик ҳарфлар билан осон боғланади. Бу ҳарфнинг боғланишида ҳам, ёзилишида ҳам қўл ҳаракати узилмайди:



Катта **В** ҳарфи ҳам элементларга ажратилмай, бир бутун шаклда ёзилади, ўзидан кейинги ҳарфлар билан ҳам осон боғланади:



16-дарс. Кичик **э**, **ж** ва катта **Э**, **Ж** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **э** ҳарфи ўнг ярим чўзинчоқ доира шаклидан иборат бўлиб, ўртадаги чизиқча элементини ёзишда қўл ҳаракати узилади. Бошқа кичик ҳарфлар билан қўшиб ёзилганда ҳам унинг «белбоғи» сўз тугагандан сўнг қўйилади:

Катта **Э** ҳарфининг ёзилиш қоидалари ҳам кичик **э** ҳарфига ўхшаш бўлиб, фақат ўлчами билан фарқ қилади:



Кичик **ж** ҳарфи бешта элементдан иборат бўлиб, ёзишда бир бутун шаклда ёзилади. Унинг ўнг ва чап ярим чўзинчоқ доиралари бир-бирига тенг ва ўхшаш бўлиши лозим:



Катта **Ж** ҳарфи кичик **ж** ҳарфига ўхшаш ёзилади, улар бир-биридан фақат ўлчамининг икки баравар катталиги билан фарқ қилади:



17-дарс. Кичик **х**, **ҳ** ва катта **Х**, **Ҳ** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **х** ҳарфи иккита ўнг ва чап ярим чўзинчоқ доиралардан иборат бўлиб, қўл ҳаракати узилмай ёзилади:



Кичик **х** ҳарфига таги тугунчакли элементни қўшсак, **ҳ** ҳарфи ҳосил бўлади. Бу ҳарфни ёзишда ҳам қўл ҳаракати узилмайди:



Катта **Х** ҳарфи ярим чўзинчоқ доира шаклидаги икки элементдан иборат бўлиб, бу элементлар қўл ҳаракати узилмай қўшиб ёзилади:



Катта **Х** ҳарфига учинчи тугунчакли элементни қўшсак, **Ҳ** ҳарфи ҳосил бўлади. Бу ҳарфнинг тагидаги тугунчакли элементи кичик ҳарфлар билан боғлаб ёзиш учун улаш элементи вазифасини ҳам бажаради:



18- д а р с. Қатта **У, Ў, Ф** ҳарфларини ёзиш.

Қатта **У** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, биринчи элементи таги ва усти илмоқли таёқча шаклидан, иккинчи элементи эса таги илмоқли узун таёқча шаклидан иборат. Унинг элементлари бир бутун шаклда бўлади:



Қатта **У** ҳарфининг устига кичик ёй шаклидаги элементни қўйсак, **Ў** ҳарфи ҳосил бўлади:



Қатта **Ф** ҳарфи уч элементдан иборат бўлиб, улар қўл ҳаракатини узмасдан қўшиб ёзилади. Бунда чап ярим чўзинчоқ доира билан ўнг ярим чўзинчоқ доира элементлари бир-бирига тенг бўлиши керак. Бошқа ҳарфлар билан ёрдамчи улаш элементи орқали боғлаб ёзилади:



19- д а р с. Қатта **Г, Ғ, Р** ҳарфларини ёзиш.

Қатта **Г** ва **Ғ** ҳарфларининг ҳамма элементлари қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади:



Лекин бу ҳарфларнинг элементларини ёзишда ўқувчилар қийналмайдилар. **Г** ва **F** ҳарфлари ўзидан кейинги кичик ҳарфлар билан қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади. Шунинг учун **Г** ҳарфининг иккинчи ҳамда **F** ҳарфининг иккинчи ва учинчи элементлари сўз тугагандан сўнг қўйилади:



Қатта **Р** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади. Бу ҳарфнинг иккинчи элементининг ёзилишини кўпроқ машқ қилдириш лозим. **Р** ҳарфи кичик ҳарфлар билан ёрдамчи улаш элементи орқали қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади.



20- д а р с. Қатта **П, Т** ҳарфларини ёзиш.

Қатта **П** ҳарфи уч, **Т** ҳарфи эса тўрт элементдан иборат бўлиб, бу ҳарфларнинг биринчи элементи **Г, F** ҳарфларининг биринчи элементига ўхшаш ёзилади.

Қатта **П** ҳарфининг иккинчи элементи таги илмоқли узун таёқча шаклидан ва ётиқ ҳолатдаги учинчи элементдан иборат:



Қатта **Т** ҳарфи **П** ҳарфидан ўзининг ўртадаги узун тўғри таёқча шаклидаги элементи билан фарқ қилади:



21- д а р с. Катта **Б, Д** ҳарфларини ёзиш.

Катта **Б** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, иккинчи элементини ёзишда қўл ҳаракати узилади, биринчи элементи кичик ҳарфлар билан боғлаб ёзилади ва иккинчи элементи сўз тугагандан сўнг қўйилади:



Катта **Д** ҳарфини ёзишда қўл ҳаракати узилмайди ва бир бутун шаклда ёзилади. Аммо кичик ҳарфларнинг шаклига қараб унинг улаш чизиғи бир оз ўзгаради:



21- дарсни тугатиш билан ўқувчилар алфавитдаги барча ҳарфларнинг ёзилиши билан тўлиқ танишиб чиқадилар. Энди ўқувчиларни бир чизиқли дафтарга ёздириб машқ қилдирилади.

Ўқувчиларни бир чизиқли дафтарга ёздиришга ўтишдан олдин уларга қуйидаги машқлар бажартирилади:

1- машқ.



2- машқ.



3- машқ.



4- машқ.



Юқорида кўрсатиб ўтилган машқлар ҳарфларни бир хил баландликда ва кенгликда, қўл ҳаракатини узмай боғлаб ёзишда муҳим роль ўйнайди.

Бир чизиқли дафтарда ҳарфларнинг баландлиги ва қиялигини чамалаб ёзишга ўргатиш асосий мақсад қилиб қўйилиши керак. Ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлаш дафтарнинг парта устидаги ҳолатига ҳам боғлиқ. Бу ҳақда биз дафтар тутиш қоидалари бўлимида батафсил тўхталганмиз.

Ҳарфларнинг баландлигини чамалаб ёзишга ўргатилгандан сўнг, ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлашга ёрдам берувчи ҳамда текширувчи қўшимча қия чизиқлар орқали машқ қилдириш мумкин:



Бунда ўқувчилар ҳарфлар ёнидаги таёқчаларга қараб, ҳарфларнинг қиялигини тўғрилаб, ўзларининг ёзувларини текшириб борадилар.

Қатта ва кичик ҳарфларнинг ёзилиш қоидалари биринчи ярим йилда аниқ кўрсатиб ўтилган, шунинг учун ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш техникаси устида тўхталиб ўтмай, бир чизиқли дафтарда ҳарфларнинг жойлашиши, тезлиги, мураккаб боғланишлар, қияликни сақлаш қоидалари, қўл узмай ёзиш, чамалашга ўргатиш, хатолар устида машқ қилиш кабилар устида тўхталиб ўтамиз.

Ўқитувчининг бу даврдаги энг асосий вазифаларидан бири чиройли ёзув учун қўйилган талабларни янада мустаҳкамлашдан иборат. Ҳар бир чиройли ёзув дарсида ўқувчиларнинг партада ўтиришлари, дафтарнинг тўғри туришига, ручкадан фойдаланиш, синфдаги ёруғликнинг қайси томондан тушаётганлиги ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак. Аммо ёзув гигиенаси талаблари бўйича узлуксиз ёзув машғулоти 8—10 минутдан ошмаслиги зарур.

Ўқув йилининг иккинчи ярмида бир чизиқли дафтарга ўтиш муносабати билан олиб бориладиган бир соатлик дарс режасини намуна сифатида келтирамиз.

Дарс мавзуи. Бир чизиқли дафтарда кичик **р, ф, у, д** ҳарфларини ёзиш.

Дарснинг бориши:

I. Дарснинг мақсади.

Элементи чизиқдан пастга тушадиган ҳарфларнинг баландлигини бир хил қилиб ёзишга ўргатиш. Бунинг учун қуйидагига ўхшаш машқларни бажартириш лозим:



II. Кичик **р** ҳарфини тўғри ёзиш қоидаларини такрорлаш:



Бу ерда, асосан, ҳарфнинг қиялигига, ҳарфлар орасидаги масофаларни тўғри сақлашга алоҳида эътибор берилади.

III. Кичик **у, д, з** ҳарфларининг иккинчи элементи (таги тугунчакли чизиқларини)ни машқ қилдириш:



IV. Бадантарбия минути.

V. Кичик **ф** ҳарфини ёзиб машқ қилиш:



VI. Кичик **у, д, з, р, ф** ҳарфларини бир қаторга учтадан ёзиб машқ қилиш:



Агар юқоридаги машқларни бажаришда вақт ортиб қолса, ўқувчиларга «Ҳуснихат» китобидан шу ҳарфлар

иштирок этган сўзларни топиб, кўчириб ёзиш топширилади.

VII. Дарсни якунлаш. Ўқитувчи ўқувчиларнинг бажарган ишларига баҳо беради ва энг яхши ёзган ўқувчиларнинг дафтарлари намуна қилиб кўрсатилади ҳамда баҳоланади. Ёзувдаги баъзи бир камчиликлар эслатиб ўтилади ва келаси дарсда бу камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинади.

Баъзи бир ўқувчиларнинг дафтарларининг ҳошиясига ҳарфларни қизил сиёҳ билан намуна тарзида кўрсатиб бериш лозим. Чиройли ёзув дарсларини ҳафтанинг бошларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир, чунки ҳафта давомида ўқувчилар она тили дарсларида ҳар бир ҳарфнинг ёзилиши билан танишиб борадилар.

Ўқувчиларни бир чизиқли дафтарга ёздириб машқ қилдириш, ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб қуйидаги тартибда олиб борилади.

22-дарс. Кичик **и, ш, г, ғ, п, т, й, о, а** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **и** ҳарфининг ёзилиш қоидалари ўқувчиларга таниш бўлса ҳам, бир чизиқли дафтарга унинг ёзилиш қоидаларини қайта кўрсатиб бериш зарур:



Кичик **и** ҳарфига таги илмоқли кичик таёқча элементини қўшсак **ш** ҳарфи ҳосил бўлади:



Кичик **и** ва **ш** ҳарфларини ёзишда ўқувчилар қуйидаги хатоларга йўл қўйишлари мумкин:

а) ҳарф элементлари орасидаги масофаларни жуда кенг ёки тор ва бурилиш жойини қиррали қилиб ёзадилар:



Бу камчиликни йўқотиш учун ўқитувчи доскада ҳарф элементлари орасидаги масофани бир хилда сақлаб ёзишни намуна қилиб кўрсатиши лозим:

ш ш ш ш ш ш

б) ҳарфларни жуда йирик (6 *мм* баландликда) ёки жуда майда (2 *мм* баландликда) қилиб ёзадилар:

Ш Ш Ш Ш

ш ш ш ш ш

Бундай камчиликнинг олдини олиш учун бир чизиқли дафтарни параллел чизиқлари орасидаги масофани тенг уч бўлакка бўлиб, бир қисмида кичик ҳарфларни, учдан икки қисмида бош ҳарфларни ёздириб машқ қилдириш лозим.

Кичик **г** ҳарфини ёзишда уни чизиқлар орасидаги масофанинг $^1/_3$ қисмидан бошлаш лозим:



Шунда унинг бурилиш элементлари бир-бирига тенг қилиб олинади. Аммо бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар унинг ўртасидаги таёқча қисмини ҳаддан ташқари буриб юборадилар, ваҳоланки, унинг қиялиги 65 градусдан ошмаслиги керак. Ўқувчиларда учрайдиган бундай камчиликларнинг олдини олиш учун кичик **г** ҳарфи ёнига кичик таёқчаларни қўйиб ёздириш лозим:

г / г / г / г / г /

Кичик **г** ҳарфига ётиқ таёқча шаклидаги элементни қўйсак, кичик **ғ** ҳарфи ҳосил бўлади:

г - ғ ғалла

Кичик **п** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, улар қўшиб ёзилади:

п пахта, пилла

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар қуйидаги хатоларга йўл қўйишлари мумкин:

а) ҳарф элементларининг қиялигини бир хилда сақламаслик:

п п п

б) ҳарф элементлари орасидаги масофанинг кенг ёки тор бўлиши:

п п

Кичик **т** ҳарфини ёзишда учрайдиган асосий камчилик — элементлар орасидаги масофани тўғри сақлай олмаслик:

т - т т т

Бу камчиликларнинг олдини олиш учун доскада тўғри ва нотўғри ёзилган ҳарфларни таққослаб кўрсатиш лозим.

Кичик **й** ҳарфи **и** ҳарфига ўхшаш ёзилиб, учинчи кичик ёй шаклидаги элементи қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади:

й йил - йил

Кичик **о** ҳарфи доира шаклида бўлиб, уни икки хил шаклда улаш элементи билан ва улаш элементисиз ёздириб машқ қилдирилади. Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар қуйидаги хатоларга йўл қўйишлари мумкин:

о - оооо

Кичик **а** ҳарфи икки элементдан тузилган бўлса ҳам улар бир-бирига боғлаб ёзилади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга бу ҳарфни ёзиш қоидаларини доим эслатиб туриши, қўл ҳаракатини узиб ёзишга йўл қўймаслиги керак.

Ўқувчиларнинг ёзувида қуйидагига ўхшаш нотўғри ёзилган кичик **а** ҳарфини учратиш мумкин:

1. Кичик **а** ҳарфининг иккинчи элементи биринчи чўзинчоқ доира элементидан юқорига чиқиб кетади:

а - а

2. Чўзинчоқ доира шаклидаги элементини очиқ қолдириб, сўзларда ўқишни қийинлаштирадилар:

а - аймиқ

3. Элементларнинг қўшилиш жойида бурчак (жой) қолдирмайдилар:

а - а

Бу хатоларни йўқотиш учун доскада уларнинг ёзилиш қоидаларини қайта кўрсатиб бериш лозим.

23-дарс. Катта **И, Й, Ш, П, Т, Г, Ғ, Р** ҳарфларини ёзиш.

Катта **И, Й, Ш** ҳарфлари ёзилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар элементларга ажратилмай бир бутун шаклда ёзилади. Бу ҳарфларнинг баландлиги кичик ҳарфларга нисбатан икки баравар узун қилиб ёзилади:



Бу ҳарфларни ёзишда ўқувчилар уларнинг биринчи элементини қуйидагича бузиб ёзадилар:



Катта **Г** ва **Ғ** ҳарфларининг ҳамма элементлари ўқувчиларга таниш бўлиб, бир чизиқли дафтарга қуйидагича ёзишни талаб этади:

Бу ҳарфларни ёзиш ўқувчиларга қийинчилик туғдирмаса ҳам, **Г** ва **Ғ** ҳарфлари ўзидан кейинги кичик ҳарфлар билан қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади, шунинг учун **Г** ҳарфининг иккинчи, **Ғ** ҳарфининг иккинчи ва учинчи элементлари сўз тугагандан кейин қўйилади:



Катта **П** ҳарфи уч, **Т** ҳарфи эса тўрт элементдан иборат бўлиб, бу ҳарфларнинг биринчи элементи **Г, Ғ** ҳарфларининг биринчи элементига ўхшаш ёзилади. **П** ҳарфининг иккинчи элементи таги илмоқли таёқча шаклидан ва дафтар чизиғига параллел ҳолатдаги учинчи элементдан иборат:

Т П

Т ҳарфи **П** ҳарфидан ўзининг ўртадаги узун таёқча шаклидаги элементи билан фарқ қилади:

Т П Т Т

Бу катта ҳарфларни ёзишда қўл ҳаракати узилса ҳам кичик ҳарфлар билан боғлаб ёзишда қўл ҳаракати узилмайди:

Тўйчи - Тўйчи

Катта **Р** ҳарфи ҳам қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади. Бу ҳарфнинг иккинчи элементининг ёзилиш қоидасини кўпроқ тушунтириш лозим. **Р** ҳарфи кичик ҳарфлар билан ёрдамчи улаш элементи орқали боғланади:

Р Рачно - Рачно

Ўқувчиларнинг дафтарларида **Р** ҳарфининг қуйидагига ўхшаш нотўғри ёзилган шаклларини учратиш мумкин:

Р Р Р Р

24- д а р с. Кичик **б, в** ва катта **О** ҳарфини ёзиш.

Кичик **б** ҳарфининг элементлари қўшиб ёзилади. Унинг биринчи элементи кичик **а** ҳарфига ўхшаш ёзилади:

а б

Бу ҳарф ўзидан кейинги ёзиладиган ҳамма кичик ҳарфлар билан қўшимча улаш элементи орқали боғланади:



Ўқувчилар бу ҳарфни ёзишда қуйидаги хатоларга йўл қўйишлари мумкин:

а) юқорига қараб йўналувчи иккинчи элементини ҳаддан ортиқ қия қилиб ёзадилар:



б) иккинчи элементининг бурилиш жойини тўғри бурчак шаклида ёзадилар:



в) иккинчи элементининг бурилиш жойини ҳар хил шаклда ёки узун-қисқа қилиб ёзадилар:



Бу хатоларнинг олдини олиш учун дафтарни партанинг устига тўғри қўйиш ва хатолар устида машқ ўтказиш лозим.

Кичик **в** ҳарфи икки хил шаклда ёзилади:



Агар **в** ҳарфи сўзнинг охирида келса ёки кичик **л, м, я** ҳарфлари билан боғланса, ёпиқ ҳолда ёзилади, сўзнинг бошида ёки ўртасида келса, улаш элементи билан қўшиб ёзилади:

овчи. ўлчов. овла.

Ўқувчиларда учрайдиган бошқа камчиликларнинг олдини олиш учун қуйидагига ўхшаш машқлар ўтказиш зарур:

вів вів вів

Катта **О** ҳарфи бир бутун шаклда ёзилиб, бошқа кичик ҳарфлар билан ёрдамчи улаш элементи орқали қўл ҳаракати узилиб боғланади:

О Олмли

Бу ҳарфни ёзишда ҳам кичик ҳарфдагига ўхшаш типик хатолар учраши мумкин.

25-дарс. Кичик **р, у, ў, д, з, ф** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **р** ҳарфи элементларга ажратилмай бир бутун шаклда ёзилади:

р арра

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчиларнинг хатида қуйидагича камчиликларни учратиш мумкин:

а) қўл ҳаракатини узиб, элементларини алоҳида-алоҳида ёзиш:

р

б) узун таёқча шаклидаги чизиқнинг устидан қўлни қайта аниқ юргиза олмайдилар, бурилиш чизиғини дафтар чизиғининг тагидан бошлайдилар:

р

в) ҳарф элементларининг қиялигини тўғри сақлай олмайдилар:



Бундай камчиликларнинг олдини олиш учун ўқувчиларнинг диққатини ҳарфлар элементларининг тўғри ёзилишига тортиб, қуйидагича машқлар ўтказиш мумкин:



Кичик **у** ҳарфини ёзишда ҳам қўл ҳаракати узилмайди. Унинг биринчи элементи кичик **и** ва **ш** ҳарфларининг элементи каби ёзилиб, иккинчи элементи эса сатр чизиғидан пастга туширилиб, катта тугунча ҳосил қилиб, бошқа ҳарфлар билан боғланади:



Бу ҳарфни ёзишда учрайдиган асосий камчилик тугунчакли элементи жуда қисқа ёки жуда узун ёзилишидир:



Кичик **ў** ҳарфи **у** ҳарфидан кичик ёй шаклидаги элементи билан фарқ қилади. Унинг учинчи элементида қўл ҳаракатини узиб ёзилади:

ў ўйлан - ўйлан

Кичик д ҳарфи икки элементдан иборат бўлса ҳам, бир бутун шаклда, ўзидан олдин ва кейинги ҳарфлар билан боғлаб ёзилади:

д дала, сада

Бу ҳарфни ёзишда қуйидаги хато ва камчиликларни учратиш мумкин:

д д д д

Юқоридаги хатоларни йўқотиш учун ҳарфлар билан бир қаторда таги илмоқли, узун таёқча шаклидаги элементни ёздириб машқ қилдириш зарур:

д д д д д д д д д

Кичик з ҳарфини қайта ёздириб машқ қилдиришда кўпроқ унинг биринчи элементининг ёзилишига эътибор бериш, уни дафтар чизиғига тегмаслигини олдини олиш лозим:

з зийрак, иззат

Баъзи ўқувчилар кичик з ҳарфининг биринчи элементини жуда катта ёки кичик қилиб юборадилар:

з з

Айрим ўқувчилар эса иккинчи элементини қуйидагича бузиб ёзадилар:



Бу хатоларни тузатиш учун ўқувчиларга қуйидаги машқни бажартириш лозим:



Кичик **ф** ҳарфи ҳам бошқа кичик ҳарфларга ўхшаш қўл ҳаракатини узмай ёзилади:



Бу ҳарфни ёзишда ўқувчиларда қуйидаги камчиликларни учратиш мумкин:



26- д а р с. Кичик **ц** ва катта **Ц** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **ц** ҳарфи **и** ҳарфига ўхшаш ёзилиб, тугунчакли элементи билан фарқ қилади:



Бу ҳарфни ёзишдаги асосий камчилик кичик тугунчакли элементининг катта, кичик, узун, қисқа қилиб ёзилишидир:



Ҳарф элементидаги бу камчиликни тузатиш учун шу элементни алоҳида ёздириб машқ қилдириш лозим:



Катта **Ц** ҳарфининг ҳамма элементлари ўқувчилар учун таниш бўлиб, катта **И** ҳарфидан таги тугунчакли элементи билан фарқ қилади:



Катта **Ц** ҳарфининг кичик тугунчакли элементи кичик **ц** ҳарфининг тугунчакли элементидан фарқ қилмаслиги керак:



27- д а р с. Кичик **к, қ, н, ю,** катта **К, Қ, Н, Ю** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **к** ва **қ** ҳарфларини қўл ҳаракати узмай ёзилади. Бу ҳарфнинг бошланиши кичик **п** ҳарфига ўхшайди, аммо **п** ҳарфига ўхшаш дафтарнинг пастки чизиғигача туширилмайди. Учинчи элементи эса кичик **г** ҳарфи шаклида ёзилади. Кичик **қ** ҳарфи эса **к** ҳарфидан таги тугунчакли элементи билан фарқ қилади:



Бу ҳарфларнинг ёзилишида қуйидаги хатоларни учратиш мумкин:

1. Қўлни чизиқнинг устидан аниқ юргиза олмайдилар, уни пастдан буриб юборадилар:



2. Перони чизиқнинг устидан қайта аниқ юргиза олмайдилар:



Бундай хатоларнинг олдини олиш учун перони чизиқнинг устидан қайта юргизишни машқ қилдириш лозим.

Қичик **н** ҳарфи элементларга ажратилмай қўшиб ёзилади. Уни ёзиш қоидаси қуйидагича: кичик **п, т** ҳарфларининг биринчи элементига ўхшаш юқоридан пастга кичик таёқча туширилади ва қўлни олмасдан туриб, шу таёқча бўйлаб яна юқорига кўтарилади ҳамда кичик бурилиш (тугунча) ҳосил қилиб, таёқчадан ташқарига кўтарилади ва таги илмоқли кичик таёқча билан улаб пастга туширилади:

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар унинг бурилиш жойини (тугунчани) катта қилиб юборадилар ёки чизиқ устидан қўлни аниқ юргиза олмайдилар:



Кичик **ю** ҳарфининг биринчи элементи **кичик н** ҳарфи элементига ўхшаш ёзилади, иккинчи элементи эса чўзинчоқ доирадан иборат. Бу ҳарфни ёзишда қўл ҳаракати узилмай элементлари қўшиб ёзилади:



Бошқа ҳарфлар билан қуйидагича икки **хил** усулда боғлаб ёзилади:



Катта **К** ва **Қ** ҳарфларининг шакли бир хилда бўлиб, **Қ** ҳарфи фақат тугунчакли элементи билан фарқ қилади:



Ўқувчилар бу ҳарфларни ёзишда перони чизиқнинг устидан қайта аниқ юргиза олмайдилар ёки қўл ҳаракатини узиб, элементларга ажратиб ёзадилар:



Кўрсатиб ўтилган камчиликларни йўқотиш учун, қўлни узмасдан қўшиб ёзишни мунтазам таъкидлаб туриш лозим.

Катта **Н** ҳарфининг ёзилиш техникаси бир бутун қилиб ёзилади:



Бу ҳарфнинг ёзилиш техникаси мураккаб бўлмасада, ўқувчиларнинг ёзувларида қуйидагига ўхшаш айрим камчиликларни учратиш мумкин:

Бу камчиликларнинг олдини олиш учун диққат билан ёзиш талаб этилади.

Катта **Ю** ҳарфи мураккаб элементлардан тузилган бўлишига қарамай бир бутун шаклда ёзилади ҳамда бошқа кичик ҳарфлар билан ҳам қўл ҳаракати узилмай боғланади:



28- д а р с. Катта **В, Б, Д** ҳарфларини ёзиш.

Катта **В** ҳарфи элементларга ажратилмай бир бутун қилиб ёзилади, унинг ёзилиши катта **Б** ҳарфига ўхшаб бошланади, аммо бурилиш қисми чизиқнинг ўртасидан эмас, балки юқоридан давом эттирилади ва юқоридаги ярим чўзинчоқ доира шаклидаги элементи пастки қисмидан кичикроқ ёзилади:

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар ярим чўзинчоқ доира элементлари нисбатини тўғри ололмай қуйидагича хато қилиб ёзадилар:



Катта **Б** ҳарфи икки элементдан иборат бўлиб, иккинчи элементини ёзишда қўл ҳаракати узилади, биринчи элементи қуйидагича бир бутун шаклда ёзилади:



Ўқувчилар бу ҳарфни биринчи элементининг бурилиш жойини катта ёки кичик, иккинчи элементини эса узун ёки қисқа қилиб қўядилар:

Ҭ Ҭ Ҭ Ҭ

Катта **Д** ҳарфини ёзишда қўл ҳаракати узилмайди ва бир бутун шаклда ёзилади, аммо бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар қуйидагига ўхшаш хатоларга йўл қўядилар:

Д - Д Д Д

Юқоридаги камчиликларни йўқотиш учун шу ҳарфнинг шакли тасвирланган кўргазма қуроллардан фойдаланиш лозим.

29- д а р с. Кичик **л, м, я** ва катта **Л, М, А, Я** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **л** ва **м** ҳарфлари ёзилиш шакли жиҳатдан ўхшаш бўлиб, уларнинг элементлари қўшиб ёзилади. Айниқса, бу ҳарфнинг биринчи элементини ёздиришда ўқувчиларнинг диққатини унинг қиялигига жалб қилиниши зарур, чунки бу элементнинг қиялиги оддий ҳарф қиялигидан фарқ қилади:

л м

Бу ҳарфларни ёзишда қуйидаги камчиликларни учратиш мумкин:

1. Ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлай олмаслик:

л м л м м

2. Биринчи элементини тугунчак шаклида ёзиш:

л м

Бу хатоларни йўқотиш учун ўқувчиларга унинг биринчи элементини алоҳида ёздириб машқ қилдириш

ҳамда унинг қиялигини доскада таҳлил қилиб кўрсатиш лозим:



Кичик **я** ҳарфи бир бутун шаклда элементларга ажратилмай ёзилади:



Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар кичик чўзинчоқ доира шаклидаги элементини қўшиб ёза олмайдилар ҳамда бошлаш элементини жуда узун ёки нуқтали қилиб ёзадилар:



Бундай хатоларни тузатиш учун бу ҳарфни намунага қараб бир неча қатор ёздириб машқ қилдириш лозим.

Катта **Л**, **М** ҳарфлари ҳам кичик ҳарфлар шаклида бўлиб, фақат ўлчам жиҳатдан фарқ қилади:



Бу ҳарфларни ёзишда ҳам кичик ҳарфларникига ўхшаш камчиликлар бўлиши мумкин.

Катта **А** ҳарфи қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади. Уни элементларга ажратиш мумкин эмас:



Бир чизиқли дафтарга ёздиришда ҳам айрим камчиликларни учратиш мумкин:

1. Ҳарф элементлари орасидаги масофани жуда тор ёки кенг қилиб юборадилар:



2. Тугунчакли элементини жуда катта ёки кичик қилиб ёзадилар:



3. Ҳаддан зиёд қия қилиб ёзадилар:

Катта **Я** ҳарфи кичик **я** ҳарфи шаклида ёзилади, фақат ўлчам жиҳатдан фарқ қилади:

30-дарс. Кичик **ч, ь, ъ** ва катта **У, Ў, Ч, Ф** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **ч** ҳарфининг ёзилишида қийинчилик туғилмайди, у боғлаб ёзиш учун ҳам жуда қулайдир:



Аммо шунга қарамай, айрим ўқувчилар томонидан қуйидагига ўхшаш хато ёзилган шаклларни учратиш мумкин:



Айириш ва юмшатиш (**ъ, ь**) белгилари ёзилишда ўқувчилар учун қийинчилик туғдирмайди, чунки уларнинг элементлари билан ўқувчилар кичик **ч, в** ҳарфларини ёзишда танишганлар. Бу белгилар сўзнинг ўртасида ёки охирида келишига қараб икки хил шаклда ёзилади:



Катта **У** ва **Ў** ҳарфлари қўл ҳаракатини узмай ёзишга мослаштирилган бўлиб, бошқа кичик ҳарфлар билан осон боғланади:



Катта **Ч** ҳарфининг биринчи элементи катта **У, Ў** ҳарфларига ўхшаш бўлиб, иккинчи элементи эса **И, Ш** ҳарфларининг иккинчи ва учинчи элементларига ўхшашдир:

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар қуйидаги хатоларга йўл қўйишлари мумкин:

1. Кичик ҳарфга ўхшаш қилиб ёзиш:



2. Биринчи элементи билан иккинчи элементи орасидаги масофанинг тор ёки кенг бўлиши:

Катта **Ф** ҳарфи уч элементдан иборат бўлиб, улар қўшиб ёзилади:

Ф Фазилат

Бош ҳарфлар билан эса ёрдамчи улаш элементи орқали боғлаб ёзилади.

31-дарс. Кичик **с, е, ё, э** ва катта **С, Э** ҳарфларни ёзиш.

Кичик **с** ҳарфи ярим чўзинчоқ доира шаклида ёзилади. Бу ҳарф ўзидан олдин ёки кейин келган ҳарфлар билан қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзилади:

с соат, ос

Кичик **е** ва **ё** ҳарфларини ёзишда ўқувчилар деярли хатога йўл қўймайдилар:

е елим, ёз, ёлғиз

Аммо **ё** ҳарфи нуқталарининг сўз тугагандан сўнг қўйилишини эслатиб ўтиш лозим.

Кичик **э** ҳарфининг ўртадаги «белбоғи» қўл ҳаракатини узиб ёзишни талаб этади. Кичик **э** ҳарфи бошқа ҳарфлар билан қўшиб ёзилганда, унинг ўртадаги элементи —«белбоғи» сўз тугагандан кейин қўйилади:

э эртак - эртак

Катта **С** ҳарфи чап ярим чўзинчоқ доира шаклида бўлиб, бир бутун шаклда ёзилади:

С Собит

Катта **Э** ҳарфи кичик э ҳарфидан фақат ўлчамининг икки баробар катталиги билан фарқ қилади:

Э Э Эркин

32-дарс. Кичик **ж, х, ҳ** ва катта **Х, Ҳ, Ж, Е, Ё, З** ҳарфларини ёзиш.

Кичик **ж** ҳарфининг ҳамма элементлари бир-бирига боғланиб бир бутун шаклда ёзилади:

жс жсажсжсл

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчиларда қуйидаги камчиликларни учратиш мумкин:

1. Ярим чўзинчоқ доира элементлари бир хил масофада бўлмай, олис, яқин бўлиши мумкин:

жс жс

2. Ҳарфни элементларга ажратиб, қўл ҳаракатини узиб ёзиш:

жс жс

Бу хатоларни йўқотиш учун унинг ёзилиш қоидаларини қайта такрорлаб кўрсатиш лозим.

Кичик **ҳ** ва **х** ҳарфлари ўнг ва чап ярим чўзинчоқ доира шаклидан иборат бўлса ҳам, улар бир-бирига боғлаб қўл ҳаракатини узмай ёзилади:

х хат, ҳ ҳосил

Бу ҳарфни ёзишда ўқувчилар қуйидагига **ўхшаш** камчиликларга йўл қўядилар:

1. Ҳарф элементларини қўл ҳаракатини узиб **ёзадилар**:



2. Тагидаги тугунчакли элементини катта ёки жуда кичик қилиб ёзадилар:



3. Ҳарф элементлари устидан қўлни аниқ юргиза олмай қўшалоқ чизиқли қилиб ёзадилар:



Хатоларни йўқотиш учун бу ҳарфларни кўпроқ машқ қилдириш керак.

Катта **Х** ва **Ҳ** ҳарфлари кичик **ҳ** ва **х** ҳарфларига ўхшаш шаклда ёзилади, фақат ўлчамининг катталиги билан фарқ қилади, холос:





Катта **Ж** ҳарфи кичик **ж** ҳарфига ўхшаш ёзилади, улар бир-биридан ўлчами билан фарқ қилади:

ж Ж Жамол

Катта **Е** ва **Ё** ҳарфларининг ташқи кўриниши содда кўринса ҳам ёзилиш техникаси мураккаб бўлиб, соат стрелкасига тескари қўлни ҳаракат қилдиришни талаб этади. Бу ҳарфларнинг юқоридаги кичик ярим чўзинчоқ доира шаклидаги элементи пастдаги ярим чўзинчоқ доира элементига нисбатан кичикроқ бўлиб, улар қўшиб ёзилади:

Е Ереван, Ё Ёқут

Бу ҳарфларнинг ёзилишида учрайдиган асосий камчиликлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ҳарф элементлари орасидаги нисбатни тўғри ололмайдилар:

Е Е Е

2. Ҳарфлардаги нормал қияликни сақлай олмай тик қилиб ёзадилар:

Е Ё Е Е

Бу камчиликларни йўқотиш учун бир неча қатор ҳарфлар билан қия шаклдаги таёқчаларни ёздириб машқ қилдириш лозим:

Е // Е // Е // Е // Е // Е // Е //

Катта **З** ҳарфининг ёзилишида ҳам қўл ҳаракати узилмай бир бутун шаклда ёзилади:

З Замира

Бу ҳарфда учрайдиган асосий камчилик ярим чўзинчоқ доира шаклидаги элементларни ҳаддан зиёд катта ёки кичик қилиб ёзадилар ёки тенг қилиб қўядилар:

ЗЗЗ

33- д а р с. Ҳарфларни боғлаб ёзишни машқ қилиш.

34- д а р с. Ҳуснихат китобидан кўчириб ёзиш.

УЧИНЧИ СИНФДА ҲУСНИХАТ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Бу синфда алоҳида ҳуснихат дарслари ўтказилмаса ҳам, ёзувга ўргатиш қоидалари она тили дарслари билан қўшиб олиб борилади.

Болаларда чамалаш қобилиятининг ўсиб бориши, қўл ва бармоқ мускулларининг тараққий этиши билан уларда тез ва майда ёзув шакллана боради.

Бу даврда болаларнинг ёзувларига эътибор бермаслик натижасида ҳарфлар шаклини бузиб ёзиш, нотўғри боғлаш каби камчиликлар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун III синфда ҳар бир она тили дарсида ҳуснихат малакасини шакллантириш учун 8—10 минут вақт ажратилади.

Ўқув йилининг бошларида ўқувчиларнинг II синфда олган билим ва малакаларини мустаҳкамлаш лозим. Учинчи синфда бир чизиқли дафтарга кичик ҳарфларни 3 *мм*, бош ҳарфларни эса 6 *мм* баландликда ёздириб машқ қилдирилади. Айниқса, бу даврда кичик ҳарфлар билан бош ҳарфлар нисбатини таққослаб ёзишни қўпроқ машқ қилдириш лозим, чунки ёзувнинг майдалашиб боргани сари кичик ҳарфлар билан бош ҳарфларнинг фарқини ажратиш қийинлашиб боради.

Бу камчиликни йўқотиш учун қуйидагига ўхшаш машқларни ўтказиш лозим:

ш ш Ш ш ш Ш

л л л л л Л Л Л

Ҳарфларнинг шаклини ва нисбатини тўғри ёзиш малакалари ҳосил қилингандан сўнг ҳарфларни қўл ҳаракатини узмай боғлаб ёзиш машқ қилдирилади. Бу синфда 5—6 ҳарфдан иборат бўлган сўзларни қўл ҳаракатини узмасдан ёзиш талаб этилади. Ҳарфларни узмасдан ёзиш учун мураккаб боғланишли **ил, ум, ия, юл, ая, он, юг, жч, об, ад, юб, ов, се, иг, вз, сж** каби кичик ҳарфларни ёзиб машқ қилдириш мумкин. Ёзув тезлигининг ошиб бориши билан кўпчилик ҳарфларнинг шаклини бузиб ёзиш ҳоллари ҳам учрайди. Айниқса, кичик **б, ж, р, я, г, ғ, ч, у, д, з, ж** ва катта **П, Т, К, Н, В, Ж, Ф, Е** ҳарфларида бундай ҳолни кўп учратиш мумкин.

Бундай ҳарфларнинг шаклини ёздириб машқ қилишни она тили дарсида олиб борилаётган мавзуга мослаб, қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ҳуснихат машқларини ташкил этишда, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариб боришини ҳам давом эттириш лозим, чунки тез ёзиш орқали ўқувчилар фақат график хатоларга, ҳарфларни туширириб қолдириш, алмаштириб ёки бузиб ёзиш каби хатоларга йўл қўйишлари мумкин.

Бу синфда яна баъзи гуруҳлардаги мураккаб ҳарфлардан ташкил топган бир неча вариантларда машқ ўтказиш мумкин. Масалан, элементлари чизиқдан пастга тушадиган **д, з, у, р, ф, ў** ҳарфларини қуйидаги 6 вариантда машқ қилдириш мумкин:

I вариант: кичик **р, ф** ҳарфларини бир хил узунликда ёзишга ўргатиш мақсад қилиб олинади.

II вариант: кичик **д, з, у** ҳарфларининг иккинчи элементини дафтар чизиғи устида кесишиш жойини аниқ ёзишга ўргатиш мақсад қилиб олинади.

III вариант: кичик **р, ф** ҳарфларининг иккинчи элементи бир хил узунликда бўлишини ва **у, ў, д, з** ҳарфларининг тугунчакли элементи бир хилда бўлишини машқ қилиш:

р ф у ў д з

IV вариант: кичик **у, ў, з, д** ҳарфларининг тугунчакли элементининг бошқа ҳарфлар билан боғланишини машқ қилиш:

ув зв дв рв

V вариант: кичик **у, ў, з, д** ҳарфларини кичик **л, м, я** ҳарфлари билан боғлаб ёзишни машқ қилиш:

вм вл ця зм дя

VI вариант: кичик **у, ў, з, д** ҳарфларини чўзинчоқ доира шаклидаги кичик ҳарфлар билан боғлаб ёзишни машқ қилиш:

д, д, д м м дв дв
ув ив зв сув

III синфда болаларнинг ёзувларини таҳлил қилиш орқали уларда учраган айрим хато ва камчиликларнинг олдини олиш ва тузатиш чораларини кўриш лозим. Айрим ўқувчиларга дафтарларида ҳарф намуналарини кўрсатиб бериш мумкин.

Чиройли ёзувга ўргатиш юзасидан олиб борилган машқлар ҳар бир она тили дарсида 4—5 қатордан ошмаслиги керак.

Учинчи синфда бош ҳарфларнинг ёзилишини такрорлаш билан бирга айрим иш қоғозларини ёзиш қоидалари ҳам тушунтирилади. Иш қоғозларини аниқ, озода ва тўғри бажариш шу синфдан бошлаб талаб этилади. Иш қоғозлари (хат, адрес, тилхат, ариза ва бошқалар) қандай ёзилишини ўқитувчининг ўзи намуна сифатида ёзиб кўрсатиши лозим.

Бу синфда ёзув билан боғлиқ бўлган ҳар бир дарс ҳуснихат талабларидан четда қолмаслиги керак. Бу синфда ҳам чиройли ёзув малакасига ўргатиш она тили дарслари билан боғлаб олиб борилади.

Қуйида шу синф учун тузилган битта дарсни намуна тарзида кўрсатиб ўтамиз:

Мавзу: жарангли ва жарангсиз ундош **п** ва **ф** ҳарфларини ёзишга ўргатиш.

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларни жарангли ва жарангсиз ундош товушлар билан таништириш билан бирга, **п** ва **ф** ҳарфларини тўғри, чиройли ва тез ёзишга ўргатиш.

Дарсни жиҳозлаш. Қичик **п, ф** ва катта **П, Ф** ҳарфларини катталаштириб кўрсатилган жадваллар.

Дарснинг бориши. Ўқитувчи ўқувчиларга ўзакдаги жарангли ва жарангсиз ундош товушлар — **п** ва **ф** ҳарфлар имлосини тушунтиришдан олдин бу ҳарфларнинг ёзилиш шаклини тушунтириб, қисқа машқ ўтказади. (Ёзув малакасини тушунтириш учун берилган вақт 8—10 минутдан ошмаслиги лозим.)

Ўқитувчи доскага **п** ва **ф** ҳарфларини чиройли ёзув қоидаларига амал қилган ҳолда ёзиб қўяди.

Қичик **ф** ҳарфини ёздиришга бошлашдан олдин унинг нечта элементдан тузилганлиги ва элементларининг доим қўшилиб ёзилиши тушунтириб ўтилади. Тушунтириш машқларини плакатлардан фойдаланиб олиб бориш ҳам мумкин.

Бу ҳарфни ёзишда унинг чўзинчоқ доира шаклидаги элементларини бир хилда ёзиш шарт эканлиги эслатилади.

Ўқувчилар бу ҳарфнинг ёзилиш техникаси билан олдинги синфларда ҳам танишганлар. Бу дарсда эса кичик **ф** ҳарфининг иккинчи ёзилиш тури билан танишадилар, яъни кичик **ф** ҳарфининг иккинчи чўзинчоқ доира шаклидаги элементи ўзидан кейинги ҳарфлар билан қўл узмасдан тугунча ҳосил қилиб боғланади.

Ўқувчилар бу ҳарфни ёзиб машқ қилиш билан ёзув тезлигини оширишда бу ҳарфнинг яна ҳам қулай эканлигини амалда кўрадилар. Ўқитувчи кичик **ф** ҳарфининг бошқа ҳарфлар билан боғланишини ва айрим сўзларни доскада кўрсатиб беради.

Масалан:

фабрика, фасл, фильм, фонтан, футбол, телефон, гунафша

Ўқувчилар бу ҳарфни ёзишга фақат ўқитувчининг доскадаги кўрсатмасидан кейингина бошлайдилар.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзув малакаларини ва тезлигини кузатиб боради ва тегишли кўрсатмалар беради. Шундан кейин ўқитувчи кичик **п** ҳарфининг ёзилишини тушунтириб беради. Бу ҳарфнинг элементлари ҳам ўзидан олдин ва кейин келган ҳарфлар билан қўл узмасдан қўшиб ёзилади. Масалан:

парашют, паровоз, перо, поезд, пилик, приёмник, план

Бу ҳарфнинг ёзилиш техникаси ҳам таниш бўлиб, ўқувчиларга қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун бу ҳарфнинг ёзилиш техникаси устида кўп тўхташ шарт эмас. Фақат уни ёзишда айрим ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар устида тўхтаб ўтиш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларга бутун дарс давомида тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш, гавдани тўғри тута билиш, кўз билан дафтар орасидаги масофани тўғри сақ-

лаш, дафтарни тўғри қўйиш қоидаларини доим эслатиб туриши лозим.

Юқорида эслатиб ўтилган малакалар ҳосил қилингандан кейингина ёзув машқларини бошлаш керак.

Ўқувчиларга кичик **ф** ва **п** ҳарфларининг ёзилиш қоидалари тушунтирилгандан сўнг дарснинг асосий грамматик қисмига ўтилади. Гапдаги **п** ва **ф** ҳарфли сўзларнинг имлоси ва талаффузи тушунтирилади.

Она тили китобидан шу мавзуга оид машқларни бажартиришда ҳам **п** ва **ф** ҳарфларининг ёзилишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Дарс охирида энг яхши ёзган ўқувчиларнинг ёзувларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Ёзув машқларини ўстирувчи машқлар ҳам она тили дафтарида бажартирилади.

Уй вазифаси учун берилган машқлар эса бир бетдан ошмаслиги лозим.

Учинчи синфда ҳуснихат машқларини юқорида кўрсатилгани каби она тили дарслари билан боғлаб уюштириш, тўғри, тез ва чиройли ёзиш малакаларини ҳосил қилиш она тили предметини пухта ўзлаштиришга асос бўлади ҳамда ўқувчиларнинг саводхонлиги ошиб, ёзувлари ҳам аста-секин яхшиланиб боради.

ТЎРТИНЧИ СИНФДА ЧИРОЙЛИ ЁЗУВ МАШҚЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Бу синф ўқувчиларининг ёзувлари катталарга хослиги билан ажралиб туради.

Ўқувчилар энди қийналмай эркин ёзишга ўтадилар, уларнинг ёзув тезлиги ҳам анча юқори даражага кўтарилади. Бу даврда ўқувчилар ўз фикрларини тезроқ қоғозга туширишга ҳаракат қиладилар. Ёзув тезлиги паст ўқувчилар эса она тилидан берилган топшириқларни бажаришда орқада қоладилар, айниқса, бу нарса, диктант ва ёзма ишларни бажаришда ўқувчига анча қийинчилик туғдиради.

Шунинг учун бу синфда тез ёзиш малакасини ўстириш жуда муҳимдир.

Ёзув тезлиги паст бўлган ўқувчилар бошқа ўқувчиларга нисбатан кўп куч ва диққат сарф этадилар ва чарчаб қоладилар.

Бу синфда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчи-

ларда катталарга хос бўлган ёзув каллиграфиясини шакллантиришдан иборат.

Баъзи ўқитувчилар бу синфда она тили машқлари билан ёзув дарсларини бир-бирига боғлаб ўтиш йўлларини яхши билмайдилар, ваҳоланки, ҳар бир она тили дарсида ёзув машқи учун ажратилган 8—10 минут вақтдан унумли файдаланиш шарт. Акс ҳолда, ўқувчилар айрим ҳарфларнинг шаклини бузиб ёзишга одатланиб қоладилар.

Ўқувчиларнинг ёзувларига қатъий талаблар қўйиш билан бирга, уларнинг дафтарларига қўйилган педагогик ва гигиеник талабларни ҳам унутиб қўймаслик керак.

IV синф ўқувчиларига чиройли ёзув қоидаларини эслатиб туриш билан бир қаторда, уни бир тартибга тушириб олиш ҳар бир ўқитувчининг муҳим вазифасидир.

Бу синфда тўғри ташкил этилган чиройли ёзув малакалари бир умрга сақланиб қолади.

IV синфда ҳам тез ёзиш малакаларини янада ўстириш учун қуйидаги айрим машқларни бажартириш мумкин.



Шунингдек, бу синфларда айрим нотўғри ёзилган ҳарфларни тузатиш машқларини ҳам ўтказиш лозим.

Масалан, IV синф ўқувчиларининг ёзувларида қуйидагига ўхшаш айрим хато ва камчиликларни учратиш мумкин:

1. Ёзув қиялигининг ҳар хил ҳолатда бўлиши:

2. Чизиқнинг устидан ёзмаслик:

Салима китоб ўқиди.

3. Ҳарфлар оралигида ҳаддан ташқари кўп жой қолдириш:

Тулки ўрмон-
да ялтайди.

4. Ҳарфлар орасидаги масофанинг зичлиги:

Мен китоб ўқишни севаман.

5. Ҳарфларни жуда йирик ёзиш:

Халил - ачъ лочи
ўқувчи.

6. Ҳарфлар ва сўзлар орасидаги масофани бир хилда сақламаслик:

Акбар самолёт
моделини ясади.

7. Ҳарф элементларини учбурчак тарзида ифодалаш:

Шоҳра кашта тикди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни ўз вақтида тузатиб, олдини олиш учун айрим ўқувчилар билан яккама-якка машқлар олиб бориш лозим.

Шунингдек, ҳар бир ўқитувчи бу камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам аниқлаши зарур, шундагина уни тузатиш йўлларини осон ҳал этади.

МАКТАБЛАРДА ҚАТЪИЙ ЁЗУВ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ.

Чиройли ёзув қоидаларини эслатиб туриш билан бир қаторда, уни бир режимга тушириб олиш ҳар бир ўқитувчининг муҳим вазифасидир.

Агар мактабда ёзув режими тўғри ташкил этилса, ўқувчиларнинг чиройли ёзув малакалари бир умрга сақланиб қолади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларда ҳосил қилган чиройли ёзув малакасини юқори синфларда ҳар бир фан ўқитувчиси эслатиб туриши лозим. Акс ҳолда, улар бошланғич синфда олган чиройли ёзув малакасини унутиб юборадилар.

V синфдан бошлаб ўқувчилар ёзувининг ўзгаришига асосий сабаб, бошқа предмет ўқитувчиларининг бунга етарли эътибор бермасликларидир. Ундан ташқари, уларга ёзув машқларини нормадан ортиқ берадилар, натижада, ўқувчиларнинг бармоқ мускуллари чарчайди ва ёзувнинг сифати бузилади, бу эса ўқувчилар ёзувининг бузилишига сабаб бўлади.

Ўқувчилардан партада тўғри ўтириш қоидаларини талаб этиш ҳар бир фан ўқитувчисининг вазифасидир.

Юқори синфларда ҳам ҳар бир ҳарфни аниқ ёзишни талаб қилиш лозим, акс ҳолда, ҳарфлар ўз шаклини йўқотиб боради. Масалан, кўпчилик юқори синф ўқувчилари кичик **т** ҳарфи устига, **ш** ҳарфи тагига чи-

зиқ чизиб қўядилар. Бундай хатога йўл қўймаслик керак, чунки бу ҳарфларнинг ҳар иккиси ҳам ўз шаклига эга, уларни фарқини ажратиш учун ортиқча чизиқлар талаб этилмайди.

Ўқувчиларда учрайдиган камчиликларни йўқотиш учун ўқитувчи ҳарфларнинг тўғри ёзилишига алоҳида эътибор бериши, дафтарни баҳолаш вақтида нотўғри ёзилган ҳарфларни ҳам ҳисобга олиши лозим. Қайси ҳарфни бузиб ёзганлигини аниқ кўрсатиб ўтиши керак.

Ўқувчиларнинг ёзувини яхшилаш учун умуммактаб ишларидан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Мактабда чиройли ёзув тартибини амалга ошириш;

2. Бир йилда икки марта ёки ҳар чоракнинг охирида «Чиройли ёзув учун» деган мавзуда дафтарлар конкурсини ўтказиш;

3. Мактабда чиқариладиган ҳар бир деворий газетадаги матнларни чиройли ёзув қоидаларига риоя қилиб ёзиш.

Аммо чиройли ёзув режимини амалга оширишда, биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи намуна бўлиши керак, чунки ўқувчилар кўпроқ тақлидчан бўлиб, ўқитувчининг ёзувига ўхшатиб ёзишга ҳаракат қиладилар. Агар ўқитувчи бир ҳарфни доскада нотўғри ёзса, ўқувчи ҳам нотўғри ёзади.

Мактабда чиройли ёзув тартибини тахминан қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Мактабда ҳар бир ёзув ишларини ўқувчилар дафтарда бажаришлари керак. (Фақат шаҳар ва район халқ таълими томонидан юборилган айрим текширув ишларгина икки варақда ёздирилади.)

2. Ҳамма предмет учун дафтар бир хилда тўлдирилади: дафтарнинг варақлари 12 тадан кам бўлмаслиги, четида (30 *мм* масофада) ҳошия бўлиши лозим. Ҳар бир дафтар қайси фан учун тутилгани, кимга тегишли эканлиги, нечанчи синфда ўқиши, мактаб номери ва номи кўрсатилиши лозим.

3. Синф иши ва уй вазифаларини бир хил рангдаги (гунафша ёки тўқ ҳаво ранг) сиёҳда бажартириш.

4. Ўқувчиларни фақат тавсия этилган авторучкада ёздириш.

5. Ҳар бир дарсда партада тўғри ўтириш қоидаларига амал қилиш, бошни чапга ёки ўнгга осилтириб

ўтирмаслик. Кўз билан дафтар орасидаги масофани тўғри сақлаш.

6. Ёзувнинг қиялигини 65 градусдан оширмаслик.

7. Ҳар бир ҳарфнинг шакли «Ҳуснихат» китобида кўрсатилганидан фарқ қилмаслиги.

8. Нотўғри ёзилган ҳарф ва сўзларни ўчирғич билан ўчиришга рухсат этилмайди. Нотўғри ёзилган жойни устидан бир чизиқ тортиб устига тўғрисини ёзиб кўрсатиш мумкин.

9. Ҳар кунги бажарилган ишни куни, мавзуи, машқ номери дафтарнинг ўртасига чиройли қилиб ёзиб кўрсатилиши керак.

10. Сўзларни қисқартириб ёзишга рухсат этилмайди. Масалан: *ва ҳоказо* ўрнига «ва ҳ. к.», *улар* ўрнига «у/», *унинг* ўрнига «у+».

11. Бош ва кичик ҳарфлар бир хил баландликда ёзилмаслиги керак.

12. Ўқувчиларнинг ишларини текшириш учун ўқитувчи фақат қизил рангдаги сиёҳдан фойдаланиши лозим. Ўқувчининг йўл қўйган ҳар бир хатоси аниқ кўрсатилиши керак.

13. Доскада бўр билан ёзилган ёзувлар ҳам ёзув қоидаларига мос бўлиши керак. Ўқитувчи доскага ўтаётган материални жойлаштира билиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

14. Мактабда чиқарилган ҳар хил эълонлар, мактаб деворий газетасидаги мақола матнлари ҳам чиройли қилиб, ёзув қоидаларига амал қилган ҳолда ёзилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар амалга оширилса мактабда қатъий ёзув режимини амалга ошириш мумкин.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗУВЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ТИПИК ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ.

Дастур талабларига мувофиқ, IV синфнинг охирига келиб, ҳар бир ўқувчи тез ва чиройли ёзиши лозим.

Аммо шундай ўқувчилар ҳам учрайдики, улар ёзув малакасини тўла эгаллаб ололмайдилар, ҳарфларнинг шаклини пала-партиш, катта-кичик қилиб ҳар хил ёза-

дилар. Ўқувчилар томонидан нотўғри ёзилган ҳарфларни тузатиш ҳар бир предмет ўқитувчисининг энг муҳим ва қийин вазифаларидан биридир. Бу масалани эҳтиётлик билан ҳал этиш лозим.

Камчиликларни тузатишга киришишдан олдин унинг асосий хатоси нимада эканлигини аниқлаш зарур.

Ўқувчиларнинг ёзувларида кенг тарқалган камчиликлардан бири айрим ҳарфларнинг нотўғри ифодаланиши сабабли хатнинг ўқиб бўлмаслигидир. Айрим ўқувчилар эса ҳарфларни қуйидагича бузиб, ҳар хил баландлик ва қияликда ёзадилар:

Мен акамга хат ёздим.

Бу ўз навбатида ўқишни қийинлаштиради, ёзилган матнни ноаниқликка олиб келади.

Айрим ўқувчилар эса ҳар бир ҳарфни алоҳида-алоҳида ажратиб қўл ҳаракатини узиб ёзадилар:

Мен акамга хат ёздим.

Ҳарфларни бундай алоҳида ёзиш ёзув тезлигини камайтиради, ўқувчи бошқа ўқувчилардан орқада қолади.

Ўқувчиларда учрайдиган яна бир камчилик ҳаддан ташқари майда ёзувдир:

Мен акамга хат ёздим.

Аксинча, айрим ўқувчилар эса жуда йирик ёзадилар:



Ҳаддан ташқари майда ёзув қўлни чарчатади, ўқишни қийинлаштиради, йирик ёзув эса ёзув тезлигини камайтиради ва ўқувчи бунинг учун кўп вақт сарфлайди.

Шунинг учун ўқувчиларда учрайдиган айрим типик хатоларни ўз вақтида, яъни ҳарфларнинг шаклини ёзишга ўрганаётган вақтда тузатиш лозим.

Қуйида ўқувчиларнинг ёзувларида учрайдиган айрим типик хатоларни кўрсатиб ўтамиз:

1. Таги илмоқли кичик таёқча шаклидаги элементни ёзишда синиқ чизиқ ҳосил қиладилар ва қуйидагича тор ёки кенг қилиб ёзадилар:



Бундай хатоларни йўқотиш учун шу элемент ёзилишини қайта машқ қилдириш лозим, чунки бу элемент кўпчилик кичик ҳарфлар учун асосий элемент ҳисобланади.

2. Таги ва усти илмоқли кичик таёқча шаклидаги элементни қуйидагича бузиб ёзадилар:



Бундай камчиликларнинг олдини олиш учун илмоқларни тўғри ёзишга ўргатиш лозим.

3. Таги тугунчакли узун таёқча шаклидаги элементни ҳам қуйидагича бузиб ёзадилар:



Бундай хатолар ўқувчиларнинг ёзувнинг қиялигига эътибор бермасликлари натижасида содир бўлади.

4. Таги тугунчакли элементни ҳаддан ташқари кичик ёки катта қилиб ёзадилар:



Бу хатоларнинг олдини олиш учун шу элементни ҳарфлар билан боғлиқ ҳолда ёзиб кўрсатиш ва ҳарфга таққослаш зарур.

5. Қичик **л, м, я** ҳарфларини ёзишда унинг биринчи элементини нотўғри ёзадилар:



Бу хатони йўқотиш учун шу элементни катталаштириб кўрсатиш лозим.

6. Қичик **н** ҳарфининг ўртадаги боғловчи элементини қуйидагича бузиб ёзадилар:



Бу камчиликни йўқотиш учун қўл ҳаракатини яна такрорлаб, уни ёзишда қўл ҳаракатини узмаслик қайд қилинади.

7. Қичик **б** ҳарфининг иккинчи элементини қуйидагича бузиб ёзадилар:



Бу хатони йўқотиш учун ёзувнинг қиялигига эътибор бериш лозим.

8. Кичик **ф** ҳарфини ёзишда ўқувчилар унинг чўзинчоқ доира шаклидаги элементларини ҳар хил қилиб ёзадилар:



Бу ҳарфни ёзишда учраган хатоларни тузатиш учун шу ҳарфнинг ёзилиш тартиби кўрсатилган қуйидаги жадвалдан фойдаланиш лозим.



9. Кичик **ч** ҳарфини ёзишда унинг бошланғич элементини қуйидагича бузиб ёзадилар:



Бу камчиликнинг олдини олиш учун шу элементнинг ўзини алоҳида машқ қилдириш лозим.

10. Ўқувчилар кичик чўзинчоқ доира шаклидаги **о** ҳарфини ёзишда ҳам айрим хатоларга йўл қўядилар. Бу ҳарфни ёзишда учраган камчиликларни тузатиш учун катта ўлчамдаги қуйидаги жадвалдан фойдаланиш лозим.



Биз ўқувчиларнинг ёзувларида учрайдиган айрим типик хатолар фақат кичик ҳарфларга тааллуқли бўлганини кўрсатиб ўтдик, бундай камчиликлар бош ҳарфларда ҳам учраши мумкин. Бош ҳарфларда учрайдиган типик хатоларни ҳам она тили дарсларида кўрсатиб, таништириб бориш мумкин.

Ҳарфларнинг шакли бузилишига ишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, ёзув қуролларидан тўғри фойдаланмаслик ҳам сабаб бўлади.

Хати хунук ўқувчи кўпинча авторучкани нотўғри ушлайди ёки ўзи нотўғри ўтиради. Авторучкада сиёҳнинг етарли бўлмаслиги ёки шарикли авторучканинг пастаси қотиб қолиши ҳам ёзувнинг бузилишига олиб келади.

Айрим ҳолларда ўқувчининг кўриш қобилияти яхши бўлмаса ҳам ёзув бузилиши мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзувлари бузилиш сабабларини аниқлаш билан бирга, уни бартараф этиш йўлларини топиши керак.

Агар ўқувчилар ҳарфларнинг шаклини бутунлай нотўғри ёзсалар ёки ҳарфларнинг баланд ва қиялигига эътибор бермасалар, бундай ўқувчилар билан қайтадан машқлар ўтказиш лозим. Қайта машқ ўтказишда ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини кўпроқ бутунлай узиб ёзиладиган ҳарфларнинг шаклига қаратиши лозим.

Ёзув малакаси паст бўлган ўқувчиларни равон, текис қилиб ёзишга ўргатиш, чамалаш қобилиятини ўстириш ва ҳарфларни умумий қоидага амал қилишга ўргатилади. Ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлашга ўргатишда қўл ва бармоқ мускулларининг ҳаракатини ўстирувчи машқлар муҳим роль ўйнайди.

Ёмон ёзадиган ўқувчиларнинг ҳар бир бажарган машқларини ўқитувчи кузатиб ва текшириб бориши зарур.

Давр ўзгариши билан ёзув қуроллари ҳам такомиллашиб бормоқда, уларга бўлган муносабатлар ҳам ўзгармоқда. Айниқса, соддалаштирилган ёзув системасининг тезлигига ва ҳарфларни қўл ҳаракатини узмай боғлаб ёзишга талаб кучайди.

Халқ маорифи системасини қайта қуриш даврида мактабларимиз олдида чиройли ёзувга ўргатишни такомиллаштириш борасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Биз бу муаммоларни мазкур қўлланмада ёритишга ҳаракат қилдик.

Олти ёшли болаларга ёзув малакасини сингдириш ўқитувчилардан чидам ва маҳорат талаб этади. Шунинг учун биз бу ҳақда кенгроқ тўхталиб, тайёргарлик машқларини ўтказиш учун аниқ кўрсатмалар бердик. Бу даврда чиройли ёзувга ўргатишнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, ёзув малакасини шаклланишида асосий роль ўйновчи ёрдамчи қия чизиқларни сақлаб қолдик. Фақат иккинчи синфдан бошлаб бир чизиқли дафтарга ёздириб машқ қилдириш мумкин.

Бошланғич синфларда чиройли ёзув малакасини шакллантириш учун фақат ҳарфлар намунасидан, ҳуснихат дарсликлари билан кифояланиб қолмасдан, турли техника воситалари: диафильм, эпидиаскоплардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

Ҳуснихат малакасини шакллантириш бундан кейин ҳам янада такомиллаштириб борилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қосимова К. Биринчи синфда она тили дарслари. «Ўқитувчи», Тошкент, 1969.
2. Қосимова К., Убайдуллаева Н. Иккинчи синфда она тили дарслари. «Ўқитувчи», Тошкент, 1987.
3. Абдураҳмонова Э. Грамматика, имло ва нутқ ўстиришдан тарқатма материаллар. «Ўқитувчи», Тошкент, 1988.
4. Ғуломов М. Ҳуснихат методикасининг баъзи масалалари. «Ўқитувчи», 1969.
5. Ғуломов М. Бошланғич синф ўқувчиларини ҳуснихатга ўргатиш. «Ўқитувчи», 1969.
6. Ғуломов М. Ҳуснихат методикаси. «Ўқитувчи», Тошкент, 1976.
7. Ғуломов М. Обучение по новому упрощенному шрифту. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 4, 1971.
8. Соколова Е. Н. Прописи для 1 класса. «Просвещение», М., 1975.
9. Боголюбов Н. Н. Методика чистописания. «Учпедгиз», Л., 1963.
10. Гурьянов Е. В. Психология обучения письму, формирования графических навыков письма. М., АПН, РСФСР, 1959.
11. Листов А. Ф. Парта и другая мебель. «Учпедгиз», М., 1950.
12. Мухлинина Л. А. Обучение письму в 1 классе. «Просвещение», М., 1964.
13. Соколова Е. Н., Архангельская Н. В. Методические указания к экспериментальному обучению письму в начальных классах. «Просвещение», М., 1984.
14. Желтовская Л. Я., Соколова Е. Н. Формирование каллиграфических навыков у младших школьников. «Просвещение», М., 1987.

МУНДАРИЖА

Ҳуснихат методикасининг ривожланиш тарихи . . . . 3—8
Ҳуснихатга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари . . . 8—11
Чиройли ёзув малакасини шакллантиришнинг физиологик асослари . . . . . 12—14
Синфда ўқувчиларнинг иш жойини тўғри ташкил этиш . 14—22
Ёзув қуроллари ва улардан фойдаланиш . . . . . 22—35
Ёзув сифатини шакллантириш . . . . . 35—43
Чиройли ёзув малакасини шакллантириш усуллари . . . 43—49
Ўқувчиларга ёзув техникасини ўргатиш . . . . . 49—62
I—IV синфларда чиройли ёзувга ўргатиш . . . . . 62—63
Биринчи синф ўқувчиларини чиройли ёзув техникасига ўргатиш . . . . . 63—87
Иккинчи синфда чиройли ёзув дарсларини ташкил этиш . . . . . 87—133
Учинчи синфда ҳуснихат малакасини шакллантириш . . 133—138
Тўртинчи синфда чиройли ёзув машқларини ташкил этиш . . . . . 138—141
Мактабларда қатъий ёзув тартибини жорий қилиш . . 141—143
Ўқувчиларнинг ёзувларида учрайдиган типик хатоларни тузатиш . . . . . 143—149
Фойдаланилган адабиётлар 150

На узбекском языке

ГУЛЯМОВ МИРХАБИБ

ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ КАЛЛИГРАФИИ

Пособие для учителей четырёхлетней школы

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

ИБ № 4984

Муҳаррир *М. Баҳромова*
Бадиий муҳаррир *Ж. Одилов*
Тех. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусаҳҳиҳа *Л. Мирзаахмедова*

Теришга берилди 12. 05. 90. Босишга рухсат этилди 10.02.92. Формати 84X108/32 Кегли 10. шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 7,98. Шартли кр.-отт. 8,19. Нашр. л. 6,52. Тиражи 13000. Зак № 2447.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13-30-89.

Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитасининг Ташполиграфкомбинати. Тошкент,. Навоий кўчаси 30. 1992.

Ташполиграфкомбинат Госкомпечати Республики Узбекистан, Ташкент, ул. Навои, 30.